

Telegram address:

@turkiston_kutubxonasi

Telegram address:

@turkiston_kutubxonasi



Ҳ. ТУРСУНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
1916 ЙИЛ
ХАЛҚ
ҚЎЗҒОЛОНИ

Telegram address:

@turkiston_kutubxonasi

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Telegram address:

@turkiston_kutubxonasi

Х. ТУРСУНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
1916 ЙИЛ
ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНИ

Telegram address:

@turkiston_kutubxonasi

Telegram address:

@turkiston_kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1966

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1916 йил Кўзғолонининг тарихий шарт-шароитлари	6
Ўзбекистон чоризм даврида	13
Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг аҳволи	22
Революцион-озодлик ҳаракатининг ривожланиши	28
Биринчи жаҳон уруши ва халқ оммаси аҳволининг янада ёмонлашуви	40
Полшо фармонининг эълон қилиниши—Кўзғолон сабабларининг бири	49
Кўзғолоннинг бошланиши ва давом этиши	49
Халқ кўзғали. Хўжанд — Самарқанд	53
Жиззах фожиаси	65
Фарғона водийси бўйлаб	90
Сирдарё областидаги баъзи кўзғолонларга доир	106
Кўзғолоннинг характери, ҳаракатга келтирган кучлари, яқинлари ва тарихий аҳамияти	106
Кўзғолоннинг характери ва ҳаракатга келтирган кучлари	118
Кўзғолоннинг яқинлари ва тарихий аҳамияти	136
Қисқа хулосалар	138
Ўзбекистонда 1916 йил Кўзғолонининг хронологияси	163
1916 йил Кўзғолонига бағишланган халқ қўшиқлари	163

Турсунов Х.

Ўзбекистонда 1916 йил халқ кўзғолони.

Т., Ўзбекистон, 1966.
169 бет. Тиражи 5000.

Турсунов Х. Народное восстание в 1916 г. в Узбекистане.

9(С52)
Т 91

Ўзбек халқи тарихи ажойиб қаҳрамонона озодлик курашлари, буюк воқеаларга бойдир.

Халқимиз катта машаққатлар ва мушкулликларни бондан кечириб, қон тўкиб, ижтимоий ва миллий-озодлик учун кураш жараёнида жанговар қаҳрамонлик ва жасурлик кўрсатди. Бу традициялар авлоддан-авлодга ўтиб сингиб кетган.

Ўзбекистонда ва бутун Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистондаги 1916 йил кўзғолони мана шундай сўнмас ёрқин тарихий воқеалардан биридир.

Дарҳақиқат 1916 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда бутун чоризмни ларзага келтирган ва унга катта зарба берган муҳим тарихий революцион воқеа рўй берди. Бу кенг халқ кўзғолони эди.

* * *

В. И. Ленин тузган бизнинг партияимиз эзилган халқларнинг империализмга қарши миллий-озодлик ҳаракатига катта аҳамият бериб, унинг сабаблари ва истиқболлари тўғрисида жуда муҳим ленинча миллий программани амалга ошириб келди.

Пролетар партияси, — деб таълим берган эди Ленин, — миллий зулмга ва мустамлака зулмига қарши, барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун, барча миллатларга мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқиб кетишгача ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини бериш учун изчил кураш олиб бориши, миллий-озодлик ҳаракатларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаши керак.

В. И. Ленин, миллий-мустамлака масаласи пролетар революцияси ва пролетар диктатураси, социализм ва коммунизм тўғрисидаги умумий масаланинг таркибий қисмига айланади, деб илмий равишда исботлаб берди. Ленин таълимотида, пролетариатнинг революцион кураши миллий-озодлик ҳаракати билан бирлашмоғи лозим. Шундагина ишчилар синфи ҳамда миллий-озодлик учун курашувчи халқлар муваффақият қозониши, социализм тақтана қилиши мумкин.

Пролетариат миллий зулмнинг душмани ва халқлар тенглиги ҳамда интернационалистик дўстлигининг байроқдоридир. В. И. Ленин 1913 йилда ёзган «Ишчилар синфи ва миллий масала» деган мақоласида «Ҳозирги кунларда фақат пролетариатгина миллатларнинг ҳақиқий озодлиги ва ҳамма миллат ишчиларининг бирлиги учун курашмоқда», деб уқтирди.

Шу билан бирга В. И. Ленин миллий-озодлик ҳаракатининг ишчилар синфи социалистик революцион кураши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтган эди. «Социал революция, — деб ёзган эди Ленин, — илгор мамлакатларда пролетариатнинг буржуазияга қарши қиладиган граждан урушини тараққий қилмаган, қолоқ ва эзилган миллатлардаги бир қанча демократик ва революцион ҳаракатлар билан, шу жумладан миллий-озодлик ҳаракатлари билан бирлаштирувчи давр шаклида юз бериши мумкин ва бошқача юз бериши мумкин эмас»¹.

Бизнинг партиямиз В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг миллий-озодлик курашини қўллаб-қувватлаб келди. Бу масалага партиянинг XXIII съездида ҳам алоҳида эътибор берилди. Съезд ҳозирги замонда Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг империализм мустамлакачилик системасини батамом тугатиш учун кураши замонамизнинг революцион вазиятининг муҳим белгиларидан бири эканлигини қайд қилди. КПСС XXIII съезди Марказий Комитетга — мустамлака зулмига ва янги мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашни; миллий мустақилликка эришган мамлакатлар билан ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришни; барча қитъалардаги антимпери-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 19-том, Ўздавнашр, 78-бет.

² В. И. Ленин. Асарлар, 23-том, Ўздавнашр, 58—59-бетлар.

листик фронтни мустақамлашга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни; ёш миллий давлатларнинг коммунистик ва революцион демократик партиялари билан алоқани кенгайтириб боришни топишди¹.

Ҳозирги замонда бўлиб турган тарихий воқеалар, миллий-озодлик ҳаракатининг роли ва истиқболларини тушуниш ва халқларимиз қаҳрамонона ўтмишини ўрганиш учун чор Россиясида бўлиб ўтган революцион-озодлик ҳаракатлари, шу жумладан Урта Осиёда 1916 йил кўзғолони тарихини ўрганиш зарур.

Хурматли китобхонларга тақдим этилаётган бу асарда Ўзбекистонда 1916 йил кўзғолони тўғрисидаги илмий текширишларнинг бир қатор асосий якунлари билан таъништириш кўзда тутилади. 1962 йили авторнинг «Урта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил кўзғолони» деган асари рус тилида босилиб чиққан эди. Матбуотда бу асар ҳақида ижобий баҳо берилиши билан бир қаторда, қимматли маслаҳатлар, таъқиқий мулоҳазалар ҳам баён этилди. Автор бу китобни ёзишда мана шуларни эътиборга олиб, қўшимча ҳужжатларни ўрганиб, улардан фойдаланди.

Маълумки, кенг доирадаги ва мураккаб катта ҳаракатни бир-икки асар билангина баён этиш қийин иш. Китобда, автор 1916 йил кўзғолонининг сабаблари, бошланиши, турли областлардаги хусусиятлари, характери, сабаблари ва тарихий аҳамияти каби масалаларни баён этишга уринди.

Асардаги камчиликлар хурматли китобхонларимиз назаридан ҳоли бўлмас ва уларнинг қимматли таъқиқий мулоҳазалари, маслаҳатлари 1916 йил кўзғолони ва бошқа революцион-озодлик ҳаракатлари тарихини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

¹ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездининг КПСС Марказий Комитети ҳисобот доклади юзасидан резолюцияси

1916 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛОННИНГ ТАРИХИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА САБАБЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРИЗМ ДАВРИДА

XIX асрнинг биринчи ярмида, яъни Ўрта Осиё чор Россияга қўшилган давргача, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон ва Жанубий Қозоғистон территорияси иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан жуда қолоқ бўлган Бухоро амирилиги, Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида бўлинган эди. Бу давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар ва ички зулм халқ оmmasини оғир аҳволга солган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида чоризм Ўрта Осиёни забт қила бориб, уни Россияга қўшиб олди. Қўқон хонлиги бутунлай тугатилиб, унинг ўрнига Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топди. Бухоро амирилиги ва Хива хонлиги ҳам чор ҳокимиятига бўйсундирилиб, расмий жиҳатдангина, номинга мустақил деб эълон қилинган бўлса-да, амалда чор Россияга қарам бўлди. Шундай қилиб, Туркистон, Бухоро ва Хива чор Россиясининг мустахлакаларига айлангирилди. Бутун ўлка Россия саноати учун хом ашё базаси ва мол сотиш базаси, шунингдек рус ва чет эл капиталлари учун қудай районларга айланди. Айни вақтда чоризм ўзининг Шарққа томон янги мустахлакаларни қўлга киритишга мўлжаллаган тажовузлари учун Ўрта Осиёдан муҳим стратегик майдон сифатида фойдаланишни ҳам кўзда тутди.

Бутун Иттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг раиси Михаил Иванович Калинин 1925 йилда Ўзбекистонга келган вақтида сўзлаган нутқларидан бирида Ўрта Осиё Россияга қўшилгандан сўнг халқнинг аҳволини, мустахлакачилик зулмини мана бундай ифода қилган эди: «Ниҳоят, бизлар Россияга қўшиб олиндингиз, подшо хукумати таъсир доирасига кириб қолдингиз. Чоризм сиз-

ни 50 йилдан ортиқ идора қилиб келди. Бу ҳол бир қадар osoйишталик киритди, хонларнинг ўзаро кураши камайди, аммо умумий зулм камаймади. Аксинча, чоризм ҳам халқни худди хонлар сингари эзиди, унинг сиқиб сувини ичишни, унга ҳокимлик қилишни истади. Чоризм халқнинг қонини бек ва хонлардан кам сўрмади»¹.

Революцияга қадар Ўзбекистон бир территория бўлиб бирлашмаган, ўзбек ерлари Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирилиги ва Хива хонлиги ўртасида парчаланиб, бўлиниб кетган эди.

Туркистон генерал-губернаторлиги 5 областдан: Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Закаспий ва Етисув областларидан иборат бўлиб, ҳозирги Ўзбекистон территориясининг Туркистондаги қисмлари асосан Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд областларига кирарди. Шунинг учун Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолонини таҳлил қилганимизда мана шу уч областда бўлиб ўтган воқеалар кўзда тутилади.

Ўзбекистоннинг Туркистондаги қисмини Бухоро амирилиги ва Хива хонлигидаги районлари билан қўшиб ҳисоблаганда умумий майдони 449,6 минг квадрат километрдан иборат эди. 1913 йилда Ўзбекистон аҳолиси 4 миллион 366 минг киши бўлиб², шулардан тахминан 60 проценти Туркистон ўлкасида, қолганлари эса Бухоро ва Хива хонлигида яшарди.

Ўзбек халқи узоқ вақт чор мустахлакачилари ва «ўз» маҳаллий эксплуататорлари зулми остида яшади. Туркистон генерал-губернатори мустахлака ҳокимиятининг ўлкадаги бош вакили ҳисобланар ва у ўзига тобе областларни назорат қилибгина қолмай, бу ерда жойлашган ҳарбий қисмларга бош қўмондонлик қилиш ва зарур топган қонунларни чиқариш ҳуқуқига ҳам эга эди. Генерал-губернаторга маҳаллий аҳоли устидан назорат қилиш ҳуқуқи ҳам берилгани унинг ва бошқа барча мустахлакачи амалдорларнинг хоҳлаган номаъқулчилик ва зуравонлик қилишлари учун кенг йўл очиб берарди.

Туркистон областларида область ҳарбий губернатори ҳукмрон эди. Областлар ўз навбатида уездларга бўлиниб,

¹ М. И. Калинин Ўзбекистонда, Хужжатлар тўплами, Ўздавнатр, 1962, 61-бет.

² Народное хозяйство Средней Азии в 1963 году. Статистический сборник, ЦСУ СССР, изд. «Узбекистан», 1964, 7-бет.

уезд ҳокимлари томонидан идора қилинарди. Уезд эса участкаларга ажратилиб, уларнинг тепасида полиция приставлари турарди.

Уезд ҳокимлари ва участка приставлари маҳаллий аҳолидан ҳар бир кишини кичкина «ножўя» ҳаракати ва итоатсизлиги учун етти кунга қадар қамаб қўйиш ёки пул билан штраф тўлашга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эди. «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг 64-моддасига мувофиқ маъмурларга қарши ҳар қандай қўполлик, дағал муомала ёки уларни хурмат қилмаслик ва ҳоказолар «ножўя» ҳаракат деб ҳисобланарди. Уезд ҳокими ва полиция бўлар-бўлмас «сабаблар» билан истаган кишини қамаш, штрафга дучор қилиш, агар «айби» оғирроқ бўлса ҳарбий суд жавобгарлигига тортириш учун раомий ҳуқуққа эга эди. Арзиманган баҳона билан кишиларни савалаш, ҳақоратлаш полиция маъмурларига одаг бўлиб қолган эди. «Уездний», «Пристав», «Полицай» сўзлари зўравонлик, босқинчилик, адолатсизлик, қаллоблик, порахўрликни ифода қиларди. Ҳатто Туркистонни 1909 йилда ревизия қилган граф К. Пален ўлкада полиция маъмурларининг ўта кетган ўзбошимчиликлари ва уларнинг юқори мустамлакачи маъмурият томонидан ҳимоя қилинишини эътироф қилиб, у, кишилар ҳеч қандай айбисиз ҳақорат қилингани, уриб савалангани, порахўрлик ёки зўравонликлар тўғрисида аҳолининг жуда кўп шикоятлари текширилмай қолиб кетганига иқдор бўлган эди.

Уезд ҳокими, полиция ва бошқаларнинг чексиз зўлами халқ оммасининг мустамлакачиларга қарши нафрати ва қаҳр-ғазабини тобора кучайтирди.

Мустамлакачи доиралар ўзларининг сиёсатларини ўтказишда маҳаллий феодал, бой ва мусулмон руҳонилардан фойдаланиш учун уларни қуйи маъмурий бошқармаларга жалб қилди. Мана шу бадавлат эксплуататор табақалардан волость ҳокимлари (волостнойлар), қишлоқ оқсоқоллари, элликбоши, мингбошилар ҳамда маҳаллий судья — қозилар «сайланар» эди. Волость бошқармалари, оқсоқоллик ва бошқа маҳаллий идоралар чоризм сиёсатини ўтказувчи ёрдамчи муассаса ҳисобланарди. Лекин улар меҳнаткаш аҳоли учун дард устига чипқон бўлди. Волостнойлар, оқсоқоллар, элликбоши, мингбошилар ва қозилар халқни талаб, зўравонлик ва талон-торожлик қилдилар ва мустамлакачи маъ-

мурларнинг малайлари сифатида қабих ролни бажардилар.

1916 йил кўзғолонини бостирувчилардан бири, Самарқанд область ҳарбий губернатори Н. Ликошин ўзининг қозилар тўғрисидаги мақоласида маҳаллий бошқариниш аппаратининг ва шу жумладан қозиларнинг соққинлиги ва хиёнатларига иқдор бўлиб, қуйидагиларни ёзгани бежиз эмас: «Мен қозиларнинг қудратли ва бой табақаларга нисбатан мойиллигига кун сайин ишондим. Маҳаллий аҳолининг кўзга кўринган бу вакиллари ҳамма вақт қозиларнинг жон-жаҳдлари билан бадавлат кишиларни қўллаб, ёрдам беришига умид боғламоқлари мумкин ва улар шу ҳамфикр кучдан (қозилардан) камбағални эзиш учун фойдаланадилар. Баъзан бадавлат киши ўз кучини камбағалга кўрсатишга интиладиган иш чиқиб қолади ва лекин қози ҳеч вақт кучсизни (камбағални. — Ҳ. Т.) ҳимоя қилишга ўтмайди»¹.

Турли найрангбозликлар, пул сарф қилиш, қаллоблик ва очикдан-очиқ зўравонлик билан ўтказиладиган «сайловлар» натижасида бадавлат кишилар волостной, қози, мингбоши, элликбоши ёки оқсоқол бўлиб оларди. Маса-лан, Фарғона область, Сўх волостнойлигига 100 минг сўмлик мол-мулкка эга бўлган катта ер эгаси Мулла Муса Санжиев «сайланган» эди. Шундай лавозимга шу областнинг Қорақалпоқ волостидаги катта ер эгаларидан Хатамқул Пиримқулов, Қайнар волостида ҳам катта ер эгаси Жўрабой Ҳожи Назаров «сайланган» эди².

Ерли миллатдан чиққан бу амалдорлар халқдан қўшимча маблағлар, жарималар йиғиб, янада бойиб кетар ва даромадлардан мустамлака муассаса маъмурларига пора бериб, ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олардилар. Мустамлакачи доиралар бунинг эвазига маҳаллий идора амалдорларини қўллаб-қувватлар ва подшо орденлари билан мукофотлашга тақдим қиларди. 1912 йилда Фарғона областидаги мана шундай маҳаллий амалдорлар ва бойларнинг вакилларидан 113 киши чор ҳукуматига садоқат билан хизмат қилганлари учун подшо орденлари ва медаллари билан мукофотланган эди. Булар ичда волостнойлардан Маҳсумқул Қурбонов

¹ Н. Ликошин бу мақолани Фарғонада ишлаган пайтда ёзган, мақола «Русский Туркестан» тўпламининг II томида Тошкентда 1899 йилда босилган.

² УЗССР Давлат архиви, ф. 19, оп. 1, д. 663, 262 — 263-варақлар.

(Скобелев уездининг Овал волости), Мулла Хакимбек Мулла Рўзиевков (Андижон уездининг Олтинкўл волости), Дўстмухаммад Мўминсаев (Қўқон уездининг Қипчоқ волости) ва бошқалар бўлган¹.

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасида мустахлака апарати бошдан-оёқ меҳнаткаш оммани чоризмга ва унинг ўлкадаги муассасаларига сўзсиз бўйсундиришга қаратилган эди. Кенг меҳнаткашлар оммаси ҳар қандай сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб, лом-мим демай ҳокимларнинг ва барча эксплуататор гуруҳларнинг буйруқларига итоат этишга маҳкум қилинганлигини эсласак, халқ аҳволи нақадар оғир бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Кейинчалик мустахлакачилик сиёсатиغا қарши меҳнаткашлар норозилигини бостириш учун чор ҳукумати кўшимча чоралар белгилади. Мана шу мақсадда сиёсий «жиноятда» айбланувчиларни қидирув бўлимлари (сыскные отделения) ташкил қилинди. Бундай бўлимларнинг иши тўғрисида Еттисув область қидирув пункти бошлиғи Железняковнинг сўзларини мисол қилиб оламиз. Унинг эътирофи этишига қараганда 1916 йилда «полицмейстер Порошков томонидан мусулмонлар орасида қидирувнинг бутун бир системаси ташкил қилинган эди». Қидирув ишларига халқ ўртасида ўз беэорилиги ёки бошқа ёмон хулқ-атворлари билан танилган кишилар жалб қилинарди. Улар чоризмга қарши ҳаракатда айбланувчи кишиларни таъқиб қилиш ва қидириб топши билан шуғулландилар.

Ўзбек халқи даярли ялпи саводсиз эди. Саводдилар 1,5—2 процентдан ошмасди. Собиқ Туркистон генерал-губернатори Н. А. Куропаткин ўз кундалик дафтаридида чоризм замонидида ерли миллат аҳолисига нисбатан мустахлакачилик сиёсати ўтказилганининг оқибатларини шарҳлаб: «Биз 50 йил мобайнида туземцлар (ерли халқ. — Ҳ. Т.)ни тараққиётдан, мактабдан ва рус ҳаётидан четлатиб турдик²», — деб тан олган эди.

Имperialизм ҳар қаерда ижтимоий тараққиётга ғов бўлгани ҳолда мустахлакаларда айниқса реакция роль уйнайди. Мустахлакачилик ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш талаблари билан феодал муносабатлар,

¹ ЎзССР Давлат архиви, ф. 19, оп. 1, д. 8432, 58—65-варақлар.
² Н. А. Куропаткиннинг кундалиги 1927 йилда «Красний Архив»нинг XIX томида босилган.

қолоқликни сақлаб қолишга асосланган империалистик монополиялар ўргасида қарама-қаршилиқни туғдиради.

Чор Россиясида мавжуд бўлган «ҳарбий-феодал империализми»да ижтимоий ва миллий қарама-қаршилиқлар бор эди. Чоризм билан чамбарчас боғланиб кетган Россия империализми мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёсига тўқтинлик қилар ва айниқса чет миллий ўлкалар — Урта Осиё, Қозоғистон, Закавказье ва бошқа мустахлакаларда ижтимоий юксалишга ғов бўлди. Миллий-озодлик ҳаракатининг объектив қонуниятини аввало мана шу тарихий шароитдан келиб чиқди.

Урта Осиё жуда кўп табиий бойликларга — кўмир, нефть, нодир металл рудаларига тўла бўлишга қарамай, ўз саноатига эга эмасди. Оддий темир-терсак, асбоб-ускуналар Россиядан ва ҳатто чет эллардан келтирилди. Айни замонда ўлка Россия империализми учун хом ашё базаси ва кенг бозор сифатида аграр мамлакат бўлиб қолди.

Россия империализми Урта Осиёдан ва бошқа мустахлакалардан максимал фойда олишни мақсад қилиб олганидан бу миллий ўлкаларни очиқдан-очиқ талаш ва тенг бўлмаган алмашув системасини қўллади, Урта Осиёнинг иқтисодий тараққиётига халал берди, феодал муносабатларни сақлаб қолишга уринди ва ўлкани империалистик монополиялар манфаатига мослаб саноат ва қишлоқ хўжалик хом ашёлари тайёрлашга бир ёқлама ихтисослаштирди. Масалан, Туркистон ўлкаси экспортнинг қарийб 75 процентини пахта, сўнгра тери, жун, гўшт ташкил қиларди. Айни вақтда Туркистонга Россиядан саноат маҳсулотлари келтирилиб, бу маҳсулотларни монополистлар истегаинича юқори нархда сотар эдилар.

Урта Осиёда монокультура ихтисосланиши ички асосий хўжалик тармоқларининг хонавайрон бўлишини тақозо этарди. Чунончи, Россиянинг капиталистик саноат маҳсулотлари Урта Осиё бозорларини эгаллай бориши билан маҳаллий ҳунармандлар — тўқимачилар, илакчилар, темирчилар ва бошқаларнинг хўжаликлари тушкунликка учради. Ўлкада пахта экиш кўпайтирилиб, галла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш камайиб кетди.

Чор Россияси тўқимачилик саноати капиталистларини арзон баҳода Туркистон пахтаси билан таъминлаб келди, Америка Қўшма Штатларидан тилла ҳисобига пахта сотиб олиш чеклаб қўйилди. Туркистонда дон экинлари майдонлари қисқартирилиб, ўлкага рус помещикларининг ғаллалари келтирилиб, юқори нархда сотиларди. Бу мустамлакачилик иқтисодий сўсати чор ҳукуматининг амалдорларидан бири А. В. Кривошеиннинг 1912 йилда Туркистонга қилган сафари тўғрисидаги докладыда қуйидагича баён этилган эди: «Туркистон буғдойининг ҳар пуди — рус (Россия.—Х. Т.) ва Сибирь буғдойи учун рақобат бўлса, Туркистон пахтасининг ҳар пуди — Америка пахтаси учун рақобатдир. Шунинг учун ўлкага (Туркистонга.—Х. Т.) қиммат нархда бўлсада четдан (Россиядан) ғалла бериб, ундаги суғориландиган ерларни пахта учун бўшаши яхшироқдир».

Туркистонда чоризм ва рус империализми манфаатларига мос саноат тармоқларигина ривожланди. 1914 йилнинг бошигача Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд областларида 709 саноат корхонаси мавжуд бўлиб, булардан 220 таси пахта тозалаш², 76 таси кўн-тери, 32 таси пилла қуришти заводларидан иборат эди. Буларнинг кўпчилиги кичик ва жуда оддий ускуналар билан қурилган, мавсумий ишлайдиган корхоналар бўлган. Саноатнинг аста-секин ривожланиши билан икки янги синф — миллий буржуазия ва ишчилар синфи вужудга келди. Маҳаллий йирик савдо-судхўр табақаларидан пахта тозаловчи, мой ва кўн-тери заводлари хўжайинлари егишди. Туркистон ўлкасидаги 220 та пахта тозалаш заводидан 117 таси, шу жумладан Фарғона об-ластидан — 94, Самарқанддан — 15 ва Сирдарё об-ластидан — 8 завод миллий буржуа вакиллари қарамоғида эди. 75 та кўн-тери заводидан 54 таси, 34 совун тайёрлаш заводидан 20 таси миллий буржуа вакиллариники эди.

Маҳаллий буржуазиянинг кўпчилиги Россия ва чет эл капитали ҳамда ички бозор ўртасидаги ўзаро битимлар доирасида вужудга келган, мустамлакачилар билан келишувчи компрадор буржуазия эди. Шунинг учун у

¹ А. В. Кривошеин, Зависка главноуправляющего землеустройством и земледелием А. В. Кривошеина о поезде в Туркестанский край в 1912 году. Тошкент, 7-бет.

² В. В. Заорская и К. А. Александр, Промышленные заведения Туркестанского края. П., 1915, 39, 95, 132, 152, 170-бетлар.

иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Россия мустамлакачилари билан боғланиб кетган эди.

Мана шу тарихий ўзгаришлар натижасида Урта Осиё халқ оmmasи икки ёқлама зулм остида, бир томондан, чор мустамлакачилари ва иккинчи томондан, маҳаллий феодаллар ҳамда миллий буржуазия зулми остида қолдилар.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ АҲВОЛИ

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари мустамлакачилик давридаги аҳволининг нақадар оғирлигини тўлароқ тасаввур қилиш ва бунинг натижасида озодлик ҳаракатининг муқаррар келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун яна бир қанча қўшимча маълумотларни беришга тўғри келади.

В. В. Заорская ва К. А. Александрнинг келтирган маълумотларига қараганда, Туркистондаги ҳамма саноат корхоналарида 20 925 ишчи бўлиб, улардан ўзбеклар 12 702 киши, тожиклар 1142, қирғизлар ва қozoқлар 944 киши эди¹. Маҳаллий аҳолидан ишчи кадрларнинг етишиб чиқиши кагта ижобий воқеа бўлди.

Лекин ҳамма ишчиларнинг ва айниқса маҳаллий ишчиларнинг аҳволи жуда оғир эди. Маҳаллий миллат ишчиларининг кўпчилиги (72 проценти) қора ишларда банд эди. Иш кўни ўрта ҳисоб билан 12, ҳатто баъзи корхоналарда 17—18 соатгача борар эди. Ишчининг бир йиллик иш ҳақи 137 сўмдан 177 сўмгача² (яъни ўрта ҳисоб билан кунига 50 тийиндан кам) етарди, холос.

Россия ишчилари иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан оғир аҳволда яшарди, Туркистон мустамлака ўлкаси ишчиларининг аҳволи эса ундан ҳам ёмон эди.

Ишчиларнинг жуда оғир аҳволда кун кечириши гоҳи расмий ахборотларда ҳам эътироф қилинарди. Масалан, «Туркестанский курьер» газетасининг 1909 йил 12 декабрдаги сонида босилган мақолалардан бирида қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин:

¹ В. В. Заорская и К. А. Александр, Промышленные заведения Туркестанского края. П., 1915, 39, 95, 132, 152, 170-бетлар.
² Уша жойда.

«Агар сиз ишчиларнинг аҳволи билан танишишга қизиқсангиз, деярли ҳамма заводларда бир хил қуйдаги аҳволни учратасиз:

1) ишчилар учун ётоқ заводдан ёки оморларнинг биридан жой ажратилган; 2) бу жойлар ёритилмайди ва иситилмайди; 3) ҳамма жойда суткасига 12 соатдан ишлайдилар; 4) завод биноси, машина бўлими чидаб бўлмайдиган даражада чанг; 5) завод биносида фақат 3—4 та шамчироқ фонарь бўлиб, буни ёритиш деб аталади. Натижада ишчилар бутун завод ичида қоронғида пайпаслаб ва чанг ҳавони филтрация қилиб нафас олиш учун бир парча пахта тишлаб юрадилар; 6) маҳаллий миллат ишчилари завод тўхтаб қолганда двигатель — моторларни тўхтатиб, заводни юргизганда эса бу двигательларни ишга солиб, мойлаб турадилар, чунки бу яшни бажарувчи махсус хизматчилар йўқ.

Бу аҳволнинг натижаси яққол кўриниб турипти, ҳар кунки бирор заводда ишчилар бахтсизликка учраб, қаттиқ шикоят ейдилар, баъзан эса ҳалок бўладилар».

Сапоат корхоналари кам бўлганидан шахарларда иш тополмай саргардон бўлиб юрувчилар сон-саноксиз эди. Улар асосан мардикорлик, бойларнинг уйда малайлик ва бошқа оғир ишлар билан банд эди. Масалан, статистик маълумотларга қараганда Сирдарё областида шундай ишлар билан шуғулланувчилар сони 1910 йилда 39 минг, 1911 йилда эса 41653 кишини ташкил қилган¹.

Меҳнаткаш аҳолининг анчагина қисмини ташкил қилувчи ҳунармандларнинг аҳволи ҳам жуда оғир эди. Туркистон ўлкасида 108324 киши кустарь ҳунармандчилик билан шуғулланарди. Буларнинг кўпчилиги камбағаллар бўлиб, бой кустарь корхона хўжайинларига ёлланган халфалар (кустарь ишчилар)дан иборат эди. Масалан, 1910 йилда босилган «Сирдарё область обзор» маълумотига қараганда, облаstdaги 11544 кустарь корхоналарида 43049 кустарь ишчи ишлаб, уларнинг йиллик иш ҳақи 8168 минг сўмни ташкил қилган. Кустарь корхонасида ёлланиб ишловчининг кундалик иш ҳақи ўрта ҳисобда 52 тибинни ташкил қилган холос². Демак, камбағал ҳунарманд, кустарь ишчи фабрика-завод ишчиси сингари оғир ҳаёт кечирган.

¹ «Обзор Сыр-Дарьинской области за 1910 г». Ташкент, 1912; тоже за 1911 год, 1913, 133-бет.

² Уша жойда.

Аҳолининг деярли 90 процентини ташкил қилган деҳқонлар ва чорвадорларнинг кўпчилигининг аҳволи ҳам жуда оғир бўлган.

Расмий статистика маълумотларига қараганда, Туркистонда суғориладиган ерларга жойлашган хўжаликларнинг 43,9 проценти фақат 1 десятинага қадар, 28,8 проценти 1 десятинадан 2 десятинагача, 26,9 проценти эса 2—5 десятинача ерга эга эди. Шундай қилиб, деҳқон хўжаликларининг 84,9 проценти майда ер эгаликларини ташкил этарди.

Майда хўжаликлар айниқса пахтакор районларда кўп эди. Масалан, Фарғона облаstdaги хўжаликлардан 15,3 проценти ўрта ҳисоб билан ҳар бири 0,6 десятинагача ерга эга бўлган; 39,2 проценти 0,6—1 десятина; 29,9 проценти 1—3 десятина; 8,1 проценти 3—5 десятина; 5,1 проценти 5—10 десятина; 1,2 проценти 10—15 десятина; 1,2 проценти 15 десятинадан ортиқ ерга эга бўлган. Демак, 1 десятинадан кам ва 1—3 десятинагача ерга эга бўлган майда деҳқон хўжаликлар умумий экин майдонининг 33,2 процентини ташкил қилган. Облаstdaги барча хўжаликларнинг фақат бир процентини ташкил этган 4568 йирик хўжалик эса 158589 десятина энг унумдор ерларни эгаллаган. Бундай йирик хўжаликлар ери ўрта ҳисоб билан 36 десятинадан, яъни тилик деҳқон хўжалигига нисбатан ўн ва ундан ҳам кўп мартаба зиёд миқдордаги ерга эга эди¹. Бошқа областларда ҳам аҳвол мана шундай эди.

Катта ер эгалари — феодаллар плантация хўжалигини ташкил қилмадилар. Улар машина ишлатиш ва янги агротехникани жорий қилиш учун маблағ сарф қилишдан кўра чорикор ва мардикорларнинг арзонга тушадиган кучидан фойдаланишни афзал кўрдилар. Натижада феодал хўжаликлари ерларни парчалаб, чорикор деҳқонларга ижарага бериб, уларни қаттиқ эксплуатация қилиш билан ер рентаси ҳисобига бойиб, паразит ҳаёт кечирардилар.

Чорикор деҳқон катта ер эгасидан ижарага олган ер ҳисобига ҳосилнинг $\frac{1}{4}$ қисмидан тортиб $\frac{1}{2}$ гача, баъзан ундан ҳам кўп қисмини хўжайинга беришга мажбур эди.

¹ «Статистический ежегодник», 1917—1923 гг. ЦСУ Туркеспублики, II т., I-қисм, 6—7, 30—31-бетлар.

Катта ер эгаларининг сувдан фойдаланишдаги қонунсизлиги ва зўравонликлари қишлоқ камбағалларининг бошига кулфат солди.

Сугориш сикстемасини «бошқарувчи» мироблар ва ариқ оқсоқоллари бадавлат кишилардан бўлиб, катта ер эгаларининг маънафини ҳимоя қиларди. Сувсиз қолган камбағал деҳқонларнинг арз-додларига ҳеч ким қўлаб-солмасди. Мустамлака маъмурияти бойларни қўлаб-қувватларди. А. И. Шоҳназаров 1908 йилда Петербургда босилиб чиққан «Туркистон ўлкасида қишлоқ хўжалиги» деган китобида ариқ оқсоқолларининг нотўри ишлари ва бошқа сув масалалари юзасидан деҳқонларнинг шикоятлари «одагда ҳеч қандай натижасиз қолиб кетар ва сув жанжали ҳар вақт бойлар фойдасига ҳал бўларди», — деб эътироф қилгани ажабланарли эмас.

Қишлоқ меҳнаткашларининг аҳволи жуда кўп солиқлар ва йғим-тўловлар билан янада мушкуллашган. Солиқлар йилдан-йилга кўпая борди. К. Паленнинг маълумотларига қараганда, Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона областларида бундай солиқлар (1908—1909 йилларда) бир йил ичида 425 минг сўмга ошган. Яна ўша маълумотларга кўра икки йил ичида қишлоқ солиқларининг кўлами Тошкент уездида 2 марта, Қўқонда — 2,5, Жиззахда — 3, Хўжанд уездида — 4 марта кўпайган. К. Пален солиқларнинг бу қадар кўп ўсиши тўловчилар бюджетини бузиши ва уларни саросимага солиб қўйишига иқрор бўлиб ёзган эди.

Солиқларнинг тобора ўсиши меҳнаткаш халқнинг турмушини оғирлаштирди. Масалан, Туркистон ўлкасидадан йиғиладиган ер солиғининг ўзига 1869 йилдаги 657 309 сўмдан 1905 йилда 4 677 004 сўмга, 1914 йилда эса 6 659 021 сўмга етди. Бошқача айтганда, бу солиқнинг миқдори 1869 йилдан 1914 йилгача 10 баравардан зиёд кўпайди.¹

Умумий солиқлардан ташқари, деҳқонлар кўп хил қўшимча солиқлар тўлаши, ҳар хил натурал мажбуриятларни бажариши (арик қазishi, йўл тўзатиши, волостной, оқсоқолларга ҳақ тўлаши ва бошқалар) керак эди.

¹ К. Пален. Отчет по ревизии Туркестанского края... Налог и пошлины Туркестанского края. СПб, 1910, 98-бет.

² К. Пален, ... Поземельно-податное дело, 186-бет.

Меҳнаткаш деҳқонларнинг эксплуатация қилинишининг оғир формаларидан бири судхўрлик қўлиги эди. Пахтакорлик ва бошқа қишлоқ хўжалик ишлари кўп маблағ талаб этарди. Ваҳоланки майда деҳқон ларомади кам, пул етишмаганлигидан у бой судхўрлардан қарз — бўнак олишга мажбур бўларди.

Деҳқонларга қарз бериш шартлари ва ундириш сикстемаси ҳаддан ташқари оғир ва мураккаб эди. Деҳқоннинг қарзга муҳтожлигидан давлат ва хусусий банклар, пахта фирмалари, завод эгалари ва ўртада воситачилик қилувчи судхўрлар катта фойда кўрарди.

В. Юфревининг Андижон уездидаги тўртта типик қишлоқни текшириш материалларига қараганда, шу қишлоқлардаги деҳқонларнинг судхўрлардан қарзлари 98 895 сўм 50 тиын бўлиб, ҳар бир хонадоннинг қарзи ўрта ҳисоб билан 229 сўм 46 тиынга етган.

Деҳқонларнинг қарзга ботишларини исботловчи яна бир далил келтирамиз: 1914 йилдаги маълумотларга кўра Сирдарё областининг Тошкент ва Чимкент уездларида 39 500 десятина ерга пахта экилган. Бу экинларини ундириб-ўстириш, ҳосилни йиғиштириш учун ўрта ҳисоб билан ҳар бир десятина ерга 120 сўм, жами 4740 сўм зарур эди. Пахта экувчилар қўлида эса 1170 сўм, яъни харажатнинг 25 проценти миқдорида маблағ бўлган. Харажатларни қоплаш учун етишмаган 3570 сўм пулни деҳқонлар пахта фирмалари ва майда судхўрлардан олишга мажбур бўлганлар.

В. И. Юфревининг «Туркистонда пахтачилик» деган асарига келтирилган маълумотларга қараганда, революциядан илгари Туркистон ўлкасидаги пахтакор деҳқонларнинг йилда оладиган қарзлари 35—40 миллион сўмга етган. Банклар ва пахта фирмалари деҳқонларга қарз беришни ўртада воситачилик қилувчи судхўрлар — чистачилар, аравакашлар ва бошқалар орқали уюштирган. Судхўрлар деҳқонга келуси қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳисобига қарз бериб, қарз мажбуриятни — васиқа тузарди. (Кейинчалик қарз васиқаси вексель билан алмаштириладиган бўлди.) Бу мажбурият шартларига биноан деҳқон қарз ҳисобига 200 процентдан 700 процентгача, ҳатто ундан ҳам кўп процент¹ тўлаши билан

¹ Вопросы марксистско-ленинской теории и истории революционного движения в Узбекистане, Ташкент, 1965, 203-бет.

бирга, егиштирган дярли барча пахта ҳосилини пахта фирмасига сотиши лозим эди. Шартномада аввалдан фирма пахтага истаганича паст нарх белгилаганидан, қарздор деҳқон кузда ўз маҳсулотини бозор нархидан анча арзон баҳода фирмага беришга мажбур эди. (Фирма белгилаган нарх, одатда бозор нархидан 20 процентдан 60—70 процентгача кам бўларди.) Фирмалар қарздор деҳқонни батамом талаш мақсадида унинг уй-рўзғори учун зарур бўлган молларни қарз ҳисобига қиммат баҳода фирма дўконларидан олишни ҳам шарт қиларди.

Кўпинча бойлар деҳқонга кераксиз, ўтмай қолган молларини юқори нархда қарзга берар, деҳқон пулга муҳтож бўлиб, бу молларни арзон баҳода бозорга олиб бориб сотарди. Фарғона ҳарбий губернаторининг 1912 йилда подшога берган ҳисоботида мана шу аҳвол эътироф этилган эди. Ҳисоботда қайд қилинишича, қишлоқ хўжалик ишларининг айни оғир пайтида пахтакорга пул керак бўларди. Ваҳоланки, у пул ўрнига ноилжодликдан ўзига кераксиз ва қимматга тушадиган молларни олиб, тезроқ пул топиш учун дарҳол бу молларни бозорда ярим нархга сотарди. Қарзга пул ўрнига мол берувчи пахта фирмалари эса деҳқондан қарз векселини олар ва шу билан бирга деҳқон ерини гаровга қўйиш тўғрисида васиқа беришга деҳқонни мажбур қиларди. Шундай қилиб, қарз суммаси берилган юқори нархдаги моллар ҳисобига сунъий равишда оширилиб, пахта фирмалари бундан катта фойда оларди.

Бунинг устига фирма вакили кузда деҳқондан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олаётганда ҳам қаллоблик қиларди. У деҳқоннинг саводсизлигидан фойдаланиб, ундан маҳсулотни қабул қилиб олишда тарозидан урар, юқори сортли пахтаги пастки сортлар ҳисобига сотишга мажбур қиларди.

Қарзларини вақтида тўламаган деҳқонларнинг мол-мулкларини сотиш, ерларини тортиб олиш, уриш ва қарамашлар одат тусини олган эди.

Кўпинча бойлар — судхўрлар деҳқонлар олган қарз юзасидан векселлар ёки васиқалар тузишда қалбакиликка йўл қўйиб, оз пулни кўп қилиб қўярди. Ҳатто деҳқон қарзни узгандан кейин ҳам судхўр векселини ўзида сақлаб қолиб, иккинчи-учинчи марта тўлашга мажбур қиладиган ҳолларни учратиш мумкин. Бу аҳвол деҳқонлар-

нинг шикоят аризаларидан аниқ кўринади. Масалан, Андижон уезди Избоскан қишлоқлик деҳқон Султон-хўжа Абдурахмонхўжаев Туркистон генерал-губернаторига ёзган илтимосмасида Андижоннинг машхўр бойларидан бири Рўзихун Норбоев устидан шикоят ёзади. Хатда айгилишича, деҳқон бойдан 500 сўм қарз олган бўлса ҳам Рўзихун 1000 сўмга вексель туздирган. Деҳқон унга турли пайтларда бўлиб-бўлиб жами 1915 сўм тўлаган. Лекин бу билан ҳам кифояланмай, бой зўравонлик қилиб деҳқондан яна пул беришни талаб қилган. «Охириги пахтамини топширгангидан сўнг, — деб арз қилди бу деҳқон, — Рўзихун мени ўз заводига чакириб, уриб, қўрқитиб, отхонага қамаб, мендан яна 100 сўм нақд пул ва 2000 сўмга вексель беришни талаб қилди...» Натияжада Рўзихун деҳқоннинг 2 десятина ерини 500 сўм ҳисобида арзон баҳолаб ўзига қаратиб олди. «Мени бу ўргимчак чангалдан қўтқарингиз, бўлмаса ўзим уйдан қутулишга кучим етмайди» деб ёлворган эди деҳқон.

Лекин на мустамлакачи маъмурлар ва на уларнинг малайлари — қозилар, волостнойлар, оқсоқоллар деҳқоннинг арзига қўлоқ соларди. Аксинча, улар бойнинг ёнини олиб, деҳқоннинг адолатли шикоятини туҳматга йўйиб, уни жазога мубатало қилардилар.

Хўжайинларнинг зўравонлиги, амалдорларнинг сотилганлиги, деҳқонларнинг арз-додини эшитувчи киши бўлмаганини кўрсатувчи яна бир фактга мурожаат қиламиз:

Андижонда бир неча пахта заводининг хўжайини ва энг катта ер эгаларидан бири Миркомилбой эди. Кўп деҳқонлар ундан қарз олиб вексель беришарди. Кузда деҳқонлар қарзларини тўлагач, хўжайиндан векселларни қайтариб беришни талаб қилса, Миркомилбой уларга: «Бор кетавер! Векселнинг кераги йўқ. Қарз берганим ҳолда менга инонмайсанларми? Қизиталоқлар!» деб ўдагайлаб берар экан. Новлож бўлган деҳқон шу гапга кўниб чиқиб кетар, лекин орадан бир қанча вақт ўтгач Миркомилбой илгариги векселни рўкач қилиб, деҳқондан гўё тўланмаган қарзни ундиришга мажбур қилар экан. Деҳқон ҳеч кимга арз қилолмасди. Чунки Миркомилбойни қоралашга кучи етмасди. Маҳаллий маъмурият, куч хўжайин томонида. Миркомилбой устидан шикоят қилиб, унинг кирдикорларини очаман деган

кишининг ўзи маҳаллий маҳкамалар, қозилар қийноғига мубтало бўларди. Мана шундай қулфат солган Миркомилбой тўғрисида ўша замонларда халқ орасида кўп гап-сўзлар, латифалар, шу жумладан қуйидаги ашула тарқалган эди:

Бозорга борсам хандалак
Урунга борсам замбарак.
Миркомилбойдан қарзим йўқ,
Хамиша дўшман чамбарак.

Судхўрлик зулми ҳар хил йўллار билан меҳнаткаш деҳқоннинг тинчасини қуритарди. Кўпинча деҳқон етиштирган ҳосил қарз-қавоиларга сарф бўлар, ҳатто барча қарзларни узишга етмай, яна багтарроқ оғир аҳволга тушиб, бутунлай хонавайрон бўларди.

1915 йилда «Туркистон қишлоқ хўжалиги» журналининг I-сонда босилган И. Киселевич мақоласида тасвир этилишича, пахта фирмаларига пахта сотиш ва шунинг эвазига фирмадан қарз олиш тўғрисида битим тузилгандан сўнг «деҳқон катта ёки кичик Фарғона пахта ўргимчаги чангалида ўралиб қолади... Ҳар қандай деҳқон қарзга ботиб, бутун умр ундан халос бўлмайди».

Масалан, ўша вақтларда статистика хўжжатларига қараганда, Самарқанд область, Каттақўрғон ва Самарқанд уездларидаги деҳқонларнинг жуда кўпчилиги узоқ йиллар давомида қарзга ботиб қолганликлари яққол кўринади. Самарқанд статистика бюросининг текширишлари натижасида 1136 хўжаликдан 753 таси донмий қарздор хўжаликлар бўлиб, уларнинг эски қарзлари 172 минг сўмдан ошиқ бўлган. Теқширилган ҳар бир хўжаликнинг қарзлари ўрта ҳисоб билан 152 сўмдан ошган.

Фарғона қишлоқ аҳолисининг пахта савдо фирмаларидан қарзлари 1911 йилдаги 888 164 сўмдан 1913 йилда 3 459 156 сўмга етган¹.

Деҳқонлар эски қарзларни тўломай туриб, яна қарз олар ва бу оғир юк авлоддан-авлодга ўтарди. Қишлоқ камбағал аҳолисининг қашшоқланиши уларнинг орасида ерсизликни, сарсон-саргардонликни кучайтирарди. Революциядан илгариги қозилар томонидан тузилган кўп хўжжатлар деҳқонларнинг олган қарзлари ҳисоби-

¹ «Всесоюзнейший отчет военного губернатора Ферганской области за 1912 год». Приложение, 2-бет.

га гаровга қўйган ерларини ва мол-мулкларини бойларга ўтказиш тўғрисидаги битимлардан иборат. 1912 йилда фақат Фарғона областида деҳқон ерлари ва бошқа мол-мулкларини қарз эвазига топшириш тўғрисида 270 минг битим тузилган эди.

Камбағал деҳқонлар ери ҳисобига феодаллар, судхўрларнинг қўлида ер тўпланишини кўрамиз. Бунга Марғилон уезди Оввал волостидаги Эрматбой Субонқуловнинг мисол қилиб олиш мумкин. Бу бой 1851 йилда отасидан ўз қишлоғида 9 участка ер мерос олиб, сўнгра деҳқонлардан улар олган қарзлари ҳисобига ёки пулга ер солиб олган. 1908 йилда эса унинг ихтиёрида 68 участка ер бўлиб, жами ери 200 десятинага етган. Бундай аҳвол ҳамма областларда содир бўларди. К. Пален ўзининг 1910 йилда босилиб чиққан материалларида бундай деб эътироф этган: «Кўп бадавлат ва имтиёзли шахслар узоқ йиллар давомида қишлоқ камбағаллари қўлидаги ер-суви, участкаларини сотиб олиб, ўз хусусий мулкларига айлантирмоқдалар. Натижада, бир томондан, йирик ер эгалари синфи, иккинчи томондан, бирон жойда жойлашувга жойи бўлмаган ерсиз пролетариат синфи пайдо бўлмоқда».

Ерсиз қолган деҳқонлар саноат корхоналари ишчилари сафига ўтсалар ижобий ҳисса бўлур эди. Аммо улар кўпинча шаҳарда ҳам иш тополмай, яна ўша йирик ер эгаларига оғир шарт-шароитлар асосида чорикор, малай ёки мардикор бўлиб ишлашга мажбур бўлар эдилар. «Бутун Россия қишлоқ хўжалиги 1917 йил рўйхати материаллари»га қараганда, революциядан илгари Фарғона областида 33 276 киши чорикор бўлиб ишларди. Мардикор бўлиб ёлланувчилар эса Фарғона областида 22 217 киши, Самарқанд областида 23 027 киши ва Сирдарё областида (Амударё бўлими бунга кирмайди) — 15 067 киши бўлган.

Камбағал деҳқон хўжаликларининг кўпчилиги ерни энг қолоқ техника қуроллари — асосан кетмон ва ёғоч омон билан ишлар, уларнинг меҳнат унумдорлиги жудани паст эди. Қашшоқликка тушган деҳқон ўз хўжалигини яхшилаш ва янги техника қўллашга қўрби етмасди. Туркистон ўлкасида 267 651 хўжалик (барча хўжаликларга нисбатан 29,9 процент) биронга от-уловга эга эмасди. От-уловсиз хўжаликлар Фарғона областида — 125 375 ёки 41,3 процент, Сирдарё областида — 52 928

ёки 20,3 процент, Самарқанд областида 33 134 ёки 29,6 процентни ташкил қиларди.

Кўпчилик деҳқонларнинг аҳволи чидаб бўлмас даражада оғирлашиб кетган эди. Бу аҳвол Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти ҳақидаги комиссиянинг 1911 йилги докладыда қуйидагича тасвирланган: «Иқтисодий азоб-уқубат ва моддий жиҳатдан ноилжлик, асоратли меҳнат ва шу оғир меҳнатнинг ҳамма натижалари оз сонли эксплуататорлар қўлига ўтиб кетиши яқин орада жиддий мушкулликларни туғдириши мумкин ва 15 йил муқаддам қарздорликнинг бу қадар ривожини олдиндан билолмаганимиз сингари, энди нолжлик энг чўққисига етганда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан билолмаймиз».

Қишлоқ меҳнаткашлари оmmasининг чексиз мусибати ва жабр-зулмларга қарши революцион озодлик ҳаракати кўтарилиши муқаррар эди ва ҳақиқатда бу ҳаракат тобора авж олди.

РЕВОЛЮЦИОН-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбек халқи Туркистон ўлкасининг бошқа халқлари билан бирга ижтимоий ва миллий зулмга қарши узоқ йиллар давомида курашиб келди. Бу кураш умумроссия революцион процессининг бир қисми сифатида ривожланди. Ўзбек халқи чоризмга қарши ҳаракатда рус ишчилари ва деҳқонларининг революцион курашидан мадад олдилар. Гап шундаки, чоризмнинг Россия помешчиклари ва капиталистларининг ижтимоий, миллий мустаамлака зулмидан иборат реакция сиёсатини амалга оширишига қарамай, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши муҳим прогрессив оқибатларга ҳам олиб келди ва ўлка халқларининг, шу жумладан ўзбек халқининг тарихий тараққиётида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу қўшилиш натижасида илгор рус маданияти ва революцион социал-демократик идеялар Ўрта Осиёга бевосита тарқалди ва шу илжодий таъсир остида ўзбек, тожик ва бошқа халқларнинг илгор ижтимоий-сиёсий тафаккури ҳам янада ривож топди. Энг асосий ва энг муҳим тарихий факт шундан иборатки, Ўрта Осиё

революцион Россиянинг таркибий қисми бўлиб қолди.

Масълумки, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида халқаро революцион ҳаракат маркази Россияга кўчди. Рус пролетариати раҳбарлигида қудратли халқ революцияси кўтарилди. Бу революция мамлакатда бутун ўрта асрчилик қолдиқларини йўқотиши, самодержавиега хотима бериши керак эди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг асосий ва ҳал қилувчи аҳамияти шундаки, ўзбек, тожик, туркман, қozoқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқлари рус халқидан, жаҳон революцион ҳаракатининг илгор отряди—рус пролетариатидан иборат содиқ дўст ва синалган катта ва улуг оғага, раҳнамога эга бўлдилар. Ўрта Осиё меҳнат аҳлининг Россия меҳнаткашлари билан бевосита иттифоқи ва дўстлашуви, уларнинг чоризмга, капиталистларга ва маҳаллий эксплуататорларга қарши биргаликда олиб борган кураши Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдирида тубдан ўзгариш ясади. Ўрта Осиёда ишлаб чиқарувчи кучларнинг объектив ривожини ўз олдидаги говни—бир томондан, Россия империализми ва ўша замоннинг жўмрон сиёсий тузуми—чоризмни ва иккинчи томондан, феодал муносабатларни тугатишга боғлиқ эди. Бундай тарихий ўзгариш фақат голибона революция натижасидагина вужудга келиши мумкин эди.

Лекин Ўрта Осиё халқлари ўз революцион ҳаракатлари билангина ички ва ташқи реакция кучларни енга олмас эди. Фақат Россия ишчилар синфи бошчилигидаги умумроссия революцион ҳаракати Россия чоризмининг ва империалистик буржуазия ҳокимиятини ағдариши ва социалистик революциянинг талабасини таъминлаши мумкин эди ва аслида шундай бўлди ҳам.

Чоризм, рус феодаллари ва буржуазияси Ўрта Осиёдаги феодаллар ва миллий буржуазия билан реакция иттифоқда барча эксплуататорларнинг манфаатини ҳимоя қилган бир пайтда, рус меҳнаткашлари, аввало Россия революцион ишчилари неча ўн йиллар мобайнида Ўрта Осиё халқлари билан дўстона муносабат ўрнатдилар.

Ўрта Осиёга Россиядан фақат мустаамлакачилар—чор амалдорлари, савдо-саноат ва молия капиталлари вакилларигина эмас, балки минглаб рус ишчилари ҳам

¹ „Туркестанское сельское хозяйство“, 1911, №4, 352-бет.

келдилар. Айниқса, Россияда революцион ҳаракатга қатнашганликда айбланиб, Ўрта Осиё каби чет ўлкаларга сургун қилинган ишчиларнинг Туркистонга келиб ишлаши ўлка революцион озодлик кураши тарихида муҳим роль ўйнади.

Туркистондаги кўп миллатли ишчиларнинг революцион курашида интернационалистик бирлашув процесси тобора кучайди. Рус, ўзбек, қozoқ ва бошқа миллат ишчилари саноат корхоналари, шахталар ва темир йўл қурилишларида биргаликда ишлаб, биргаликда курашдилар. Марказий Россия ишчиларининг бир қисми Ўрта Осиёга келиши бу ердаги маҳаллий аҳолининг саноатга жалб қилиниб, янги касб ўрганиши ва революцион традициялар руҳида тарбияланишида фoят муҳим роль ўйнади. Рус ишчиларининг миллий ўлкалардаги тарихий ролини В. И. Ленин кўп марта лаб кўрсатиб ўтганлиги маълум. Масалан, у Россия ва Украина меҳнаткашлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳақида 1913 йилда бундай деб ёзган эди:

«Великороссиядан ўнларча ва юзларча минг деҳқонларни ва ишчиларни капиталистик экономияга, конларга, шаҳарларга тортаётган жанубнинг, яъни Украинанинг тобора тезлашиб бораётган иқтисодий ривожланиш процессининг тўла равишда аниқланганга бир неча ўн йиллар бўлди. Великорус ва украин пролетариатининг — шу доираларида — «ассимиляциялашув» факти шубҳасиздир. *Ва бу факт шубҳасиз прогрессив фактдир!* В. И. Ленин бу ўринда рус ва украин пролетариати бирлигининг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқдириб, «Великорус ва украин пролетариатининг бирлашган ҳаракати асосидагина Украинанинг озод бўлиши мумкин, бундай бирлашган ҳаракат бўлмаса, озод Украина ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас», деб айтган эди.

В. И. Лениннинг бу сўзлари Туркистондаги аҳволга ҳам тўла тадбиқ қилиниши мумкин.

Рус халқининг энг яхши демократик традицияларининг вояси бўлган рус пролетариати миллий зулмининг ашаддий душмани сифатида, чор Россиясида қулликка солинган барча миллатларнинг содиқ дўсти сифатида

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 20-том, Ўздавнашр, 16-бет.
² Уша жойда.

майдонга чиқди. Рус пролетариатининг озодлик кураши миллий чекка ўлкаларга зўр революцион таъсир кўрсатди, бу кураш мамлакатнинг ҳамма районларига, шу жумладан Ўрта Осиёга, кучли тўлқин бўлиб ёйилди. Бу соҳада айниқса биринчи рус революциясининг тарихий аҳамияти жуда каттадир. В. И. Ленин бундай деган эди: «Жаҳон капитализми ва 1905 йилги рус ҳаракати Осиёни тамоман уйғотди. Урта аср турғунлиги остида эзилиб ёввойилашган юзларча миллион аҳоли янги турмушга ва одамнинг элементар ҳуқуқлари учун, демократия учун курашга уйғонди». Сўнгра В. И. Ленин «Осиёнинг уйғониши ва Европанинг илгор пролетариатининг ҳокимият учун кураш бошлаганлиги бутун дунё тарихининг XX аср бошида янги саҳифаси очилганлигини билдиради»¹, деб уқдирди.

Россиядаги 1905 йил революцияси Шарқий Европа ва Осиёда буржуа-демократик даврни бошланганлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Биринчи рус революциясининг таъсири остида Эрон, Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатларга революциялар буржуа-демократик миллий ҳаракатларнинг уйғонишидан дарак берди.

Ўзбекистонда озодлик ҳаракати ҳам 1905 йил революцияси таъсири остида янги босқичга кирди. Бу босқичнинг характерли хусусияти шундаки, Ўзбекистонда озодлик кураши Россия ишчилар синфи революцион ҳаракатининг бевосита ижобий таъсири остида кенг тус олди ва аҳолининг қолоқ қисми — деҳқонлар сиёсий кураш гирдобига актив жалб этилди.

Россия революцион ишчилар синфи партияси чориэмнинг ва рус буржуазиясининг шовинистик сиёсати-га қарши курашиб, пролетар интернационалиزمни байроғини баланд кўтарди. Бу тарихий воқеликни исботлаш учун Туркистон шароитидан бир мисол келтирамыз. Туркистонда вужудга келган кўп реакцион партиялар сингари Тошкентда 1905 йилда ташкил этилган «Тартиб партияси» ҳам рус буржуаси, шовинистлар гуруҳидан иборат эди. Бу «тартибчилар» революцион социал-демократларга тўхмаглар ёғдирдилар. Улар, социал-демократлар камбағал сарт (ўзбек) аҳолисининг ҳолига назар солишмайди деб вайсаб, ўзларини эса ерли халқ паноҳчилари қилиб кўрсатишга уриндилар. Лекин бу

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 19-том, Ўздавнашр, 71-бет.

қалбакичиларнинг туҳматлари Туркистон большевиклари томонидан фош қилинди. Тошкент революцион социал-демократик группаси томонидан 1905 йил кузида «Эшак қулоқлар» деган номда варақа нашр қилиниб, унда «Тартиб партияси»нинг кирдикорлари очиб ташланди. Варақада, бу «тартибчилар»—«эшак қулоқчилар» гўё «бизни сарт аҳолисининг камбағал қисми манфаатларини эътиборга олмайди,— деб очик бўхтон қилишади», деб айтилган. Сўнгра варақада: «Социал-демократлар ҳамма вақт ва ҳар қаерда, ҳар қандай миллатнинг камбағал аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиб келди ва бундан сўнг ҳам ҳимоя қилади. Шу билан бирга улар ҳар қандай эзувчилар, эксплуататорлар, шунингдек «тартибчилар»нинг ашаддий душманларидир. Биз камбағал сартларнинг манфаатларини яхшироқ тушунамиз: бу масалада ким ҳақлилиги, сиз, қора қарғалар ва кўр-шопалакларми, ёки биз — халқ манфаатларининг ҳимоячилари, ҳақли эканлигини келгуси замон кўрсатиб бергусидир!», дейилди.

Дарҳақиқат, тарих большевиклар ҳамма халқларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг ҳақиқий раҳнамонини, чин дўсти ва рақобари эканлигини исбот қилди, шовинист қора гуруҳларнинг эса шармандалари чиқиб, ер билан яқсон бўлди.

1905 йил Туркистонда ишчилар ҳаракати ва революцион социал-демократик ташкилотларнинг ривожидан муҳим этап бўлди. Бу вақтда большевиклар В. В. Биховский, М. В. Морозов, А. В. Худаш ва бошқалар маҳаллий халқ ўртасида иш олиб бориб ҳаракатини кучайтирдилар. А. В. Худаш таҳрири остида чиққан «Русский Туркестан» газетасининг 1905 йил 6 декабрдаги 258-сонида «Озодлик ҳаракати ва маҳаллий аҳоли» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Мақолада ерли миллат аҳолисининг Россиядаги ва Туркистондаги революцион ҳаракатга қизиққанлиги ва кун сайин бу халқнинг кўп-кўп вакиллари масалага тўғри тушунганликлари кўрсатилган эди.

Маҳаллий аҳолидан Султонхўжа Қосимхўжаев, Дўст Кучлар, Юсуфжон Устамухамедов каби ёш революцион кучлар рус социал-демократлари таъсири остида аҳоли ўртасида сиёсий агитация олиб бордилар. Масалан, Тош-

¹ УзССР Давлат архиви, ф. 12, д. 2277, 23—24-варақлар.

кент эски шаҳар полицмейстери Султонхўжа Қосимхўжаевнинг сиёсий ҳаракатда иштирок этиши ҳақида махсус ахборот берган эди. У мустамлакачи маъмурларга нисбатан маҳаллий аҳолининг ҳурматсиз, ноҳўя муносабат-да бўлишига сабабчилар, аҳоли ўртасида сўл партиялар агитациясини олиб боради, деб тан бергани бежиз эмасди.

1905 йилда большевик М. В. Морозов раҳбарлигида нашр этилган «Самарқанд» газетасини босиб чиқаришда иштирок этган матбаачилардан К. Ашуров, С. Турсунов, И. Шодижоновлар большевистик гояларни ерли халқ ўртасида ёйишга ҳаракат қилдилар.

Тошкент революцион социал-демократлари нолегал газетаси «Социал-демократ» «Правда», миллий масалада большевиклар сиёсатини кўллаб, бундай деб ёзган эди: «Биз, социал-демократлар, республикада ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишини талаб қилмоғимиз керак... Ишчилар синфи Россиядаги барча миллатларнинг тенгҳуқуқли бўлиши ва ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, яъни ўз ички идорасини тузиш ва Россия республикасига ўзининг муносабатини белгилаш ҳуқуқи жорий этишни талаб қилади».

Туркистон генерал-губернатори ўлкада 1909 йилги аҳвол тўғрисида подшога юборган докладида, кейинги 3—4 йил ичида (1905—1909 йиллар) Туркистон мусулмонлари ўртасида миллий бирликка янгилиш, сўнгра революцион ва ҳатто социалистик ҳаракатга интилиш тобора кучайди, деб эътироф қилинади. Бу ҳужжатда Ўрта Осиёда темир йўл қурилиши ва Россиядаги 1905 йил революцияси нагжасида мустамлакачилар истеъмоли ва уларнинг сиёсатига зарба берувчи революцион элементларнинг кўллаб Туркистонга келишлари ва уларнинг сиёсий пропагандаси ерли миллатларга таъсир қилганлиги қайд этилган¹.

Фарғона область ҳарбий губернатори кейинчалик ёзган ахборотда, 1916 йил қўзғолонининг сабабларидан бири 1905 йил революциясидан кейин Туркистонга сиёсий оқарувчиларнинг аиниқса кўллаб келиши маҳаллий аҳоли ўртасида чор ҳокимиятига путур етказганлигини кўрсатди, деб эътироф қилинади².

¹ «Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал-губернатора о положении Туркестанского края в 1909 году», 13 ва 20-бетлар.

² УзССР Давлат архиви, ф. 276, оп. 1, д. 157, 227-варақ.

I жаҳон уруши арафасида Туркистонда революцион ҳаракат янада кучайди. Ишчи ва солдатларнинг революцион кураши таъсири остида деҳқонлар ҳаракати ҳам ўеди. Кўпинча бу ҳаракатлар мустамлакачи маъмурлар ахборотларида «тартибсизлик», «бандитлар хужумлар» деб тафсилланар эди. Масалан, 1911—1913 йилларда Фарғона областьте обзюрларида берилган маълумотларга кўра «Идора тартибларига ва жамоат осойишталигига қарши курашлар сифати»да 1911 йилда 833, 1913 йилда эса 1220 «жинойт» иш кўрилганлиги қайд қилинади. Сирдарё областида шундай «айблар» билан 1911 йилда 3487 киши, 1913 йилда эса 5394 киши жавобгарликка тортилган.

Деҳқонларнинг стихияли кураш формаларидан бири бойларнинг уйига бостириб кириб, уларнинг мол-мулкларини олиб, камбағалларга бўлиб берувчи тўдалар ҳаракатидан иборат бўлди. Бу формадаги ҳаракатлар кўпинча Номоз Пиримқулов номи билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, Номоз тўдаси Самарқанд областида, айниқса Каттақўрғон ва Жиззах уездларида бадавлат кишиларнинг уйларига бостириб кириб, моллари, омборларидати ғаллаларини олиб камбағал деҳқонларга улашиб бериб, халқ ўртасида ном чиқаргани маълум. Бойлардан қасос олувчи бошқа тўдалар ҳам кўп эди.

Шундай қилиб, оғир социал ва миллий зулмга қарши меҳнаткаш омманинг революцион ҳаракатлари турли формаларда тобора кенг қулоч ёйди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ижтимоий ва мустамлакачилик азоб-укубати кучайиши билан меҳнаткашларнинг аҳволи янада ёмонлашди ва бу ўз навбатида янги революцион курашларга олиб келиши муқаррар эди.

БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА ХАЛҚ ОММАСИ АХВОЛИНИНГ ЯНАДА ЁМОНЛАШУВИ

Биринчи жаҳон уруши ва унинг оғир оқибатлари Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолоннинг асосий сабабларидан бири бўлди. Бу уруш империалистик системадаги қарама-қаршиликлар натижасида вужудга келди.

В. И. Ленин I жаҳон урушининг империалистик босқинчилик характерини фoш қилиб, бундай деб баҳо берган эди: «Ҳозирги урушнинг бирдан-бир ҳақиқий мазмунини, моҳиятини ва маъносини — бировларнинг ерларини босиб олиш ва ўзга миллатларни бўйсундириш, конкurreнция қилувчи миллатни хонавайрон қилиш, унинг бойлигини талаш, Россия, Германия, Англия ва бошқа мамлакатларнинг авж олган ички сиёсий кризисидан меҳнаткашлар оммасининг диққатини четга тортиш, пролетариатнинг революцион ҳаракатини сусайтириш мақсадида ишчиларни бир-биридан ажратиш, уларни миллатчилик билан лақиллатиш ва ишчиларнинг илгор қисмларини йўқ қилишдан иборатдир»¹.

Уруш йилларида меҳнаткашларни эксплуатация қилиш борган сари кучайди. Камбағал аҳолининг қашшоқлиги ўеди. Мамлакатда озиқ-овқат қашатчилиги, вайроналик ва очарчилик ҳукм сурди. Империалистик уруш мустамлака районларида, шу жумладан Туркистонда айниқса оғир оқибатларга олиб келди.

Ўлкада озиқ-овқат маҳсулотлари камайиб кетди. Мустамлака маъмурларининг яширин докладларида, аҳолига ғалла етишмаслиги ва қашатчилик белгилари пайдо бўлгани эътироф қилинади. Масалан, Тошкент шаҳар бошлиғи Н. Малицкий ўзининг 1916 йил 17 августда Сирдарё областьте ҳарбий губернаторига ёзган хатига 1915 йилда Урга Осиёда ғалла маҳсулоти 8,5 миллион пудга камайиб кетганидан Туркистоннинг беш областида жами 22 миллион пуд дон етишмай қолгани ва натижада очарчилик бошлангани айтилади².

Бунинг устига кенг истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нарх-навоси ҳаддан ташқари ошиб, меҳнаткашлар аҳволини янада оғирлаштирди. Улар ўзларининг машаққатлари ҳақида мустамлака маъмуриятига кўп арзномалар юбордилар. Лекин бундан бирон натижага эришолмадилар. Масалан, Самарқанд шаҳар ва уезд аҳолисининг зарур бўлган молларнинг нарх-навоси жуда ошиб кетганлигидан нолиб, Туркистон генерал-губернаторига юборган арзномаларини олиб кўрайлик. Арзномада кўрсатилишича, молларнинг

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 21-том, Ўздавнашр, 13-бет.

² ЎзКП МК қошидаги Партия тарихи институти архиви, Д/М, инв. № 81, т. 3, 65-бет.

нархи беш баравардан 11 бараваргача ошган. Хатда мана бундай сўзлар ёзилган эди: «Шу вақтдаги қимматчилик аҳолининг жуда оз қисмини ташкил қилувчи савдогарларни ҳаддан ташқари бойитди, кўпчиликка эса фақат зарар бериб, унинг аҳолини кундан-кун оғирлаштирди. 1916 йилда газмол сотувчи майда савдогарлар 10 минг сўмдан, йириклар эса 200 минг сўмдан фойда кўрдилар. Бу пуллар камбағал аҳолининг чўнглидан савдогарларга ўтди». Шунинг учун меҳнаткаш аҳоли кенг истеъмол молларига қатъий нарх (такса) белгилашсини, бўлмаса меҳнаткашлар виждонсиз савдогарлар қурбони бўлиши муқаррарлигини уқдиришган¹.

Нарх-навонинг ошиши натижасида катта ер эгалари ва савдогарларнинг бойлиги кўпайди. Ўрта Осиё темир йўли жандарма бошқармаси Қўқон бўлими бошлигининг 1915 йил 18 ноябрдаги махфий ахборотида эътироф этилишича, савдогар элементлар «шу қадар фойда олиб бийидиган ҳозирги урушдай аҳволни юз йилда ҳам топиб бўлмайди»² дердилар.

«Ферганская жизнь» газетаси ўзининг 1916 йил 15 март сонидеги (1916 йил қўғолони арафасида босилган) мақоласида «Спекулянт-чайқовчиларнинг таъмирлиги шу қадар ошиб кетдики, агар бунга қарши курашилмаса янада кўтариллиши ва кўнгилсиз натижаларга олиб келиши мумкин», — деб тан берди.

Уруш пайтида солиқлар яна ошди. Туркистондан йиғиладиган ер солиғи 1914 йилдаги 6 859 021 сўмдан, 1916 йилда 14 311 771 сўмга етди, яъни икки баравар кўпайди. Хунармандчилик солиғи эса 1 149 676 сўмдан 2 839 240 сўмга етди³, бундан даставвал камбағал — хунарманд-қустарлар оғир аҳволга тушди.

Уруш пайтида чор ҳукумати пахтага (бир пуд пахта толасига) 2 сўм 50 тийин миқдорда кўшимча солиқ белгилади ва бу ҳол деҳқонларга янги қулфат келтирди.

Расмий солиқлардан ташқари уруш эҳтиёжи учун, деб аҳолидан ҳар турли йиғим ва «ноналар» тўпланди. Масалан, 1914—1916 йилларда Наманган уезди аҳоли-

¹ ЎзССР Давлат архиви, ф. I, д. 1787, 181—182-варақлар.

² ЎзССР Давлат архиви, ф. I, ол. 31, д. 1084, 2-варақ.

³ Статистический ежегодник Туркестанской республики. 1917—1923 гг., т. II, 2-қисм, 149-бет.

сидан мажбурият тариқасида 3360 от ва 119 640 сўм пул; Скобелев уезди аҳолисида эса 4325 от, 200 юрт, 178 656 сўм пул; Каттақўрғон уезидан 2159 от ва 56 531 сўм пул; Тошкент эски шаҳар аҳолисида 5166 от ва 150 934 сўм пул олинган. 1914—1916 йиллар ичида Фарғона области аҳолисида уруш эҳтиёжларига деб кўшимча равишда 302 545 сўм «нона» тўпланган эди¹. Самарқанд уезидаги Даҳбед участка деҳқонлари участка пристави Сокольниковий устидан ёзган шикоятларида қуйидаги фактлар келтирилади: пристав уруш эҳтиёжлари учун деб 1915 йил ёзида аҳолидан 7 марта 34 300 сўм тўплаган, шу йилнинг октябр ойида Сокольниковий аҳолидан кўшимча равишда 20 ботмондан галла, 8 ботмондан гурунч, 2 ботмондан сабзи, 2 ботмондан пиёз топширишни буюрган. Натижанда Даҳбед участка волостларидан 7840 пуд бугдой, 3136 пуд гурунч, 784 пуд сабзи, 784 пуд пиёз, жами 29 615 сўмлик маҳсулот олинган. Шу даромадлар ҳисобига Сокольниковий шахсий бойлигини ошириб, ўзинга янги уй қуриб олган, аҳолининг турмуши эса яна ҳам ёмонлашган². Бироқ бошқа шикоятларга ўхшаш бу хатга ҳам қулоқ солувчи бўлмади. Аксинча, солиқлар, мусодара қилишлар ва «ноналар» оша борди. Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткиннинг докладида кўрсатилишича, фақат расмий маълумотларга кўра, Туркистон ўлкасидан «уруш эҳтиёжлари учун» 1914—1916 йилларда 70 минг от, 13 441 юрт, 30 минг метр намат, 300 минг тонна гўшт, 3 миллион пуд пахта мойи, 12 минг туя ва бошқалар мусодара қилинган³.

1915 йилдан бошлаб деҳқонлар бошига яна бир катта қулфат тушди. Бу пахта харидига қатъий нарх белгилашни билан боғлиқ эди. Чор ҳукумати пахта фирмалари ва тўқимачилик фабрикаси хўжайинларнинг манфаатини кўзлаб, пахтага арзонлаштирилган нормали нарх тайинлади. 1915 йил августда миллионер Н. И. Гучков раислигида тўқимачилик фабрикаларини хом ашё билан

¹ ЎзССР Давлат архиви, ф. I, д. 1301, 66-варақ. ЎзКП МК қоншидаги Партия тарихи институти архиви, Д/М, инв. № 80, т. 2, 30—32, 38, 39, 43, 49, 63, 70-бетлар.

² Ушга жойда, 18—19-бетлар.

³ «Восстание 1916 г. в Туркмении», (документы и материалы), Ашхабад, 1989, 218-бет.

қийноғи остида қолди. Шаҳар ва қишлоқларда районалик, қашшоқлик ва очлик таҳликаси зўрайди. Бу ҳол ўзбек демократик адабиёти классиги Завқийнинг 1916 йил баҳориде ёзган «Қаҳатчилик» деб аталган куйидаги шеърида аксини топти.

Қаҳатчилик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас ларча нон районамизда,
Улим хавфи ўраб қишлоқларни,
Не қишлоқу жибол авлодларни,
Қирқли қачча одамлар вабодан,
Нишона қолмади меҳру вафодан¹.

Уруш йилларида рўй берган оғир аҳвол бутун Россия ва миллий ўлкалар, шу жумладан Туркистонда халқ оммасининг норозилигичи ва ғазабини оширди. Уруш революцияни янада тезлатди.

Меншевиклар, эсерлар ва шунингдек чет ўлкалардаги миллий буржуа партия ва гуруҳлари империалистик урушни қўллаб-қувватлаб меҳнаткашлар оммасига, революцияга хиёнат қилдилар. Фақат В. И. Ленин раҳбарлигидаги большевиклар партиясигина ишчилар синфи ишига, революцияга содиқ бўлиб, ўзининг бирдан-бир тўғри йўлини ишлаб чиқди ва уни изчил амалга оширди.

Большевиклар партияси империалистик урушдан революцион йўл билан чиқиш учун курашди. Жаҳон уруши халқ оммасига сон-саноксиз кулфат ва азоб-уқубат келтирди ва натижада уларнинг янги революцион чиқишлари сабаб бўлди. Ана шу тарихий шароитни ҳисобга олиб, В. И. Ленин партиянинг революцион платформасини ишлаб чиқиб, ўзининг «Европа урушида революцион социал-демократиясининг вазифалари» деб аталган тезислариде, сўнгра «Уруш ва Россия социал-демократияси» деган асариде баён этди. В. И. Лениннинг бу асари 1914 йилнинг октябрида партиянинг марксистик органи «Социал-демократ» газетасиде большевиклар партияси Марказий Комитетининг «Уруш ва Россия социал-демократияси» деган манифестидеда эълон қилинди.

Социализм идеяларига содиқ бўлган большевиклар партияси В. И. Ленин кўрсатмалари асосиде, урушга қарши курашга, уни дарҳол тўхтатишга чақириш билангина кифояланмай, уруш вужудга келтирган ҳамма

қийинчиликлардан чоризмни ағдариб ташлаш учун фойдаланишга ҳам чақирди. Меншевиклар ва бошқа социал-шовинистлар ҳимоя қилиб келган граждандан тоғувилиги, снпфий ҳамкорлик шиорига қарши ўлароқ, партиянинг асосий шиори империалистик урушни граждандлар урушига, ҳукмрон синфларга қарши революцияга айлантириш шиори бўлди. Большевиклар партияси эсер-меншевикларнинг буржуа-помешчиклар ватанини ҳимоя қилиш шиорига қарши ўлароқ, урушда чор ҳукуматининг мағлуб бўлиш шиорини майдонга ташлади. Ниҳоят, партиянинг уруш даврида майдонга ташлаган учинчи шиори социал-шовинизм йўлига кириб, ҳалокатга учраган II Интернационал билан алоқани батамом узини шиори бўлиб, унинг ўрнига III Интернационал тузиш вазифаси қўйилди.

В. И. Ленин 1915 йилдаёқ, уруш натижасиде вужудга келган ва тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган объектив революцион вазият муқаррар суратда революцион кайфиятлар туғдиради ва энг яхши ва энг онгли пролетарларни чиниқтиради ва кўзини очади, деб ёзди¹.

Россияда ишчилар революцион ҳаракати ривожлана борди. 1915 йилда бир мингдан ортиқ стачка бўлиб, уларда ярим миллиондан ортиқ ишчи қатнашди. Костромада ва Иваново-Вознесенскда айниқса катта иш ташлашлар бўлди. Бу ердаги иш ташлаган ишчиларнинг полиция томонидан ўққа тутилишига қарши бутун Россияда норозилик кучайиб, иш ташлаш янада кенг авж олди. Петроградда, Украина ва бошқа жойларда иш ташлашлар снфий тус олди. Ишчилар ҳаракати таъсирида деҳқонларнинг революцион кураши ўсди. Урушнинг биринчи йили якунида содир бўлган снфий аҳволни таҳлил қилиб, В. И. Ленин 1915 йил сентябрида қуйидагиларни кўрсатган эди: «Чор монархиясининг армияси мағлубиятта учради,— пролетариат ўртасиде стачкачилик ва революцион ҳаракат ўсди — кенг омма ўртасиде тулғула бошланди — реформалар программаси устида ва Германия устидан галаба қозониш ниятида санаотни сафарбар қилишда чоризм билан тил бириктириш учун либерал-октябристча блок тузилди. Урушнинг биринчи йили охиридаги воқеаларнинг келма-кет келиши ва улар ўртасидеги алоқа манзараси ана шундай.

¹ Завқий, Танланган асарлар, Тошкент, 1958, 87-бет.

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 21-том, Ўзлавнашр, 271-бет.

Россияда революцион кризиснинг мавжуд эканлигини ҳозир ҳамма кўриб турипти...»¹

Россиядаги аҳвол сингари Туркистонда ҳам ишчилар ҳаракати, стачкалар кўтарила бошлади. Қўқон жандалар ма бўлимининг 1915 йил ноябридаги махфий ахборотида урушдаги талафотлар тўғрисидаги овозлар, турмушдаги қимматчилик ва забастовкалар аҳолини ҳаяжонга солаётганини кўрсатилган эди. Ахборотда сўнгра уруш натижасида кенг истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навонинг ошувли жамоатчилигини газабга солимоқда, бозорларда солдатлар ва ишчиларнинг хотинлари ур-йиқит, тўполон чиқариш кайфиятида экани ва ниҳоят ўлгага «социал-демократик йўналишдаги газеталарнинг кўпроқ тарқалаётгани» тасдиқланади. Жандаларма бўлими бошлиғи: «Қашшоқлик, шу билан бирга аҳолининг норозилиги ўсмоқда ва бу аҳвол очиқ галаёнга айланиши мумкин. Шубҳасиз сўл сиёсий элементлар содир бўлган аҳволдан ҳокимиятнинг бурдини кетказмоқ учун фойдаланишга ҳаракат қилади», деб эътироф этди.²

Ҳақиқатан ҳам ўлкада халқ оммасининг норозилиги очиқ курашларга олиб келди. 1914 йил кузида Сулохта кўмир конлари ишчилари иш ташлади. Шу вақтда Етти-сув темир йўли ишчилари ўртасида чоризмга қарши сиёсий агитация кучайди. 1915—1916 йилларда Челекен эролида нефть корхоналари ишчилари иш ташлади. 1915 йил июлда Андижондаги «Беш бош» пахта заводининг ишчилари (уларнинг кўпчилиги ўзбеклар эди) иш ташлади. 1916 йилда Тошкент ва Қизил-Арвот темир йўл паровоз-ремонт корхоналарида забастовкалар бўлди.

Бироқ Туркистонда ишчилар ҳаракати марказий Россиядагидек кенг ривожланмаган эди. Бунинг сабаби ўлкада катта саноат корхоналари бўлмагани ва бу ердаги ишчиларнинг етарли бирлашмаганидагина эмас. Гап шундаки, чор ҳукумати томонидан Туркистонда фавқулодда полиция охранка режими ўрнатилиб, ҳар қандай сиёсий ҳаракат қаттиқ таъқиб қилинди. Реакция йилларида тарқатилиб юборилган социал-демократик ташкилотлар тикланмаган эди. 1913—1915 йиллар орасида Туркистон большевикларидан Н. В. Шумилов, В. В. Сухарев ва бошқалар подшо охранкаси томонидан қамалган эди.

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 21-том, Ўздавнашр, 408-бет.

² УэССР Давлаг архиви, ф. 1, ол. 31, л. 1084, 2—6-барақлар.

Ўлкада фақат айрим социал-демократлар зўр қийинчиликлар билан сиёсий иш олиб бордилар. Уруш пайтида Тошкентда большевиклардан А. А. Казаков, В. П. Бауман, В. С. Ляпин, И. О. Тоболин, Д. И. Манжара ва бошқалар ишладилар¹. Лекин ўлкада революцион социал-демократик ишни кенгайтиришга ҳали имконият етилмаган эди. Мана шу оғир шароитга қарамай, ўлкада революцион ҳаракат кўпинча стихияли галаёнлар шаклида ривожланди.

Халқ оммасининг империалистик урушга ва капиталистларга қарши стихияли норозилик ҳаракатларидан бири «аёллар галаёни» эди. Қаҳатчиликдан безор бўлган рус меҳнаткаш аёллар тўсатдан бозорларда галаён қилиб, ур-йиқитлар билан савдогарларнинг дўконларини тор-мор қилдилар. Бу каби ҳаракатлар 1916 йил февраль-март ойларида Тошкентда, Черныяево ва Кривошеенко темир йўл станцияларида ва бошқа жойларда бўлиб ўтди.

Қишлоқларда деҳқонлар ҳаракати ҳам сезиларли тус ола бошлади. Солиқларни тўлашдан, мажбуриятлардан бош тортиш кўлайди. Масалан, Каттақўрғон уезди Челақ участка приставининг 1915 йил 18 июндаги хабарига кўра Хўжа Ариқ волость деҳқонлари ариқ қазини ва тўғон қуриш мажбуриятларини бажаришдан бош торганлар. 1915 йил 21 ноябрда шу уезднинг Митон қишлоқ аҳолиси «суғориш ишларига қатнашмаймиз, қўлингдан келганини қил, бизни уезд ҳокимига чақсанг чаққол, штрафдан ҳам, қамоқдан ҳам қўрқмаймиз» — деб қатъий туриб олгани тўғрисида хабар қилган эди². Бу каби аҳвол бошқа кўп волостларда ҳам бўлиб турди.

I жаҳон уруши дунё империалистик системаси учун кризис даври бўлди. Бу кризис даврида мазлум миллатларнинг озодлик ҳаракатида кўп ўзгаришлар содир бўлди. Аввало бир қатор мустамлакаларда империалистик урушга ва умуман империализмга қарши қўзғолонлар бўлиб ўтганини эсга олиш лозим. 1915 йилда Англиянинг Жануби-Шарқий Осиёдаги Сингапур оролида ҳинд мустамлака кўшинларининг I жаҳон урушига ва инглиз истибодига қарши кучли қўзғолони бўлди. Қўзғолон

¹ Очерки истории Коммунистической партии Туркестана, Ташкент, 1958, 162—165-бетлар.

² УэКП. МК қошидаги Партия тарихи институти архиви, Д/М, инв. №79, 34-бет.

инглиз мустамлакачилари томонидан ваҳшийларча бос-тирилди. Камерунда (Африка) 1915—1916 йилларда империалистик урушга қарши қўзғолон кўтарилди. Шу йиллари Франция мустамлакаси Аннам (Марказий Вьетнам)да империализм ва урушга қарши миллий-озодлик ҳаракати кучайди. 1916 йил апрелда Ирландияда инглиз империализмига ва урушга қарши, мустақиллик учун катта қўзғолон бўлди. Ирландия ишчилари ва майда буржуазияси инглиз армиясига сафарбарлик қилинишдан бош тортдилар, натижада сафарбарлик барбод бўлди. Қўзғолончилар Ирландияни республика деб эълон қилиб, Вақтли ҳукумат туздилар. Лекин қўзғолоннинг еттинчи куни инглиз империалистлари уни йиртқичларча бостириб, кўп кишиларни қатл қилдилар. Бу қўзғолонларнинг энгилишига қарамай, улар мустамлакаларда оммавий революцион курашнинг кенг қулоч отиб ривожланаётганидан дарак берарди. В. И. Ленин бу миллий-озодлик ҳаракатларини чуқур ўрганиб, уларга катта баҳо бериб, «улар империализмнинг кризиси *муносабати билан* мустамлакаларда ҳам, Европада ҳам, миллий қўзғолонлар олови енгиллигини, ваҳшийона дўқларга ва жазо чораларига қарамасдан, миллий-муҳаббат ва миллий адоват ҳодисалари намоён бўлганлигини исбот этадилар!...»,— деб айтган эди.

Биринчи жаҳон уруши даврида мустамлака халқларининг миллий-озодлик ҳаракати жараёни Россиядаги мазлум миллатлар, шу жумладан ўзбек халқининг 1916 йилги адолатли революцион озодлик курашида айниқса кенг миқёсда очиқ намоён бўлди.

Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати қайси йўлдан ривожланиши — пролетар революцион ҳаракати билан бирлашув томонигами ёки реакция томонигами бўлишига ўтиши масаласини тарих ажратиб берди. Реакцион феодал-руҳоний панисломистик табақалар халқни революцион ҳаракатдан, социалистик ғоялардан четлатиш ва уларнинг фикр-зирини диний фанатизм билан чалғитиш учун кўп уриндилар. Масалан, 1911—1912 йилларда Қозонда босилган «Турмуш ва дин» деган брошюра Туркистонга ҳам тарқатилган эди. Брошюра авторни Рафиқбек Эл Аъзам ғарбда пайдо бўлган социализм инсониятга бахт бермайди, ижтимоий муносабат-

1 В. И. Ленин, Асарлар, 22-том, Ўзлавашир, 394-бет.

ларни яхшилашнинг ягона йўли — мусулмон диний тавротларига риоя қилишдир, деб айтади. Сўнгра брошюрада социалистлар назарияси эмас, балки илоҳий қонунларга риоя қилиш моддий ва маънавий бахт беради, деб алоҳида уқтирилган эди¹.

Панисломизм идеологларидан бири Исмоил Гаспиринский Ўрта Осиё ва Қозоғистонга русларнинг келишини қоралаб, ҳеч қандай асоссиз равишда ҳамма русларни мусулмонларга душман қилиб кўрсатиб, бўҳтонлар ёғдирди. Унинг «Хўжа Аҳмад Яссавий гўридан тирилиб чиқиб, мусулмон аҳолини бирлаштирсин деб дуо қиламиз» деган мазмундаги хати 1911 йилда Оренбургда «Оян Қозоқ» деган брошюрада босилган эди².

Реакцион элементлар Туркистонда панисломистик адабиётлар, газета ва журналлар тарқатилган «Сирати лар. Масалан, улар томонидан тарқатилган «Сирати Мустақим» журнаlining (бу журнал Туркияда чиқарди) 1915 йил августдаги 102-сонида панисломизм ғояси ҳамма мусулмонларни ислом диний туғи остига бирлаштиришдир, деб уқтирилади. Журнал мусулмонлар ўртасида ички синфий низоларни тугатиш, «синфий бирликка» даъват этади ва Туркистон, Бухоро, Кавказ мусулмон аҳолисини гўё «пайғамбарнинг вориси» бўлмиш турк султони атрофига бирлашувга чақиради. «Агар султонтананинг боши бўлса,— деб вайсади бу журнал,— бошқа мусулмонлар унинг танасидир... Барча мусулмонлар қурьонга асосан ғайри диндилар билан жанг қилувчи қўшинлардан иборатдир»³.

Панисломистик элементларнинг реакция урушлари ўлкада революцион ҳаракатга ва халқ оммаси сиёсий онгининг ўшишига анча зарар берарди. Бироқ панисломистлар ва шунинг сингари реакция элементлар халқ оммаси ўртасида таянч тополмадилар ва шунинг учун ҳам реакция элементларнинг хатти-ҳаракати барбод бўлиши турган гап эди. Ҳатто чор оҳракасининг «мусулмонлар ҳаракати тўғрисида» ҳар ойда юбориб турадиган махфий ахборотларидан панисломизм пропагандасига маҳаллий аҳоли салбий қараганлиги эътироф этиларди. Шундай ахборотларнинг бирида 1913 йилда Андижонда

1 ЎзССР Давлат архиви, ф. 461, ол. 1, д. 1168, 146—147-варақлар.

2 Уша жойда, д. 1172, 176—191-варақлар.

3 Начало революционного движения в Туркмени в 1908—1917 гг., сб. документов, V том, 239, 243—244-бетлар.

тузилган «Тараққийпарвар» деб аталган реакция жамиятга халқ нафрат билан қараган ва бу ташкилотни тузувчилар «тараққийпарвар эмас падаркушлар» деб таърифланган¹.

Феодаал ва миллий буржуазия реакция гуруҳларининг хуружларига қарши халқ оммасининг асл фарзандлари — демократик интеллигенция вакиллари халқ маърифати ва озодлиги учун курашдилар. Ўзбек халқининг ичидан демократик интеллигенциянинг ажойиб наомандалари Ҳамза Ҳакимзода Нисёзий, Абдулла Солиҳ (Завқий), Аваз Утар ва бошқалар етишди. Улар ўз асарларида бойларнинг ва руҳонийларнинг сотқинлиги, тилёғламалиги, мунофиқлигини фош қилдилар, улур рус халқи билан иноқлик ва дўстликка, илғор рус маданиятидан баҳраманд бўлишга даъват қилдилар. Демократик интеллигенциянинг фаолияти халқ оммаси фикри-зиҳрини эгаллай борди.

Айниқса 1905 йил революцияси давридан бошлаб миллий ўлкалар, шу жумладан Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари Россия ишчилар синфининг буюк революцион ҳаракати билан бирлашув томон ривожланди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида жаҳондаги ва шу жумладан Россиядаги эзилган халқларнинг миллий-озодлик ҳаракати кенг қулоч ёйганлиги миллий масаланинг мустамлака халқларини империалистик зулмдан озод қилиш масаласи ва пролетариат революцион ҳаракати билан боғлиқлиги тўғрисидаги В. И. Ленин таълимотининг исботи бўлди.

ПОДШО ФАРМОННИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ — ҲЎЗҒОЛОН САБАБЛАРИНИНГ БИРИ

Чор ҳукумати жаҳон урушига тайёргарлик кўриши йилларида миллий-мустамлака ўлкаларнинг халқларини армияга сафарбар қилиш планларини ишлаб чиқди. Туркистон ерли аҳолисини ҳам ҳарбий хизматга чақиритўғрисида турли лойиҳалар тузилди. Бироқ ерли миллатларни чор армиясига жалб қилиш сиёсий жиҳатдан

¹ ЎзССР Давлат архиви, ф. 461, оп. 1, д. 1168, 294—295-варақлар.

чоризмга путур етказиши мумкин эди. Шунинг учун чор ҳукумати доираларида бу масала устида кўп мунозара бўлди. Масалан, 1910 йилда Ички ишлар министрлиги бу тўғрида мустамлака ўлкалари маъмурларидан «бегона халқлар» (яъни Туркистон ва бошқа миллий-мустамлака халқларини чор амалдорлари шундай деб аташарди. — Ҳ. Т.) га нисбатан армияга чақиритиш мажбуриятини жорий қилиш имкониятлари тўғрисида фикр беришни талаб қилган эди.

Бу таклифларга жавобан Туркистон генерал-губернатори Ички ишлар министрлигига юборган жавобда ўлка ерли аҳолисини мажбурий ҳарбий хизматга чақиритиш вақти келгани йўқ ва аксинча бундай тadbир чор ҳукумати-нинг мустамлакачилик сиёсатига зарар бериши мумкин, деб жавоб қилди. У, «бегона халқлар»ни ҳарбий хизматга чақиритиш ўрнига, улардан қўшимча солиқлар олиш керак, деган мулоҳазага келди.

Туркистон ерли аҳолисини ҳарбий хизматга чақиритиш хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Ҳарбий министрлик ҳам эътироф қилди. Министрликнинг бу тўридаги ҳужжатларининг бирида «бегона халқлар»га ишониб бўлмаслиги ва бу халқлар қуроллантириб қўйилса, улар бундан чоризмга нисбатан ноҳўя фойдаланиб, давлатга зарар етказиши мумкин, деган сиёсий ваз келтирилади.

Масаланинг мушкуллигини пайқаган чор ҳукумати Туркистон, Қозоғистон, Закавказье ва бир қатор бошқа районлардаги маълум миллатларни армияга чақиритиш масалаларини мукаммал ўрганиб чиқиш учун махсус комиссиялар тузди, бир қанча кенгашлар ўтказди. Бироқ мажбурий комиссиялар ҳам масалага салбий жавоб берди. Чунончи, 1911 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузурида ташкил этилган махсус комиссия ерли аҳолига сиёсий жиҳатдан ишониб бўлмаслиги учун уни ҳарбий хизматга ҳам чақиритиш мумкин эмас, деган хулосага келди. Шу сабабларга биноан Туркистон ва бошқа шу каби мустамлака халқларини ҳарбий хизматга чақиритиш масаласи кечиктирилди.

1 жаҳон уруши бошлангандан сўнг эса чор ҳукумати Туркистон ва Қозоғистон ерли аҳолисини аввалги оғир

¹ Восстановление 1916 года в Средней Азии и Казахстане*, Хужжатлар тўплами, СССР Фанлар академияси нашри, М., 1960, 85-бет.

солиқлар устига кўшимча махсус ҳарбий солиқ ҳам тўлашга мажбур қилди. Шундай қилиб, ерли аҳолининг аҳволи ҳаддан ташқари оғирлашиб кетди.

Жаҳон уруши тобора авж ола бориб, чор армияси кўп талафотлар бераётган пайларда армия резерви масала-си жуда ҳам танг бўлиб қолди. 1914 йил августидан 1915 йил охирига қадар 3 400 минг солдат ва офицер сафдан чиқди, булардан 300 мингдан кўпроги ўлган ва 1 500 минг киши асир тушган ва бедарак йўқолганлардан иборат эди¹.

Чор армиясига янгидан-янги резервлар сафарбар қилина бошланди. Ана шу аҳволда 1915 йили Давлат думасида «бегона халқлар»ни армияга чақириш керак, деган масала яна кўтарилди. Чор ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлигидан бу тўғрида фикр беришни талаб этди. Буйруқда ўша шароитда Туркистоннинг «бегона аҳолиси» ни ҳарбий хизматга чақириш мумкинми ва мақсадга мувофиқми эканлиги баён этилиши лозимлиги қайд этилди. Лекин уруш туфайли ҳарбий резервлар егишмай аҳвол танг бўлишига қарамай, Туркистон вақт-ли генерал-губернатори Мартсон 1915 йил 20 августда Бош Штабга юборган хатида «ерли аҳолини ҳарбий хизматга чақириш мумкин эмас», чунки бу тadbир амалга оширилса, аҳоли ўртасида катта галаёнлар бўлиши мумкин, деб таъкидлади. Шунинг учун чор ҳукумати Туркистон, Қозоғистон ва бошқа ўлкалар ерли аҳолисини армияга сафарбар қилишдан воз кечишга мажбур бўлди.

Бироқ жаҳон уруши чор Россиясидан яна кўп қурбонлар олиб кетди. Урушга энг сўнги резервлар сафарбар қилинса ҳам одам етишмас эди. Шу сабабли ҳарбий министрлик Туркистон ўлкасининг ерли аҳолисини армияга чақириш тўғрисида лойиҳа ишлаб чиқди. 1915 йил 27 ноябрда бу лойиҳа Министрлар Советининг махсус мажлисида кўриб чиқилди. Лекин кенгаш қатнашчилари аҳоли ўртасида урушга қарши кайфият ўсиб бораётгани ва сафарбарлик чоризм маффаатларига қарши ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътироф қилди. Сенатор Белецкий «бегона халқлар»ни чор армиясига чақирмаслик керак, чунки бунинг натижасида улар

¹ История международного рабочего и национально-освободительного движения, ч. I, М., 1959, 516-бет.

ўртасида «норозилик ва тартибсизликлар содир бўлиш эҳтимоли бор», деб айтди.

Шундай қилиб, «бегона халқлар»ни ҳарбий хизматга чақириш плани барбод бўлишни фаҳмлаган чор ҳукумати бу гал ҳам қатъий қарорга келолмади. Мустамлака маъмуриларидан — маҳаллий аҳолининг ҳарбий чақириққа муносабати қандай бўлиши ва агар «тартибсизлик ва галаёнлар чиқиб қолган тақдирда уларни босиш учун кучлар тайёрми?» деган саволларга жавоб бериш тўғрисида кўрсатма берди.

Бу топшириқларга жавоб олинмасданок ҳукмрон доираларда пошилинч равишда янги план ишлаб чиқилди. Энди гап Туркистон, Қозоқ ўлкаси ва бошқа шу сингари миллий мустамлака ўлка халқларини фронт орқасидаги ҳарбий ишларга сафарбар қилиш устида борарди. Бу планнинг чиқишига иккита асосий сабаб бор эди. Аввало чор ҳукумати Туркистон ва бошқа ўлка ерли аҳолисини армияга чақириб, қўлларига қурол беришга ишонмади, хавфсирлади. Сўнгра фронтга яна кўп солдат юборилиши керак бўлганидан, фронт манфаати учун хизмат қилиб турган саноат корхоналари, темир йўл қурилишлари, ўрмонда дарахт кесиш ва бошқа муҳим ишларда банд бўлиб турган рус ишчиларини армия сафига чақириб, уларнинг ўрнига фронт орқасидаги ишларга Туркистон, Қозоғистон ва бошқа ўлкаларнинг ерли аҳолисини сафарбар қилмоқчи эди. Чор ҳукумати, бу план тезлик билан амалга оширилса фронтдаги ҳалокатнинг олдини олиш мумкин бўлар деб хом хаёл мўлжални кўзда тутди. Шунинг учун Министрлар Совети бу тўғрида подшога таклиф киргизди. Ниҳоят 1916 йил 25 июнда подшо Николай II нинг «Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия районида ҳарбий иштиотлар ва шунингдек давлат мудофаси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб этиш» тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ уруш давомида «бегона халқлар» аҳолисининг 19 дан 43 ёшгача бўлган барча эркакларини уруш манфаати учун ҳар хил ишларга мажбурий сафарбар қилиш буюрилган эди. Подшо фармони юзасидан қуйидаги районларнинг «бегона халқлари» чақирилди: а) Астрахань губернаси, Сибирнинг деярли барча губерналари ва областлари; б) Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Оқмулла, Семипалатинск, Еттисув (Семиречье), Урал,

Түрғай ва Закаспий областлари; в) Терек ва Кубань областлари ва Закавказьенинг мусулмон халқлари¹.

Шундай қилиб, 1916 йил 25 июнда қабул қилинган подшо фармони чоризм мустамлака сиёсатининг муҳиш натижаларидан бири бўлди. «Бегона халқлар»ни армияга олиб, қўлларига қурол бериш лойиҳасидан хавфга тушган чор ҳукумати, бунинг ўрнига уларни қонли адолатсиз жаҳон уруши эҳтиёжларини қоплаш учун фронт орқасидаги оғир ишларга мажбуран сафарбар қилди. Бу фармоннинг мазмуни маҳаллий аҳоли ўртасида «Оқ подшо урушига одам олармиш» ёки «Урушга мардикор олинармиш» деб овоза бўлди.

Подшо фармони ҳеч қандай тайёрликсиз эълон қилинди. Ўрта Осиё ва Сибирь халқларини чор армиясига сафарбар қилиш имкониятлари масаласи бир неча йиллар давомида, ҳукумат доиралари ва маҳаллий-мустамлака органларида бир неча марта баён этилган эди. Лекин бу халқларни фронт орқасидаги ҳарбий ишларга жалб қилиш тўғрисидаги лойиҳа эса Министрлар Советининг махсус кенгашидагина шилинч равишда кўрилиб, келма-кет подшо фармони ҳам имзоланди. Урушда энгилиб, зервлари етишмай, «дўпписи тор келиб қолган» чор ҳукумати тайёрлик кўришга ҳам улгурмади. Подшо фармони ҳатто маҳаллий мустамлака маъмурлари учун ҳам қўрилмаган ҳодиса бўлиб чиқди. Улар қақриқни уюштиришга олдиндан ҳеч қандай тadbир кўрмаган эдилар. Кейинчалик Туркистон генерал-губернатори Н. А. Куропаткин на аҳоли ва на маҳаллий идоралар подшо фармонини бажаришга тайёр эмас эдилар, деб эътироф қилган эди².

Фармонга мувофиқ «бегона халқлар»нинг 19 дан 43 ёшгача бўлган эркак аҳолиси сафарбар қилиниши мўлжалланди. Шунинг учун бу тadbирнинг ерли халқлар учун нақадар машаққат ва қулфат бўлгани кўришиб турибди. Сафарбарлик ёзда, қишлоқ хўжалик ишлари айни қизима пайтда ўтказилгани лозимлигини эсласак, меҳнаткашлар оммаси жуда оғир аҳволга тушганлигини пайқаш қийин эмас.

¹ «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане», хўжатлар тўплами, 25—26-бетлар.

² ЦГИАЛ (Марказий Давлат тарих архиви — Ленинград), ф. 1276, ол. 11 д. 89, 52-бет.

Сафарбарликнинг биринчи давраида Туркистон ерли аҳолисидан 250 минг кишини қақриш мўлжалланди. Шу жумладан Сирдарё области — 87 минг, Еттисув — 60 минг ва Фарғона — 50 минг, Самарқанд — 38 минг ва Закавказье области — 15 минг киши бериши керак эди. Қозоғистон районлари 235 минг мардикор беришни планлаштирди.

Область губернаторлари уездлар бўйича, уезд бошлиқлари — волостлар бўйича сафарбарлик рақамларини белгилаб чиқди. Волостларда қақриқ наряди тузиш маҳаллий маъмурлар — волость бошқарувчилари (волостные управители) ва оқсоқолларга, шаҳарларда эса мингбоши ва элликбошиларга топширилди. Мустамлака ва маҳаллий маъмурлар қақриқдан ўзларига фойда жамғаришни мўлжаллаб, қақриқ нарядини пландагидан ҳам ошиқроқ кўрсатишди. Айниқса улар уруш эҳтиёжлари учун ишга юборилувчи мардикорлар рўйхати тузишдан ўз манфаатлари учун кенг фойдаландилар. У пайтларда аҳолининг аниқ рўйхати йўқ эди. Мардикорликка олиш рўйхатлари тузиш иши билан волость бошқарувчилари, оқсоқоллар ва элликбошилар шуғулланди. Улар хоҳлаган номаъқулчиликларини қилдилар. Камбағалларни рўйхатга олгани ҳолда бой, руҳонийлар ва уларнинг болаларининг номи хатга тушмади. Бунинг устига чор ҳукумати бой табақаларни қақриқдан озод қилиш учун мажсу имтиёзлар берди. Бу ҳақда чиқарилган расмий инструкцияга кўра маҳаллий маъмурлар — волость бошқарувчилари, оқсоқол, мингбоши, элликбошилар, уларнинг соқчи йигитлари (қуролли отрядлари), руҳонийлар, бошқа «эътиборли граждандар» ва шунга ўхшашлар сафарбарликдан озод қилинди. Шундай қилиб, фронт орқасидаги ишларга сафарбарлик очикдан-очик синфий характерга эга эди.

Маҳаллий маъмурлар катта пора — мзда ҳисобига кишилари қақриқ рўйхатига олмади. Маълумки, пора бериш бадавлат одамларнинг қўлидан келарди. Мустамлака маъмурларининг руҳсати билан бойлар ўзлари ёки ўғиллари ўрнига мардикорликка бошқа кишини ёллашлари ҳам мумкин эди. Натижада бойдан қаредор ёки пулга муҳтож қашшоқлар хўжайинининг тузоғига тушар ва фронт орқасидаги ишларга жўнаш тўғрисидаги шартномага қўл қўйишга мажбур бўларди.

Бу каби шартномалардан бирини мисол қилиб оламиз: «Мен, тубанда имзо қилувчи Наманган уездида турувчи Шукурбой Мухаммад Алибоев, бу мажбуриятни тошкентлик Саид Орифхўжа Жаъфархўжаев ва Муродхўжа Жаъфархўжаевларга Туркистон ўлкасидан ҳаракатдаги армиянинг орқасидаги ишларга сафарбарлик қилиш тўғрисида подшо олий ҳазратларнинг фармонига мувофиқ ва қақриққа боровчи шахсларни бошқа шахслар билан ўзаро келишув орқали алмаштириш мумкинлиги тўғрисида маҳаллий маъмурий ҳокимларнинг берган изоҳотларига кўра қуйидаги мажбуриятни берамен: мен, Мухаммад Алибоев, тошкентлик Саид Орифхўжа Жаъфархўжаев ёки Муродхўжа Жаъфархўжаевнинг ўрнига қақриув пунктига бориб, мардикорликка ихтиёрний равишда жўнашга розилигимни, ҳарбий ва гражданд ҳокимият маъмуриятларининг барча буйруқларини бажаришга ҳозир эканлигимни изҳор қиламан. Мен, Мухаммад Алибоев қақрилган пайдан бошлаб, ҳамма ҳарбий ишлар давомида хизмат қилиш мажбуриятни ҳисобига Жаъфархўжаевлардан бир минг сўм олдим...»¹

Подшо фармони ва унинг амалга оширилиши меҳнаткаш омма бошига тушган фалоқат бўлди. Ваҳоланки эксплуататор гуруҳлар ва уларнинг ҳомийлари — маҳаллий маъмурлар қақриқдан озод бўлибгина қолмай, порахўрлик ҳисобига бойликларини ортирдилар. Бу аҳвол меҳнаткашларнинг чор ҳокимияти ва унинг маҳаллий идоралари, волость бошқарувчилари, оқсоқол, элликбошилар ва ҳамма эксплуататор элементларга қарши ғазабини оширди.

Туркистон оҳранка бўлими² қўзғолон эндигина бошланаётган пайтда маҳаллий меҳнаткаш аҳоли бойлар мардикорликка қақрилишдан озод қилинишини сезиб жуда ғазабланаётганликлари тўғрисида мустамлака муассасаларига хабар берди. Бу ахборотда: «Чойхоналар ва шунга ўхшаш бошқа жойларга тўлланган маҳаллий аҳоли: агар бойлар ишга олинмаса, аҳолининг камбағал синфи жуда катта тартибсизликлар қилиши ва бойларнинг адабини бериб қўйишга мойиллиги тўғрисида сўз юритмоқда», — деб айтилган эди.

¹ Бу ҳужжат Ўзбекистон тарих музейи фондида сақланган.

² Туркистон ўлкаси оҳранка бўлими — чор ҳукуматиининг ўлка сиёсий партиялар фаолиятини ва революцион ҳаракатларни бостириш учун тузилган агентура бошқармаси эди.

Дарҳақиқат, қўзғолон кўтарган меҳнаткаш аҳоли фақат мустамлака маъмурларига қарши курашибгина қолмай, маҳаллий бойларга қарши ҳужумни ҳам кучайтирдилар. Кейinchалик 1916 йил қўзғолони сабабларини аниқлаш учун Давлат думасининг Туркистонга келган депутати Керенский «жуда кўп жойларда камбағал аҳоли бойларнинг уйларига бостириб кириб қирғин-барот қилишди», — деб эътироф эгди.

1916 йил қўзғолони подшо ҳукумати ва маҳаллий маъмурларни ташвишга солиб қўйди. Улар дарҳол қўзғолон сабабларини аниқлашга ҳаракат қилишди. Мустамлака маъмурлари, қўзғолоннинг асосий сабабларини эътиборсиз қолдириб, тўе маҳаллий аҳоли диний фанатизм ва панисломизм таъсирида қўзғоляпти, — деган уйдирма «сабаблар» ахтаришди. Бундан ташқари, чор ҳукумати донраларида подшонинг 25 июнь фармони ҳаддан ташқари тезлик билан, етарли тайёргарликсиз ўтказилганлиги қўзғолоннинг асосий сабаби, деб ҳам кўрсатилган. Бу фикр IV Давлат думасининг 97 депутати, шу жумладан Керенский, Вершинин, Янушевич, Чхендзе ва бошқаларнинг Министрлар Совети раисига ёзган хатларида баён этилган эди¹.

Давлат думаси депутатларининг мақсади 1916 йил қўзғолоннинг бош сабабларини хас-пўшлаш ва айни вақтда подшо ҳукуматини бу каби халқ қўзғолонларини бостириш учун қатъий чоралар кўришга даъват қилиш эди. Мана шунинг учун ҳам Керенский IV Давлат думаси фавқулодда ёпиқ сессиясидаги нутқида Ҳарбий ва Ички министрликлар етарли тайёрлик кўрмаганликлари Туркистон аҳолисининг қўзғолонига сабаб бўлди ва «ҳамма фронтларга янги Туркистон фронти кўшилди», — деб кўрсатди. У яна ўз нутқида ҳукумат донраларини Туркистон ва Қозоғистон аҳолисига нисбатан тўе «юмшоқ» муносабатда бўлганликда айблаб: «жаноблар, Туркистон ва Қирғиз чўли областлари — Тула ёки Тамбов губерналарига эмас. Уларга инглизлар ёки французлар ўз мустамлакаларига қандай қарасалар, шундай қараш керак», — деб уқтирди. Чоризм Урта Осиё, Қозоғистон ва шу каби чет миллий ўлкаларини мустамлака қилиб олгани ва уларга нисбатан ҳамма вақт жуда қаттиқ мустамлакачилик зулминини ўтказиб келгани ҳаммага аён

¹ ЦГИАЛ, ф. 1278 (Давлат думаси фонди), оп. 5, д. 1069.

эди-кү. Афтидан Керенский жаноблари бу зўравонликни янада оширишга даъват қиларди.

1916 йил қўзғолони учун чуқур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шарт-шароит ва сабаблар узоқ йиллар давомида ижтимоий ва миаллий мустамлакачилик зулмининг натижасида вужудга келди. Бу ҳақда китобнинг бош қисмида сўз юритилди. Подшонинг 1916 йил 25 июндаги ишчи-тиловикларни сафарбар қилиш тўғрисидаги фармони эса қўзғолон учун баҳона бўлибгина қолмай, унинг бе-восита сабабларидан бири ҳам бўлди.

Фармон халқ оммасининг манфаатларига зид келди. Хилма-хил солиқ ва қаттиқ эксплуатация натижасида эзилган камбағал аҳолининг моддий аҳволи янада ёмонлашди. Халқ империалистик урушга умуман нафрат билан қарарди. Мана шу сабабга кўра ҳеч кимда фронт орқасидаги ҳарбий ишларга боришга хоҳиш йўқ эди. Халқнинг сабр косая тўлиб тошди. Кўп вақтлардан буюн зелимларга қарши кучая борган халқ нафрати ва ғазабни подшолик фармони эълон қилинишининг дастлабки кунлариданоқ катта қўзғолонга олиб келди. Июлда Самарқанд областида бошланган 1916 йил қўзғолони тез орада бошқа областларга ёйилди ва бутун Ўрта Осиё ва Қозонистонни қамраб олди.

ҚЎЗГОЛОННИНГ БОШЛАНИШИ ВА ДАВОМ ЭТИШИ

ХАЛҚ ҚЎЗГАЛДИ. ХЎЖАНД — САМАРҚАНД

Қўзғолон Самарқанд область Хўжанд шаҳар меҳнат-кашларининг ҳаракати билан бошланди. Полиция пристави штабе-капитан Устимович 2 июлда эски шаҳар бош оқсоқоли Мирзабаҳодир Мирзақосимов, қози Саидаҳмад Бузрукхўжаев ва шунга ўхшаш маҳаллий маъмурлар ва катта бойларни йиғиб, подшо фармонини бажариш чораларини ишлаб чиқди. Бу хабар шаҳарга тезликда тарқалиб, халқ оммасининг ғазабини кўзгатди.

Полиция пристави 3 июль эрталаб ҳамма даҳа оқсоқоллари ва элликбошиларининг мажлисини чақириб, халқ ҳаракатининг олдини олиш ва чақирик рўйхатларини тузишга қўшимча тадбирлар кўрмоқчи эди. Лекин оқсоқол ва элликбошилар аҳолининг қаҳр-ғазабидан кўрқиб, бу мажлисга йиғилишмади.

Пристав Устимович шу куни кечқурун мажлис чақириб туғрисида қатъий буйруқ берди. Бироқ бу тадбир унинг кутганича бўлиб чиқмади. Мажлис тайинланган жой — Маслаҳатдиншайх мачити олдига шаҳарнинг бир неча минг аҳолиси тўпланди. Улар Устимовичдан марджорликка олиш рўйхати тузишни дарҳол тўхтатиш, жуда бўлмаса бир қанча вақтга кечиктиришни талаб қилишди. Пристав ва унинг шериклари — оқсоқол ва элликбошилар мажлисни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Стихияли халқ ҳаракати янада авж олиб, келгуси куни — 4 июлда қўзғолонга айланди. Қўзғолончилар Фузорохун оқсоқолининг идораси томон йўналишди. Бу ерга етиб келган полиция пристави халойиқнинг тарқалишига буйруқ берди. Лекин қўзғолончилар ундан рўйхат тузишни тўхтатишни талаб эдилар. Пристав Устимович полициячилар ёрдамида қочиб қолди ва Хўжанд

уезд бошлиғининг ёрдамчиси Арцишевскийнинг олдига бориб аҳволнинг жиддий тус олганини айтиб, тезлик билан қўзғолонни бостиришга чоралар кўришни илтимос қилди.

Қўзғолончиларнинг сафлари кўпая бориб, 6—7 минг кишига етди. Ана шу пайт капитан Усгимович, қози Бузрукхўжаев, катта савдогар Комилжонбой, оқсоқоллардан Мирзақосимов ва бошқалар халқни алдаб: «Янги буйруққа мувофиқ рўйхат тузиш тўхтатилди, уйларингизга қайтингиз, тинчланингиз» деб ундашди. Лекин қўзғолончилар уларга ишонмай илгариланиб, уезд бошқармасига боришди. Қўзғолончиларга Жўра Зокиров¹, Абди Мадаминов, Дадабой Машаринов ва бошқалар бошчилиқ қилди.

Қўзғолончилар полиция бошқармасига ҳужум қилиб, тошбўрон қилишди. Лекин бошқармадаги полициячилар ва уларга ёрдамга келган солдатлар қўзғолончиларга қарата ўт очишди. Натижада бир неча киши ўлди ва ярадор бўлди. Ўлганлар орасида 23 ёшли Муҳаммадхон Миробидов, 80 ёшли Оқилшайх Неъматшайховлар бор эди. Солдат ва полициячиларнинг узлуксиз ўт очишлари билан қўзғолончилар чекингирилди ва тарқатиб юборилди. Келгуси кунни Хўжандга етиб келган жазо отрядлари қўзғолончиларни қийновга солди.

Хўжандда бошланган халқ ҳаракатини босириши ва бу ҳаракатнинг бошиқа районларга таъсир этмаслиги учун Хўжандга қўшимча ҳарбий қисмлар юборилди, лекин ҳаракат юксала бориб, Хўжанд уезди волостларида, айниқса Ҳратепа, Ғанчида жиддий қўзғолонлар бўлиб ўтди.

Хўжанд уездидаги халқ қураши билан ҳамоҳанг ҳаракатлар тез орада қўшни Самарқанд, Жиззах ва Каттақўрғон уездларида ҳам кенг қулоч отди. Подшо фармони эълон қилиниши биланоқ Самарқанд шаҳрида, Сиёб, Маҳалла, Хўжааҳрор ва Ангор волостларида халойиқ амалдорларнинг буйруғидан бўйин товлаб норозилик билан чиқа бошладилар.

Хўжанд воқеасининг эртаси кунни Самарқанд уездининг Ҳўрут волости қўзғалди. Икки минг кишидан иборат

рат қўзғолончилар маҳаллий маъмурият томонидан тузилган рўйхатчи дарҳол йўқотишни талаб қилди. Лекин пристав бунни бажаришдан бош торгандан сўнг оломон волость бошқармасига ҳужум қилиб, рўйхатларни йиритиб ташлади, бир неча элликбоши, мирза ва оқсоқоллардан бири Шариф Усмоновнинг актив иштирокчиларига қараганда, волость бошқарувчиси аҳолига қараб: «Агар уйларингизга тарқалмасанлар, тез орада Николай ҳукумати Ҳўрутга солдатлар, тўллар юбориб, 3 соат давомида Ҳўрутни ўққа тутиб ер билан яқсон қилади» деб дўқурди. Халойиқ бунга жавобан маҳаллий маъмурларнинг ўзларини калтаклаб, ярадор қилди. Самарқанд уезд бошлиғи А. И. Мартинсон область ҳарбий губернаторига рапорт юбориб, Ҳўрут волость бошқарувчиси Мулла Азим Қобилбоев аҳолига ҳеч қандай таъсир ўтказмаётганини ва бефойда киши бўлиб қолгани сабаб-ли уни дарҳол алмаштириш лозимлигини билдирди. Самарқанд уезд Довул ва Чашмаоб волостларидаги бир тўда аҳоли мардикорликка боришдан бош тортиб, Бухоро томон жўнадилар. Жума бозорда 4 мингга яқин киши тўлланиб, Самарқанд шаҳрига боришга ва губернатордан сафарбарликни кенжштиришни талаб қилишга, агар бу талаб бажарилмаган тақдирда янада қатъий чоралар кўришга қарор қилди².

Самарқанд область ҳарбий губернатори Н. Лижонин ахборотида қўзғолоннинг бошланиши қуйидагича тасвирланган эди: «Норозилик ҳаракати кўтарила борди, гоҳ у ер, гоҳ бу ерда ур-йиқитлар ва ўлдиришлар содир бўлиб турди, маҳаллий ҳукмдорларнинг тушунтиришлари ва огоҳлантиришлари халққа таъсир қилмади, маъмурларнинг сўзларига халқнинг мутлақо ишончи қолмади, ниҳоят бу ҳаракат Россия ҳукуматига (чор ҳукумати) — Х. Т.) қарши очик қўзғолон тусини олди».

Самарқанд областидаги кўзга қўринарли катта ҳаракатлардан бири Даҳбедда бўлиб ўтди. Даҳбед қишлоғига Сиёб, Маҳалла, Хўжааҳрор ва Ангор волостларининг аҳолиси тўлланишиб, чақирқиққа қарши актив норозилик кўрсатишди. Натижада маҳаллий маъмурлар

¹ Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане хужаахрор тўплами, 110-бет.
² Уша жойда, 113-бет.

чақириқ рўйхати тузишни тўхташига мажбур бўлдилар. Шунга қарамай 7 июлда Даҳбед қишлоқ бозор майдони қўзғолончи халқ билан тўлиб тошди. Қўзғолончиларга Мулла Усмон Абдурасулов, Гадоӣ Абдуқодиров, Холмўмин Холмуродов, Азизқул Муродов, Мухтор Ҳафизовлар бошчилик қилишди¹. Оломон волость бошқарувчиси Ҳайдар Қосимжонов ва унинг мирзаси (секретари) Қобулларни чор маъмуриларнинг малайлари деб айбон тошбўрон қилди. Қобуллов Абдурасуловга қарата ўқ узиб уни оғир ярадор қилди. Буни кўрган халойиқ Қобулловни тошбўрон қилиб уриб ўлдирди. Ярадор бўлган волость бошқарувчиси Ҳайдар Қосимжонов эса отга миниб қочишга улгурди.

Қўзғолонни бостириш учун Даҳбедга бир юз эллик солдатдан иборат ҳарбий қисм юборилди. Улар ҳаракатга актив қатнашган 30 кишини қамалди. Қамалганлар орасида қўзғолон бошлиғи Мулла Усмон Абдурасулов ҳам бор эди. Уни ҳарбий суд 12 йилга қамоққа ҳукм қилган эди (Улуғ Октябр оқнаристик революциясида сўнг Усмон Абдурасулов Самарқанд областада Совет ҳокимиятини ўрнатилш ва пражданлар урушида актив қатнашган. 1923 йилда боомачилар томонидан ўлдирилди).

11 июлда Самарқанд эски шаҳар аҳолиси қўзғолон тараддулида область ҳарбий губернатори уйига тўпланишди. Лекин аҳволдан илгаридан хабар топган мустаамлака маъмурлари қуролли куч ёрдамида тўплаганларни тарқатиб юборди. Шунга қарамай атроф қишлоқларда, айниқса Панжакент, Довул, Чашмаоб, Фолғор ва бошқа волостларда халқ ҳаракати кенгайиб кетди. Самарқанд уезд бошлиғи полковник А. И. Мартинсон область ҳарбий губернаторига ахборот юбориб, унинг ихтиёридаги волостларнинг аҳолиси маҳаллий маъмурларнинг буйруқларини бажариш ўрнига «Мардикорликка бормаймиз!», «Фармонга рози эмасмиз!», «Зўрласангиз ҳам ҳеч қаерга бормаймиз!» деб қаршилик кўрсатяпти, деб ёзди. Самарқанд область ҳарбий губернатори Н. Ликошин эса ўз навбатида Туркистон генерал-губернаторига халқ қўзғолони натижасида подшо фармониани бажариш барбод бўлгани ва эндиликда

¹ 1916 йил Самарқанд қўзғолони тарихи материаллари*га қаралсин, 78—104-бетлар.

аҳолини ихтиёрий равишда мардикорликка чақириш устида гап бўлиши мумкин эмаслигини билдирди¹. Қўзғолоннинг дастлабки кунларидаёқ мустаамлака маъмурлари чақириқни тинч йўл билан амалга ошириш мумкин бўлмаслигини билиб, қурол кучи билан иш юргизишни афзал кўрди. Шунинг учун 7 июлда Самарқанд область ҳарбий губернатори Туркистон ҳарбий округи қўшинлари штабига ахборот бериб, шаҳар ва уездларга дарҳол аскарый қисмлар юбориб зўрлик билан иш кўрилмасе подшо фармониани бажариш барбод бўлишини уқтирди. У бунинг учун Самарқанд шаҳар полицмейстери ихтиёрига кам деганда 200 пиёда аскар ва 50 отлик казак берилишини, шунингдек Самарқанд уезд ҳокими ихтиёрига бир пиёда ротаси, казаклардан 10 киши ва жуда бўлмаганда 1 пулемёт; Каттақўрғон уезд ҳокимига бир пиёда ротаси, казаклардан 10 киши; Хўжанд ва Уратепа шаҳарларига пулемётлар билан қуролланган казакларнинг ярим сотияси юборилишини талаб қилди. 1916 йил қўзғолонининг энг муҳим районларидан бири Жиззах шаҳри ва уезди эди.

ЖИЗЗАХ ФОНЖИАСИ

Мардикорликка олиш тўғрисидаги подшо фармони Жиззах маҳаллий аҳолисининг ҳам ғазабини кучайтирди. Айниқса чақириқ рўйхатларига камбағаллар киритилиб, бадавлат кишилар озод қилиниши чор маъмурлари ва бойларга қарши меҳнаткаш омманинг кураши учун муҳим важдлардан бўлди.

Жиззах қўзғолонининг актив қатнашчиларидан бири Мавлон Кенжаев бу воқеаларни эслаб, бундай деган эди (автор Мавлон Кенжаев билан 1959 йил апрелда Жиззах район Ленин номли қолхозда қилган суҳбатини ёзиб олган эди): «Мен 1916 йилда камбағал чорикор деҳқон эдим. Мардикор олиш вақтида бойлар: «Мардикорга бизнинг пулимиз боради, сизлар (яъни камбағал меҳнаткаш аҳоли) эса ўзингиз борасизлар» дейишди. Биз хатга тушдик. Бойларнинг болалари ўйнаб юргани ҳолда бизни мардикорликка боришга мажбур этмоқчи бўлдилар. Биз бунга қарши чиқиб уруш қилдик».

¹ Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане*, хужжатлар тўплами, III—III-бетлар.

Кейинчалик Давлат думасининг 1916 йил 13 декабрда бўлиб ўтган ёпиқ мажлисида сўзлаган депутат Жаъфаров Жиззах воқеаларига тўхталиб, қуйидагиларни эътироф қилишга мажбур бўлган эди: «Мардикорликка чақирилувчи ўз ўрнига бошқани юбориши мумкинлиги аҳолининг бадавлат қисми билан камбағал омма ўртасида кўп келишмовчиликлар туғдирди. Дастлабки учун — бутун Жиззахга қонли оқим сифатида ёйилганининг сабабини шундан ахтариш керак». Сўнгра у: «Маҳаллий аҳоли миёсида мустаамлака маъмурлари бойлар томонида, деган фикр туғилди ва шунинг учун халқ — ё рус, ёки мусулмонлардан чиққан ҳар қандай амалдор, ҳукмдорни меҳнаткаш аҳолини ҳаракатдаги армия районларига ишга юборишда айбдорлар деб ҳисоблади. Золим бойлар ва уларни қўллаб-қўлтиқловчи бошлиқларни жазолаш хавфи туғилди».

Гарчан Жаъфаров фақат подшо фармони ва унинг бажарилишидаги рўй берган аҳвол кўзгонида асосий сабаби, деб кўрсатишга уринса-да, унинг юқоридаги эътирофи бойлар ва чор ҳокимиятига қарши халқ кўзгони газабининг кучайганидан далонат беради.

Жиззах уезди ғаллакор район эди. Фронт орқасидаги ишларга сафарбарлик айна ғалла йғим-терими вақтига тўғри келди. Натижанда аҳоли иқтисодий жиҳатдан жуда мушкул аҳволга тушди.

Мустаамлака маъмурларининг бир қатор ахборотлари ва докладларида: Жиззах кўзголини бошдан-оёқ «русларга қарши қаратилган газовот» ва у Жиззахда Назирхўжа эшон, Богдон волостида Абдурахмон Жевачи каби руҳоний ва эски феодал шахслар уюштирган «фанатиклар ҳаракати», — деб таърифланган эди. Ҳозиргача ҳам чет эл реакцияон буржуа тарихчилари шундай фикрни тарғиб қилишади. Бу жиҳатдан 1954 йилда Америка Қўшма Штатларида босилиб чиққан Эдуард Соколнинг «Ўрта Осиёда 1916 йил кўзголини» деб аталган китобини кўрсатиш мумкин. Ваҳоланки бундай фикрлар тарихий фактларни қалбакилаштириб, бузиб кўрсатишдан иборатдир. Ган шундаки, Жиззахда бошқа районлардаги ҳаракатларга ўхшаш стихияли халқ кўзголини бўлиб ўтди. Кўзголончилар ичидан ҳақиқий халқ қаҳрамонлари етишиб чиқди. Улар ичида жиззахлик меҳнаткашлардан Машариф Хусаинов, М. Урунхўжаев, Мусабек Тўрабеков, Абдулла Очилов, Қурбон Урунов,

Қорабой Қобиллов, Эшонқул Ҳошимов, Эрназар Пирматов, Уста Раҳмон Олимбоев ва бошқалар бор эди.

Кўзголон давомида феодал-клерикал элементлар халқ ҳаракатидан ўз манфаатлари учун фойдаланиш ва реакцияон газовот уюштиришга уриндилар ва баъзи жойларда бунга эришдилар ҳам. Лекин бундай айрим инисбий ва салбий хоссаларга қараб халқ кўзголини қоралаб бўлмайди. Тарихий фактларни тўғри кўрсатиш, оқини қорадан ажратиш талаб этилади.

Юқорида баён этилган Жиззах уездидаги кўзголон бошқа жойлардаги сингари халқ ҳаракати сифатида ривожландики, бу 1916 йилдаги расмий ҳужжатларда ҳам эътироф этилган. Масалан, чор ҳукумати томонидан кўзголончиларни жазолаш учун тузилган фавқулодда суд айбномаларининг бирида Жиззах уезди Ём волости кўзголини халқ ҳаракати эканлиги иқдор этилади. Бу ҳужжатга қараганда, 12 — 13 июлда Жиззах уезди Ём волости аҳолиси кўзголиб, отлик ва яёв тўда-тўда бўлиб, мустаамлака маъмурлари, волость бошқарувчиси ва оқсоқолларга қарши шиддатли ҳужум бошлади. Қирқ қишлоғида Карим Орзиқулов бошлиқ оломон элликбошиқлардан Норча ва Қулбекларни ўлдирди. Кўзголончиларнинг Турдибек Худойназаров бошчилигидаги 500 кишилик яна бир гуруҳи Чуқуртоқ қишлоқ оқсоқоли Мулла Маҳкамбой Мулла Рўзиқуловни тошбўрон қилиб ўлдирди. Зомин пристави Соболев қуролли соқчилари ва таржимони билан Ём волостига келиб кўзголон ташаббусчиларидан етти кишини, шу жумладан Карим Орзиқулов билан Турдибек Худойназаровларни қўлга тушириб, соқчилари ҳамда Ём волость бошқарувчиси Мулла Фозиллов билан бирга Зоминга жўнади. Лекин улар йўлда 800 кишилик кўзголончиларнинг ҳужумига дуч келди. Бу хавфли аҳволдан қўрққан пристав, волость бошқарувчиси ва соқчилар қамоққа олиб бормоқчи бўлган Карим Орзиқулов, Турдибек Худойназаров ва бошқаларни ташлаб, ўзлари қочишди. Кўзголончилар уларнинг кетидан қувиб кетиб, волость бошқарувчиси Мулла Фозилловни ўлдирди. Пристав ва соқчилар эса оломонга қара-та ўқ узиб, қочиб улгуришди».

1 „Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане“
ҳужжатлар тўплами, 153-бет.

Ем волостидаги каби халқ ҳаракатлари Янгиқўрғон, Зомин ва бошқа волостларда бўлиб ўтди.

Жиззах шаҳри меҳнаткаш аҳолиси ҳам кўзгола бошладди. Бу аҳволдан ташвишга тушган Жиззах уезд ҳокими полковник Рукин кўзголоннинг олдини олиш мақсадида эски шаҳар аҳолисининг бир қисмини катта маҷитга тўлаб, уларга дағдага билан мана бундай деб ўшқирди: «Эшитишимга қараганда, ораларингизда қаршилик кўрсатмоқчи бўлганлар бор экан. Шунинг учун сизларни қаттиқ огоҳлантириб айтаман: агар ҳукуматга қаршилик кўрсатсангиз, қатъий чоралар кўриб, мол-мулкларингиз ва ўзларингизни ҳам ер билан яксон қиламан».

Маҳаллий маъмурият вакиллари Ақромтўра, Мухторхонтўра, Абдусамат Маҳсум ва бошқалар уезд ҳокимига таъзим қилиб подшо фармонини тўла маъқуллаб, уни шубҳасиз бажаришда ва халқ ҳаракатини бостиришда чор маъмурларига ёрдам қилишга ваъда беришди. Мирзааҳмад тилмоч ҳокимнинг сўзини таржима қилди ва «император аъзам жаноблари халқдан мардикорликка одам олишни буюрган. Император жанобларининг буйруқлари шариат қонунидан ҳам афзал, шунинг учун албатта бажарилиши керак», — деб гап қистирди.

Мустамлакачи ва маҳаллий маъмурларнинг дўқлари ва зўравонликлари халқнинг нафратини янада оширди. Оқсоқоллар ва барча бойларнинг мустамлакачилар билан тил бириктириб иш кўришига қарши меҳнаткаш халқ ёппасига қўзғалди.

Стихияли халқ ҳаракати ўз қаҳрамонларини яратди. Бу тарихий воқеа ўзбек халқ шоири Фозил Йўлдош ўрли (1872 — 1955) нинг «Жиззах кўзголови» достонида акс этди. Поэмадаги Тойир чўлоқ, Қурбон оғажон полвон ва бошқалар образида халқ кўзголови қаҳрамонларининг характери ва ботирлиги баён этилган. Шоир халқ оммасининг чоризмга ва маҳаллий бойлар, маъмурларга қарши газоби орта бориб, очиқ кўзголонга ўтганини ёрқин ифода этади. Кўзголон кўтарган халқ кайфияти достоннинг қуйидаги мисраларидан равшан кўринади:

Подшога қарши бўлайик,
Подшо кимдир, биз билмаймик,
Подшо ёрдамчисин топиб,
Урра деб от қўлайик,
Е олайик, ё ўлайик.

56

Сира қайтманлар халойик,
Меҳнаткашсан, зулм ўтди,
Суюқлар ўртаниб кетди.
Қаттиқ зулм ўтгандан сўнг
Шунча халқ кўзголон қибди¹.

Жиззах кўзголови 13 июлда кескин тус олди. Кўзголончилар оломони эски шаҳар оқсоқоли Мирзаёр Худойерхоновни ўлдириб, янги шаҳар томон йўналди.

Автор 1959 йил апрелида Жиззах кўзголонининг иштирокчилари Абдулла Очилов, Машариф Хусайнов, Мавлон Кенжаев, Урдош Муқимов ва бошқа ҳурматли қариялар билан ўтказилган суҳбат вақтида Жиззах воқеалари тафсилотини аниқлаб олишга муваффақ бўлган эди. Шу жумладан Машариф ота² воқеани мана бундай таърифлаб берди: 1916 йил июль ойи. Бозор кунларининг бирида (гап 13 июль кунини устда боради) қовун бозорга борсам кўп одам йиғилганини кўрдим. Мирзаёр оқсоқол чойхонада оёғини осилтириб ўйнатиб ўтирибди. Унга бир кампир аёл арз қилиб гапиряпти. Аёл унга: «Нима учун менинг битгаю битга ўғлимни мардикорликка рўйхатга ёздингиз? Тўртталиклар, бешталиклар, бор-ку ахир». Мирзаёр унга бақариб: «Текшириб юриш сенинг ишинг эмас! Юқоридан буйруқ қандай бўлса, ўшандай қиламиз, уйингга кетавер!» деб дўқ урди.

Тўлланган одамлар сони кўпая борди. Дамин кулочи мижаронинг устига келиб қолди, у, кампирнинг ёнини олиб, Мирзаёрга:

— Кампирнинг гапи ҳақиқатан тўғри, бунинг ягона бир ўғлини ёзган бўлсанг, бизнинг ҳовлидан 3 кишини ёзгансан! Бир уйдан 3 эркакнинг ҳаммаси кетиб қолса,

¹ Фозил Йўлдош ўғлининг «Жиззах кўзголови» достони Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ёзма асарлар фондида сақланади. Достоннинг бир қисми 1935 йилда Х. Зарифов ва Ш. Ражабовнинг «Ўзбек совет фольклорининг намуналар» деган асарида, 1958 йилда «Ўзбек халқ шоирларининг совет давридаги ижоди» тўпламида (тузувчилар: Х. Зарифов, Х. Расул, М. Афзалов, Ш. Афзалов, И. Ражабов, М. Алавий, масъул муҳаррир М. Қосимов) босилган.

² Машариф Хусайнов (1882—1964), 1945 йилдан КПСС аъзоси. 1916 йилда буюкор ишчи бўлган. Октябр революциясидан сўнг совет жамоат ишларида, колхоз қурилишида актив иштирок этган эди.

57



Мирзариф Хусайнов — Жиззах шаҳар кўзғолонидан иштирок этган. (1936 йилда олинган сурат. Бу ва бошқа фото суратларнинг қаердан олинганлиги 167-бетдаги низоҳда кўрсатилган.)

уй-рўзгор ишлари, хотин-болалар кимга қолади? — деди.

Мирзаёр шунда: «Хотин, бола-чақанг бизга қолади», — деб ўдағайлади. Шу пайт Дамин кулол тўлланган аҳолига қарата қичқириб мурожаат қилди:

— Эй халойиқ! Буларни биз ҳокимият бошлиқлари десак, булар хотин, бола-чақаннинг ҳам бошлиғи бўлиб чиқдилар! Биз ундан мардикор рўйхатини беришни талаб қиламиз!

Мирзаёр ўридан туриб халойиққа қарата ҳақорат сўз айтди. Халқ чидамади. Шунда Оққўрғон маҳаллалик Абдуназар деган киши Мирзаёрни бир ўриб йиқитди. Оломон унинг устига ёпирилди. «Муттаҳам! Уғри, порахўр! Ур аблаҳни!» деган бир зумда Мирзаёр дабдала Шундан сўнг кўзғолончи-хат дафтарини олиб чиқиб куйдириб ташлашди.

Жиззах эски шаҳарида воқеа ана шу тарзда стихиямасида кўзғолончилар сафи бир неча юзга етди. Улар Жиззах янги шаҳрига томон йўналди.

Жиззах кўзғолоннинг актив қатнашчиларидан М. Урунхўжаевнинг эсдаликларига қараганда, бу кўзғолондан Дамин кулол бошчилигида 160—180 чамаси кулолчилар, Салим оқсоқол бошчилигида 120—130 темирчи ва тақачилар, Тошўйлағ Раҳмонов ташаббусчиларида 170—180 тўқимачи, Қорабой Қобилов ва Ашурмаглар бошчилигида 200 кўн-тери хунармандлар, Тожибой оқсоқол бошчилигида 90—100 киши чамаси хунарманд совунгарлар, Абдулла Очилов ва Курбонбой Урунов

раҳбарлигида 300 га яқин нонвойлар ва бошқалар иштирок этган¹.

Аҳволдан хабардор бўлиб қолган уезд ҳокими полковник Рукин кўзғолонни бостириш учун ҳарбий командани чақиртирди. Жазо отряди келишни кутмасдан оқ Рукин пристав Зотоглов, таржимон Зокиржонов ва иккита соқчи йигити билан бирга фазтонга ўтириб, эски шаҳарга жўнади ва йўлда кўзғолончиларга дуч келди. Уезд ҳокими ҳарбий команда келишига қадар кўзғолончилар билан музокара олиб бормоқчи бўлди. Лекин унинг гапига ҳеч ким қўлоқ солмади. Атрофда: «У алдайди, унга ишонманглари! Ур уларни!» деган сандолар янгради. Кўзғолончилар ёпирилиб келиб полковник Рукин, пристав Зотоглов, соқчи йигитлардан Комил Соиббоев ва таржимон Мирза Ҳамдам Зокиржоновни дўшпослаб ўлдирдилар. Фақат оқсоқол бошига чопонини ёпиб, қочиб улгурди.

Оломон олға қадам ташлади. Шу замон уезд ҳокими ёрдамчиси подполковник Афанасьев командаси етиб келди. Оломон «Ур-ури!» дея қичқириб, ҳарбий отрядни қуршаб олмоқчи бўлди. Бироқ калтак, кетмон, тош билан «қуролланган» аҳоли ҳарбий қисмининг ялли ўқ узиниغا бардос бера олмай талафот бериб, орқага чекинди. Кўзғолончилардан 11 киши ҳалок бўлди.

Тез орада кўзғолон Жиззах уездининг деярли ҳамма волостларини қоплаб олди. Кейинчалик Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан Жиззах ҳодисаларини текшириш учун тузилган махсус комиссия бу ердаги кўзғолонлар Жиззах шаҳрида ва Ўзбек, Ровот, Қоратош, Санзор, Совруқ, Богдон, Фориш, Янгиариқ, Синтоб, Ём, Усмағ Қоратол, Чашмаоб, Отақўрғонча, Қизилқум, Чордарё, Кўктепа, Қўрғонтепа волостларида ҳам бўлганини аниқлади².

Жиззах кўзғолони давомида эски шаҳарлик Назирхўжа эшон, форишлик кўп ерли Абдураҳмон Жевачи, зоминлик Қосимхўжа эшон ва феодал-клерикал доираларнинг бошқа вакиллари халқ ҳаракатидан ўз манфаатлари учун фойдаланмоқчи бўлиб, русларга қарши га-зовот уруши эълон қилди. Уларнинг иғволари натижа-

¹ М. Урунхўжаев, Унутилмас кунлар, Ўзлава нашр, 1961, 52-бет.
² Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане, хужжатлар тўплами, 136—137-бетлар.

сида айбис рус граждан ақолиендан бир неча киши ҳалок бўлди. Лекин бу ифвогарлик халқ томонидан қувватланмагани туфайли охири барбод бўлди. Жиззах уездининг баъзи районларида феодал-клерикал элементлар уюштирган айрим реакция чиқишлар озодлик ҳаракати учун зарба эди. Лекин бу ифвогарлик тарзидаги чиқишлар Жиззах халқ кўзғолонининг умумий ижобий тарихий аҳамиятини йўқота олмади, албатта. Оқни қорадан ажратиш, ҳақиқий халқ-озодлик ҳаракатини феодал-клерикал элементларнинг ифвогарликларидан фарқ қилиб, уларга тарихан объектив баҳо бериш зарур бўлади.

Кўзғолон иштирокчиси Машариф Хусаинов ҳаракат бошланганда Назирхўжанинг бўлмаганини айтади. Оломон Мирзаёрни ўлдирганини эшитиб Назирхўжа жуда хафа бўлган ва «чакки иш қилибсиз» деб койган. Туркистон Ҳарбий-округ суди материалларида Назирхўжа 1916 йил 6 августда терговда айбдор сифатида қуйидаги маълумотлар берган: Назирхўжа Абдусаломов, 41 ёшда, Жиззах шаҳар Мулқандлик маҳалласидан, касби комиссионер — даллол, 4 таноб ери бор. Назирхўжанинг эътирофи эгичча, у 9 июлда ўз хўжайини Раҳмонқулбой учун баъзан нарсаларни сотиб олишга Тошкентга борган. У ерда кўзғолон бўлганини эшитган. Жиззахга 12 июлда қайтгач, ундан одамлар Тошкент воқеаларини айтиб беришни сўрашган. У Тошкентда мардикорликка олиниш кечиктирилди, Жиззахда ҳам кечиктирилса керак, деб айтган. Бу хабардан аҳоли хурсанд бўлган. «Мен кечаси уйимда ухладим, ҳеч қандай кенгашда бўлмадим, — деб сўроқ берган эди Назирхўжа. — Чоршанба кунни эрталаб кимдир менга Ровоглик маҳалласида оқсоқол Мирзаёр Худоёрхонов бир сарт аёлни ҳақорат қилгани учун ўлдирилганини айтди. Оқсоқолни ким ўлдирган? Билмайман. Оқсоқолни ўлдирган оломон янги шаҳар томон йўналганда мен нима бўлаётганини билиш учун тўдага қўшилдим, лекин оломоннинг бошчиси бўлмаганман». Сўнгра Назирхўжа кўзғолоннинг иккинчи кунни 14 июлда 100—200 кишилик тўдага бош бўлиб, Этак қишлоғига тўлангани, Абдурахмон Жевачининг газовотидан хабардор бўлганини таърифлайди. «Жевачи, деган эди у, русларга қарши муқаддас уруш эълон қилди... Жевачи илгарилардан бизнинг уезди-мизда ва атроф жойларда, Жиззах бош беги наслидан, бадавлат киши эканлиги маълум эди». Жевачи жазо

отрядлари хужуми натижасида енгилгандан сўнг, ҳийла ишлатади. У икки рус аёлини кутқарган бўлиб Богдон приставига топширади. Назирхўжа мана шу аҳволни шарҳлаб, Жевачи бу ишни жўрттага қилди; солдатларнинг кўп эканлигини, ўз аҳволининг танглигини кўриб, рус аёлларини кутқарувчи сифатида русларга таслим бўлди, деб айтган эди.

Назирхўжанинг эътирофи этганлари кўзғолончиларнинг хотираларида айtilган фактларга мос келади. Бу фактлар Назирхўжа асли Жиззах кўзғолонининг раҳбари бўлмагани, аксинча бу ерда ҳам халқ ҳаракати стихияли бошланиб, оломон ичида камбағал табақалардан Дамин кулол сингари кўпгина ташаббусчилар чиқгани яққол кўринади. Шу билан бирга юқоридаги хужжатлар Назирхўжанинг кейинчалик Жевачининг газовотига аралашгани, бу ҳаракат халқ озодлик кўзғолонидан тубдан фарқ қилишини исботлайди.

Жиззах халқ кўзғолони мустамлака амалдорларини саросимга солди. Улар кўзғолонни бостириш учун Тошкентдан Жиззахга тўплар ва пулемётлар билан қуролланган махсус жазо отряди чақиртирилди. 14 июнда Тошкентдан полковник Владиславлев бошлиқ бир рота, сапёрлар взводи, 4 тўпли батареядан иборат жазо отряди юборилди. 13—14 июлда Самарқанддан махсус рота, 90 кишилик ҳарбий бошлиқлар ротаси, Оренбург казаклар сотняси юборилди. Мустамлакачи маъмурлар Жиззах кўзғолонини бостириш учун бу кучларни кам ҳисоблаб, 16 июлда Тошкентдан Жиззахга полковник Иванов бошлиқ 12 рота, 6 тўп, 3 та казак сотнялари, сапёрлар ротасидан иборат бош жазо отряди юборди. Кўзғолончилар билан жазо отрядлари ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб ўтди.

Жазо отрядлари Жиззах кўзғолонини ўтаётган шафқатсизлик билан бостиридилар. Меҳнаткаш омма фожиаи аҳволга тушди. Ҳарбий қисмлар эски Жиззахга ўт қўйиб, ер билан яқсон қилди. Юзлаб жиззахликлар ёш-қари демай отиб, чопиб ўлдирилди. Эски шаҳар аҳолиси бошпанасиз қолиб, қишлоқма-қишлоқ саргардон бўлди. Ҳарбий қисмлар қишлоқларда ҳам киргин қилди. Жуда кўп камбағал деҳқон, батрақлар дорга осилди ёки отиб ўлдирилди.

Жиззах кўзғолони ваҳшийларча бостирилди. Лекин кўзғолончилар ва унинг оқибатлари халқ қалбига катта



Мусаибек Тўрабекўв — Жиззах кўзғолонда ишгирок этган (1916 йилда олинган фото)

из қолдирди. Меҳнаткаш аҳоли ўз дўсти ва душманини янада аниқроқ билиб олди. Қонли курашларда чиниқди. Алам ва азоб-уқубат халқни тиз чўжтирмади. Чоризмга ва барча эксилау-таторларга қарши ғазаб ва нафрат ўса бориб, революцион кураш учун замин ҳозирлади.

Жиззах билан деярли бир пайтда Каттақўрғон шаҳар ва уездида халқ ҳаракати авж олган эди. Бу ердаги кўзғолонлардан бири Чимбой волостида бўлиб ўтди. 15 июлда 800 га яқин чимбойлик волостной Абдуолимовийни оломон қилиб ўлдирди. Кўзғолон қатнашчилари Қўқор Тонгогаров, Номоз Нодировларнинг эсдаликларига қараганда, волостной Абдуолимовий катта ер эгаси бўлиб, халққа кўп зулм ўтказган шахс экан. У чақирик рўйхатларига фақат камбағалларни киритган. Шунинг учун ҳам чимбойлик меҳнаткашлар ундан ўч олган. Кўзғолонни бостириш учун Чимбойга келган жазо ротаси қишлоқларни хонавайрон қилган. Кўзғолончилар қувғин қилиниб, калтакланган. Булар қаторида атоқли баҳши Нурмон шоир Абдиев ҳам подшо фармониға қарши шеърлар яратганлиги учун қамалиб, қаттиқ калтакланган ва бир умр инвалид бўлиб қолган эди.

18—19 июлда Каттақўрғон уездининг Минғариқ волости кўзғалди. Кўзғолончилар волостной ва оқсоқолларнинг уйларига ҳужум қилиб, ўт қўйишди. Волостной Мулла Усмон Мулла Қорабоев яшириниб қолади ва Пайшанба қишлоғига жойлашиб, пристав маҳкамасига кўзғолон бошлангани ҳақида хабар қилади. У приставдан ўзини халойиқдан ҳимоя қилишни илтимос қилади. Кўзғолонни бостириш учун Минғариққа ярим рота юборилади. 19 июль тонг отар пайтда ҳарбий қисм билан 4 мингга яқин кўзғолончиларнинг катта тўдаси ўртгаси-



Абдуқодир Абдуқаримов — Самарқанд кўзғолонда ишгирок этган (1916 йилда олинган фото)

да тўқнашув бўлди. Уезд ҳокими Минғариққа кўшимча кучлар юборгандан сўнггина кўзғолончилар гуруҳи тарқатилди.

Худди шунинг сингари халқ ҳаракати Калқўрғон волостда ҳам бўлиб, қози, катта бойлардан бири — Мулла Тош Ғойиб Назаров уриб ўлдирилди, бошқа бир қанча маҳаллий амалдорлар қаттиқ ярадор қилинди. Кўзғолончилар устидан ўтказилган чор округ ҳарбий суди материалларига қараганда Калқўрғон волостидан кўзғолон ташаббусчилари сифатида айбланганлар ичида батрақлар ва камбағал деҳқонлардан Рўзиқул Имомов, Хатам Қурбонов, Зиёт Раҳмонбердиев, Исмағ Муҳаммадалимов, Илибой Очиқдиев, Маҳмадиёр Мустафоқулов ва бошқалар қатнашиб, турли муддатларга қамок жазосига маҳкум этилган. Ўзбеккент қишлоқлик 22 эш-ли қора ишчи Жўрақул Ниёзов кўзғолон бошчиларидан бири бўлгани учун 1917 йил 12 январда Каттақўрғонда ўтказилган фавқулодда сайёр ҳарбий суд ҳукми билан отиб ўлдиришга маҳкум этилган (1917 йил 22 январда эса бу ҳукм 15 йил муддатга каторга жазоси билан алмаштирилган эди).

Умуман, Калкўрғон кўзғолонида актив ташаббус кўрсатганликлари сифатида ҳарбий суд ҳукмига дучор бўлган 25 кишининг ижтимоий иқтисодий аҳоли ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилсак, улардан олти киши еренсиз батрак, тўрт киши — қора ишчи, еттитаеси — кам ерли (1—4 танобли) камбағал деҳқон, бештаси 5—10 таноб ери бўлган деҳқон, биттаси — 12 таноб, яна бирови 20 таноб ерга эга бўлганлиги кўринади. Шундай қилиб, кўзғолон қатнашчиларининг жуда кўпчилиги камбағал табақадан эди.

Кўзғолон Калкўрғондан атроф волостларга: Милон, Пайшанба, Сергили, Каттақўрғон ва бошқа жойларга ёйилди. 20 июлда Каттақўрғон эски шаҳар аҳолиси кўзғолди. (1916 йил кўзғолони иштирокчиси Қулмуҳаммад Эшпўлатовнинг 1959 йилда авторга берган маълумотига қараганда, бу ҳаракатда 2 мингдан кўп киши қатнашган.) Таёқ, тош ва болта билан қуролланган кўзғолончилар эски шаҳар полиция участкасига ҳужум бошлаб, кўзғолонни бостириш учун бу ерга юборилган солдатларни тошбўрон қилдилар. Бироқ бошқа районлардаги аҳвол бу ерда ҳам такрорланади: солдатларнинг қақшатқич ўқлари остида кўзғолончилар талафот бериб чекинадилар.

Каттақўрғон уездида кўзғолоннинг кенг тус олаётганидан ташвишга тушган мустамлака маъмурлари шонилик чоралар кўрдилар. Уезд ҳокими Н. М. Росс область ҳарбий губернаторига 22 июлда юборган рапортида, Каттақўрғон волости Ўзбеккент ва Арабхона кишлоқларида кўзғолон кўтарган аҳоли қозининг уйига ҳужум қилиб, уни ўлдиргани баён этилади, бу каби ҳаракатлар кўляйиб кетганлигидан кўзғолонда иштирок этганларнинг уйларини ёндириб, ер билан яқсон қилиш лозимлиги ҳам айтилади. «Ҳозирги пайтда жиноятчиларни жазолаш учун уларни тутиш қийин бўлганидан, — деб ёзган эди ҳоким, — уларнинг уйларига ўт қўйиш бошқа галаёнларнинг олдини олишга ёрдам беради»¹.

Дарҳақиқат жазо отрядлари у ёқ-бу ёқни суриштирмай кўзғолон кўтарган кишлоқларга ўт қўйиб, юзлаб кишиларни қамаб, қаттиқ қувғин асосида кўзғолонларни бостиришга киришди.

¹ „Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане“ хужжатлар тўплами, 121-бет.

Фарғона область ҳарбий губернатори А. И. Гиппиуснинг ҳарбий министр ёрдамчиси П. А. Фроловага юборган телеграммасида Жиззах, Зомин ва шахристонлик кўзғолончилар гуруппаларининг тоғ ошиб Фарғона водийсига томон ҳаракат қилганликлари ва йўл-йўлакай маҳаллий аҳолини қаҳриқ тўғрисидаги фармоннинг ижро этилишига қаршилик кўрсатишга ундаганлари кўрсатилади¹. Бу ҳужжат турли районлардаги кўзғолонларнинг боғланишларини кўрсатса, иккинчидан, июлнинг охирига қадар Самарқанд областида халқ ҳаракатининг актив давом этганидан далolat беради. Айни замонда юқорида цитата қилинган телеграмма мустамлака маъмурларининг ўтакетган шафқатсизлиги, ҳатто қуролсиз аёллар ва болаларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўлланганларини фoш этади.

Самарқанд областида июлнинг охири кунларидаги халқ ҳаракатларидан бири Маҳалла волость Оқмачит кишлоқ аҳолисининг қаҳриқни барбод қилиш учун яна бир актив чиқиши бўлди. Кўзғолончилар волость бошқарувчиси ва қозини қувғин қилишди².

Жиззах уезд кишлоқларининг аҳолиси қаҳриққа боришдан воз кечиб, тоғларга қочганлиги ва шунинг учун берилган топшириқни бажариш мумкин эмаслигини эътироф этган мустамлака маъмурларининг хабарлари архивда кўп учратилади.

Масалан, Зомин участка пристави Гнилицкий Жиззах уезд ҳокими вазифасини бажарувчи П. И. Афанасьевга 30 июлда юборган ахборотида қуролли отрядлар билан бирга Зомин волостида бориб қаҳриқ нарядини бажаришга имкон бўлмагани, чунки ҳамма кишлоқлар аҳолисининг тоғларга кетиб қўйиб бўлганини хабар қилгани бежиз эмас эди³.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ БЎЙЛАБ

Халқ ҳаракатлари Фарғона областининг 5 уездида — Андижон, Қўқон, Наманган, Скобелев ва Уш уездларининг ҳаммасига кенг ёйилди. Бу ҳаракатларга доир

¹ „Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане“, хужжатлар тўлами, 126-бет.

² Уш жаойда, 127-бет.

³ Уш жаойда.

расмий ҳужжатлар таҳлил қилинса, Фарғона обла-
ста камиди 107 жойда кўзғолон ва ғалаёнлар бўлганини
кўриш мумкин. Кўзғолонлар Самарқанд обла-
стада 25 жойда, Сирдарё обла-
стада эса 20 жойда бўлгани
этиборга олинса, Фарғона
областадаги халқ ҳара-
катлари анча кенг миқёсда
ўтганлигини аниқлаш мум-
кин. Гап фақат бу солиштирма
рақамлардагина эмас, Фарғона
водийсидаги халқ-озодлик
ҳаракатлари бор-сари
синфий тус олиб, деҳқонларнинг
феодалларга қарши
курашига айлана борди.

Водийда кўзғолон дастлаб
Кўқон уездининг Қайнар
волостида бошланди. 8 июль
эрталаб волостнинг катта
қишлоқларидан бири — Катта
Авғонда ғалаён кўтари-
либ, халқ элликбошилар ва
рўйхатчиларни тутиб олиб,
калтаклади. Учаска пристави
Колосовский Катта Ав-
ғондаги аҳвол ҳақида уезд
ҳокими ўринбосари А. Г. Ки-
таевга хабар берди. Китаев ва
Колосовский соқчилар билан
бирга шошилинч равишда
қишлоққа етиб келдилар,
ғалаён зўрлик билан бостирилди
ва кўзғолон ташаббусчиларидан
11 киши қамоққа олинди.

Мустамлака маъмурлари
ўз маҳкамаларига қайтиб
келиши биланоқ яна бир
кўзғолон ҳақида хабар олдилар.
Бу гал Қайнар волостининг
Найманча қишлоғида оломон
мардикорликка бормасликка
қатъий қарор берди, кўзғолон
кўтарди. Ана шу масала
тўғрисида Кўқон уезд
ҳокими К. В. Мединский
Фарғона область губерна-
ториясига қуйидаги мазмунда
рапорт юборди: «8 июль,
чамаси соат 4 ларда пристав
Китаевдан Найманча содир
бўлган ғалаён тўғрисида
хабар олиш биланоқ, қишлоққа
соқчилар юбориш тўғрисида
буйруқ бериб, мен ўзим
подполковник Китаев билан
воқеани аниқлаб, чоралар
кўриш учун Найманчага
жўнадим... Қишлоққа келганимизда эркаклар,
айниқса аёлларнинг шовқин-
суронлари бизга сўзлашга
имкон бермади. Мен соқчи-
ларимга оломоннинг олдинги
сафиди турган аёлларни чет-
латишни буюрдим. Буйруқ
бажарилиди. Шу пайт оломон
менга қараб тош ота бошлади.
Мен ва подполковник
Китаев дарҳол дўппончаларимизни
шайлаб, тош отганларни
тутмоқчи бўлдик. Шулардан
бирини ушлаётганимизда юрак дардим
тутиб қолди». Оломон тош

¹ «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане», ҳуж-
жатлар тўплами, 176, 185, 253-бетлар.

отганларни яшириб қочирди. Подполковник
Китаев улардан бири — Ҳайдарали Тошматовни
ушлаб турмага жўнатди. Лекин Найманчада
халқ ҳаракати келгуси куни ҳам
давом этди. Қайнар кўзғолони
Аравонга ёйилди. Бу волостнинг
Аравон, Ғозиёғлиқ, Минглар,
Туркман, Барзанчи ва бошқа
қишлоқлари ҳамда Кўқон шаҳрининг
Хўжанд даҳа аҳолиси ялпи
кўзғолди. Икки минг кишилик
катта оломон маҳаллий маъмурлардан
бир неча кишини, шу жумладан
Аравон волость бошқарувчиси
Иброҳимжон Ҳасанбоевни,
унинг мирзаси ва соқчи йнги-
тини тошбўрон қилиб ўлдирди.
Уезд ҳокими аҳволнинг
жиддий тус олганидан ташвишланиб,
кўзғолонни бостиришга ўз
соқчилари етишмаганлиги
учун Кўқоннинг Авғонбоғидаги
ҳарбий асирлар лагерининг
соқчи ҳарбий қисмини
Ғозиёғлиққа юборди.

Худди шунга ўхшаш воқеа
Кўқон уездининг Кенжаровонда
рўй берди. Аҳоли қишлоқ
оқсоқолининг уйига ўт қўйди,
мардикорликка чақирилувчилар
рўйхатини ёндириб ташлади.
Кўқон уезд бошлиғи К. В. Мединский
тезлик билан кўзғолонни
бостириш учун ҳарбий отряд жўнатди.
Солдатлар кўзғолончиларни
ўраб олиб, калтаклаб,
бозор майдонига тушлади.
Бу ерга етиб келган Мединский
аҳолига қараб ўшқирди. «Қийма
тушт ёки котлетни тасаввур
қилсанларми? — деб бақирди у. —
Агар бундан сўнг ҳам шу
хилда ҳаракат қилсаларинг,
хаммангни котлетга айлантираман!»
Мана шундан сўнг Кенжаровон
кўзғолонида қатнашганлардан
139 киши қўл-оёқлари боғланиб,
араваларда Кўқон турмасига
жўнатилди.

Лекин мустамлака маъмурлари
бу жойда кўзғолонни бостиришга
улгурмай, бошқа жойда
ғалаён кўтарила берди. Бу гал Янгиқўрғон
волость қишлоқларида, айниқса
Файзиобод, Шайхлар ва
Ҳазратшо қишлоқларида катта
ғалаёнлар бўлди. Мана шу
қишлоқлардан тўп-ланган бир
минг кишилик халқ оломони
ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини
чиқарди. Маҳаллий маъмурларнинг
уй-лар ва маҳкамаларига
ҳужум қилди. Мулла Аҳмадқулов
бошичилигидаги кўзғолончилар
группаси Файзиобод қишлоқ
оқсоқолининг уйини ёндирдилар.
Кўзғолончилар савдогарларнинг
дўконларини ҳам тор-мор
қилиб, улар-

¹ «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане», ҳуж-
жатлар тўплами, 60, 176—177, 253-бетлар.

ни ўз оломонларига қўшилишга мажбур қилдилар. Бу ерга ҳам Қўқондан ҳарбий қисм юборилиб, қўзғолончилардан 29 киши қамоққа олинди.

Шу куни қўзғолон Қўқондан Андижонга ўтди. 9 июль куни Андижон уезди ҳокими И. А. Бржезицкий эски шаҳар «Жомий» мачит майдонига аҳолини йиғиб, подшо фармонини тушунтириб, қақирқини ўтказишни мўлжаллаган эди. Тўсатдан мажлисга йиғилганларнинг орасидан «Мардикорликка бормаймиз!» деган товушлар эшитилди. Уезд ҳокимининг сўзи бўлиниб қолди. У ташвишга тушиб халойиқни тинчланишга чақирди. Лекин унинг деган қичқириқлар ҳамма ёқни қоплади. И. А. Бржезицкий қўрққанидан фазтонга ўтириб, гарнизон бошлиғидан мадад олишга жўнади.

Андижон қўзғолонининг актив иштирокчиларидан Усмонжон Раҳимов қуйидагича ҳикоя қилади: бойларнинг, чор ҳукуматининг адолатсизлиги ва жабр-зулми менга ўхшаш қашшоқларни қўзғолон кўтаришга мажбур қилди. Қўзғолоннинг 1916 йилга келиб кўтарилишига иккинчи сабаб — камбағаллар мардикорликка олиш баҳона бўлди... Кўп камбағаллар Андижон шаҳрининг марказий жойи ҳисобланган Жомийга тўланди. Бу ерда шаҳар амалдорлари мардикорликка олиш тўғрисида оғиз очганларида халқ орасидан «Мардикорликка бормаймиз!», «Мардикорлик зулминни тортмаймиз!», «Бойларнинг ўзлари мардикорликка борсин!» деган овозлар кўтарилди. Халқнинг эолимларга қарши ана шундай хитобларига қарамасдан мингбоши ва элликбошилар халққа қарата дўқ урган эди, халойиқ шу ондаёқ, «эолимларни ўлдириш пайти келди», деб улардан бирини оломон тош-ғишлар билан уриб ўлдирди. Ундан кейин чор ҳукуматининг амалдорлари ва маҳаллий бойлар янги шаҳарга қараб қоча бошладилар. Уларнинг кетидан камбағаллар қўлларида таёқ, кетмон, пичоқ, тош, саксовул ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан қувлаб кетдилар².

¹ «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане», Хужагагар тўплами, 186-бет.

² Андижон ва Марғилондаги қўзғолон иштирокчилари хотиралари 1956 йилда ЎзССР Фанлар академиясининг Тарих ва археология институти илмий ҳодими тарих фанлари кандидати (ҳозир тарих фанлари доктори) Х. З. Зиев томонидан ёзиб олинган. Бу хо-



Рўзбой Давлат Сўфиев — Андижон қўзғолонига иштирок этган (1916 йилда олинган фото)

Қўзғолон иштирокчиси Йўлдош Мирзаев бошқалар қатори ўтин бозоридаги саксовуллардан таёқ қилиб, амалдорларни қувлаганларини эслайди. Оломон орасида аёллар ва болалар ҳам кўп эди. Қўзғолон иштирокчиларидан Муҳиддин Намиддинов ва Усмонжон Иброҳимовларнинг тасдиқлашларига кўра халқ оломони катта бойлардан бири Қосим Иноқ Ҳошимхон Хожини тошбўрон қилиб ўлдирган¹.

Минг кишидан ошиб кетган оломон эски шаҳардан Скобелев кўчаси орқали уезд ҳокимининг янги шаҳарга жойлашган маҳкамаси томон йўналди. Бир оз вақтдан сўнг уезд ҳокими Бржезицкий казаклар вэводи ва полициячилар ҳимоясида Гултепа майдонига оломонга дуч келди. У халойиқдан уй-уйларига тарқалиб кетишни

тиралар Тарих ва археология институти қўлезма фондида 558-ракам билан «Марғилон ва Андижонда 1916 йилда бўлиб ўтган халқ қўзғолонига доир материаллар тўплами» сифатида сақланади (жами 114 бет).

¹ Усмонжон Раҳимов, Йўлдош Мирзаев ва Муҳиддин Намиддиновларнинг хотиралари Х. Зиевнинг ўша тўпламида 53—54, 63 ва 71-бетларида; Усмонжон Иброҳимов хотираси Ўзбекистон тарих музейи фондида сақланади (17-папка, 1-бет).

талаб қилди. Халойиқ эса унга жавобан уезд ҳокимидан чақирқини дарҳол тўхтатиб, рўйхат олмаслик тўғрисида тилхат беришни, ақс ҳолда шу замон бутун эллиқбошилар ва маҳаллий маъмурларни ўлдиражаклари, мол-мулкларини тор-мор қилишларини айтиб огоҳлантириб қўйдилар. Н. А. Бржезицкий ҳарбий қисмга оломонни тарқатишни буюрди. Қўзғолончилар казаклар ва полициячиларга ҳужум қилишга уринди. Бироқ таёқ, кетмон ва ўроқ билангина қуролланган халойиқ ҳарбий куч таъйиқига чидаш беролмади. Тўқнашув натижасида уч киши ўлди, 12 киши оғир ярадор бўлди¹.

Архив материалларига қараганда ярадор бўлганлар ичида Абдуллажон Холматов, Мулла Мақсудхон Уста Нишонбоев, Носир Абдурахмонов, Мамасодиқ Рўзиев, Мулла Хорун Мулла Азизхўжаев, Абдужалил Нодиров, Хожимат Хосилбоев, Усмонжон Мараев ва бошқалар бор эди. Оғир ярадор бўлганлардан Саидазим Маъзумов, Саидброҳим Мелихон Тўраев ва Абдуқодир Ҳамроқулловлар ўша кунни вафот этди². Ҳарбий қисм 119 қўзғолончини қамоққа ташлади.

Шундай қилиб, Андижон қўзғолони қонли равишда зўрлик билан бостирилди. Лекин халқ тинчланмади. Мустағлака маъмурияти Андижонда казак солдатларининг икки взводдан иборат жазо отрядини узоқ вақт сақлаб турди.

Мустағлака маъмурлари қўзғолончиларга нисбатан ўтакетган эолимлиқ ва қонхўрлик билан иш кўрдилар. Буни Фарғона область губернатори А. И. Гиппиуснинг хатти-ҳаракатидан аниқ кўриш мумкин. Унинг таклифи-лемаётлар, тўплар билан қуролланган ҳарбий қисмлар мувофиқ Фарғона область шаҳар ва волостларига пу-юборилиб, қўзғолончи халқ ўққа тутилди. Область губернатори халққа қарата эълоннома чиқариб, чор ҳукумати бундан буён ҳам жабр-зулм ўтказишни очиқдан-очиқ баён этди. Бунда қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин эди: «Артиллерия билан қуролланган солдатларимизнинг Фарғона областига етиб келганини ушбу эълоннома орқали область аҳолисига билдираман. Бу солдатларнинг ихтиёри Фарғона губернатори сифатида

¹ Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане, хужжатлар тўплами, 173-бет.

² Андижон қўзғолонида ярадор бўлганлар ва қамалганлар рўйхати Ўзбекистон давлат архиви ва тарих музейи фондидан олинди.



Муҳаммад Дарвишев — Андижон қўзғолонида ишгирок этган (1956 йилда олинган фото)

менга топширилди. Бу келган ҳарбий қисмларнинг халқнинг ғалаёнини бостиришгагина эмас, балки бутун қишлоқларни, шаҳарларда эса — ҳар қайси маҳаллани, бутун эски шаҳарни ер билан яқсон қилишга кучи етади. Бугундан бошлаб қаерда тартибсизлик ва тўполон чиқса, ҳозиргача бўлиб турган тўполонлар яна давом этса, бу жойлар ер билан яқсон қилинади.

Агар халойиқ ичига ивго солиб ғаламислик қилган кишилар топитмасалар, бу ҳолда ғалаён чиққан ҳар бир қишлоқ менинг буйруғим билан ер билан яқсон қилиниб, ундаги ерлар подшоликка олинади... Агар фуқаро бу кишиларни менга ёки судга кўрсатиб бермаса, бундан буён ғалаён чиққан жойларнинг аҳолиси бошига юзорида айтилган кулфатларни соламан».

Бироқ халқ на дўждан ва на ҳарбий куч тазйиқидан қўрқмай, қўзғолонни давом эттирди. Булар ичида Марғилон ва Наманган шаҳарларидаги қўзғолонлар алоҳида эътиборга сазовордир.

Марғилон қўзғолони 10 нолда кенг тус олди. Полицейстернинг ахборотиға қараганда бундан бир-икки кун олдин эски шаҳар маҳаллаларида оир неча киши уйма-уй халқни қўзғолонга даъват қилиб юрган. Дарҳақиқат, халқни ҳаракатга жалб қилганлар орасида камбағал кочиб Қодиржон Мамасодиқхўжаев, камбағал деҳқон Тожибой Мадалиев, чорикор Мавлон Лайлаев ва бошқалар бор эди¹. 10 июль эр талаб эски Марғилоннинг маркази Урда тагага 25 мингга яқин киши тўпланди. Оломон эски шаҳар полицмейстери П. Я. Пахотин, мингбошилардан Маҳмудбек Шаҳрихонов, Мавлонбек Бадалбоев ва бошқаларни ўраб олиб ҳужумга ўтди. Полиц-

¹ ЦГИАЛ, ф. 1405, оп. 530, л. 1068, 50-барак.



Усмонжон Мухаммад Раҳим Хожиев — Андижон кўзғолонида иштирок этган (1956 йилда олинган фото)

мейстер П. Я. Пахогин Фарғона губернаторига 1916 йил 10 июлда юборган рапортида бундай хабар қилган эди: «Оломон бутун майдонни эгаллаган. Мен чойхонада баланд тахта сулаға чиқиб халойиққа тушунтирмоқчи бўлдим. Лекин оломонни ҳеч бир йўл билан тинчитиб бўлмади. Менга бир оғиз ҳам сўзлашга имкон беришмади. Ҳамма ёқда қиқриқ, шовқин-сурон. Шу ҳолатда 10 минутча ўтди. Сўнгра оломон мени қуршай бошлади, тагимдаги тахтани уриб синдиришди. Шу пайт оломондан бир неча мушт едим. Мен тўппончамни яланғочлаб чойхонанинг орқасига ўтиб, отимга миниб бозордан чиқишга улгурдим». Полицейстер бошқа бир ахборотида эса кўзғолончиларнинг маҳаллий маъмурларга қилган хужумлари, «Мардикорликка бормайми!» деб маҳаллий маъмурлардан Маҳмудбек ва Мавлонбек минбошини, бош полициячи Суяновни, тўртта соқчи қоронвулни ўлдирганини ёзди.

Марғилон кўзғолонининг актив қатнашчилари камбағал деҳқон, чорикор, қосиб-хунармандлардан иборат эдики, буни 1916 йил октябрда Скобелевда бўлиб ўтган муваққат ҳарбий суд материалларидан аниқ кўриш мумкин¹. Марғилон кўзғолони юзасидан жавобгарликка тортилганлар орасида меҳнатқашлардан 39 ёшли Камолидинхожи Холиев, 28 ёшли Мавлон Лайлаев, 23 ёшли Тожибой Мадалиев, 40 ёшли Лайлабой Қосимбоев, 26 ёшли Абдурахмон Мамажонов ва бошқаларни кўрамиз.


Юқорида кўрсатилган кўзғолончиларнинг баъзиларидан кейинчалик — 1956 йилда ёзиб олинган хотираларга

¹ Бу суд материаллари ҳозир Ленинграддаги Марказий Давлат тарих архиви (ШИАЛ)да сақланади, ф. 1405, (Авлия министрлиги фонди), оп. 530, л. 1068, 54—62-варақлар.

мурожаат қиламиз. Шулардан Тожибой Мадалиев камбағал деҳқонлардан бири эди. У бир парча ерини ишлаши учун Аҳмаджон бойдан қарздор бўлиб қолган эди. Т. Мадалиев 1916 йил кўзғолони тўғрисидаги хотирасида қуйидагиларни баён этган: «...камбағалларнинг бойларга қарши нафрати ва ғазоби мардикорликка олиш тўғрисидаги хабар муносабати билан очиқ курашга айланди...


Мен ва менга ўхшаш жабр-зулмдан азоб чеккан кишилар кўллариимизни осмонга кўтариб—«Мардикорликка бормаймиз!», «Мардикорликка бойлар борсан!» деб бақирдик. Бундай хитоблар майдоннинг ҳамма еридан эшитилиб, шовқин-сурон бошланди ва «Ури!» деган овозлар жаранглади. Шу ондаёқ мен ва менга ўхшаш бошқа «эски чопонлар», «хашақпурушлар» амалдорларга ҳужум бошладик. Мавлонбек ва Маҳмудбек минбошилари тошбўрон қилиб ўлдирдик. Шу хилда бир ўзбек миришаби ва полиция старшинаси ҳам ўлдирилган эди. Шундан кейин мен ўз ҳамроҳларим билан Урдагатаида жойлашган кино биносига бир полициячини қувлаб кирдик. Бу ерда шахсан менинг ўзим деворда осилиб турган подшо Николайнинг суратини олиб йиртиб ташладим ва уни оёқ остига олиб тепкиладим¹.

Мавлон Лайлаев ўз хотираларида халқ катта бойлардан, шу жумладан Маҳмудбек минбошидан ғазобланганини ифодалаб беради: Урдагатаидаги чойхонанинг баланд суласига ҳукумат амалдорлари чиқишди. Шундан кейин Маҳмудбек минбоши халққа қараб: «Осмон баланд, ер қаттиқ, Шунинг учун ҳеч қаерга биздан қочиб қутулолмайсизлар. Биз сизларни нима қилсак



Охунбува Холбобоев — Андижон кўзғолонида иштирок этган (1956 йилда олинган фото)

¹ Х. Зилев, ўша тўйлам, 7—8-бетлар.



Марғилон кўзғолонида иштирок этганларнинг бир гуруҳи (1956 йилда олинган фото)

қилаверамиз. Мардикорлик-ка боришингиз шарт» деб бақирди. Шунда бизлар унга қараб «Сен солим ўзинг бори», «Тўнғиз Маҳмуд бошига ўлим!», «Ур!» деб қичқирдик! Мавлон Лайлаев Маҳмудбекни тошбўрон қилганлардан бири эди. Мавлонбек мингбоши ҳам шундай тошбўрон қилиниб ўлдирилди. Одамлар ўлдирилган мингбошиларнинг теласида туриб: «Худога шукур, зolimларден қутулдик» деб қувониб, бир-бирларига муражаат қилардилар.

Марғилондаги халқ ҳаракати мана шу тарзда давом этганлиги кўзғолоннинг бошқа қатнашчиларидан Раҳмон Раззоқов, Музаффар Фафуров, Қимсан Иброҳимов, Умархон Юсуфали Хўжаев, Назир Абдуллаев, Муҳаммадрасул Муҳаммад-иброҳимов, Раҳматулла Мақсудов, Ислоҳ Раҳимов, Турсун Мирзабобоев ва бошқаларнинг хотирасида ҳам тасдиқланган.

Марғилон кўзғолонида аёллар ҳам актив иштирок этдилар. Улардан бири Чиганоқ маҳаллалик Чинни опа эди. 1936 йилда Тошкент Революция музейи илмий ходими Холиса Йўлдошева Чинни опанинг хотирасини ёзиб олиб, «Кизил Ўзбекистон» газетасида 1916 йил кўзғолоннинг 20 йиллиги муносабати билан эълон қилган эди. (У пайтда Чинни опа Карл Маркс номили колхозда ишларди.) Чинни опа кўзғолонда иштирок қилганини эслаб, Марғилон маркази ўрдатагидаги ҳаракатдан ташқари шаҳар маҳаллаларидаги курашларнинг тафсилоти тўғрисида ҳам қуйидагиларни айтиб берган эди:

— Уша пайтда подшо аскарликка одам олар эмиш деган сўз чиқди. Бир кун кўчада тўполон, қий-чув ва



Мавлон Лайлаев — Марғилон кўзғолонида иштирок этган (1956 йилда олинган фото)

¹ Х. Зияев, ўша тўплам, 12—13-бетлар.

² Уша жойда, 16—69-бетлар.

шовқин овози эшитилди. Маҳалла элликбошилари маҳаллалардаги ҳамма камбағалларнинг болаларини рўйхатга олиб, ҳукуматга ёзиб беришипти. Шунинг учун маҳаллада норозилик туғилиб, ҳамма халқ элликбоши Иса полвонни ўлдирмоқчи бўлиб излаб юрган экан. Мен ҳам дарров 5—6 хотинни тўплаб, «юраверинглар, эркалар қаерга борса, биз ҳам шу ерга борамиз; элликбошилар бойларнинг болаларини қолдириб, бизнинг болаларимизни ёзиб берипти, бундай элликбошиларни эркаклар билан биргалашиб туриб ўлдирамиз», деб уларни келимдан эргаштириб кетдим. Кейин эркаклар билан қора калтак бўлиб Иса полвоннинг уйига бордим ва у ерда уни топиб ўлдирдик. Шундан кейин рўйхатларни куйдириш мақсадида Чиганоқдаги приставининг уйига ўт қўйдик¹. Марғилоннинг Чиганоқ маҳалласидаги кўзғолонга Йўлдош Охунбоев бошчилик қилган эди.

Марғилон кўзғолонини бостириш учун шаҳарга 6-Оренбург полкининг казак солдатлари сотняси юборилди. Кўзғолончилар милтиқ-пулемёт ўқи остида қолди. 63 киши ўлди ва ярадор бўлди. Кўп кишилар қамалди. 1916 йил октябрда Скобелев (ҳозирги Фаргона) шаҳрида муваққат ҳарбий суд ўтказилди. Суд ҳукми билан 15 киши «қўлларига қурол билан очиқдан-очиқ ҳокимиятга қарши кўзғолон кўтарганликлари» ва «мансабдор шахслар ва хусусий шахс — савдогарларни ўлдирганликлари» учун осиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Булар ичида Нормухаммад Раҳматулла Маъзумов, Муқаррамхон Юсуфали Хўжаев, Тожибой Мадалиев, Лайлабой Қосимбоев, Нормухаммад Масодиқов, Муҳаммад Ҳабибуллаев, Қамолдинхожи Холiev ва бошқалар бор эди². 5 киши (Мавлон Лайлаев, Қодиржон Мамасодиқхўжаев, Мадраимқори Мирсаидов, Қосимхон ва Умархонхўжа Юсуфали Хўжаевлар) «очиқдан-очиқ ҳокимиятга қарши кўзғолон кўтариб, зўрлик ва тартибсизлик қилганлик»да айбланиб, 15 йилдан каторга жазосига маҳкум этилди. Шунингдек 40 киши турли муддатларда турмага қамалишга ҳукм қилинган эди³.

¹ Марғилондаги курашдан бир парча. «Қизил Ўзбекистон», №169 (3146), 1936 йил 24 июль.

² Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан булардан баъзиларининг ўлим жазоси 10—15 йил каторга билан алмаштирилган эди.

³ ШГИАЛ, ф. 1405, оп. 530, л. 1068, 60—62-варақлар.

Қамалганлар орасида аёллар, шу жумладан юқорида айтиб ўтилган Чинни опа ҳам бор эди.

Марғилон кўзғолони атроф волостларга кучли таъсир қилди. Бирин-кетин Скобелев уезд волостларида кўзғолон аланга олди. Файзиобод, Езёвон, Яккатут волостларида катта-катта ғалаёнлар бўлиб, халқ оломони бойлар, амалдорларнинг уйларига ҳужум қилиб, ўт қўйиб, бир қанча волость бошқарувчилари, оқсоқол, мирза ва соқчи йигитларни ўлдирдилар ёки оғир ярадор қилдилар¹.

Марғилон уездидаги катта кўзғолонлардан бири ўзбек халқининг содиқ фарзанди Йўлдош Охунбоев бошчилигида Жойбозор қишлоғида бўлиб ўтди. Бу қишлоқда кўзғолонга иштирок этган Мирза Тиллаев ўз хотираларида² қандай қилиб ҳаракатга қўшилганини қуйидагича баён этади: «Мен ўз ишим билан уйда ўтириб эдим, кўчадан «чиқабер-чиқабер!» деган шовқин эшитилди,— дейди М. Тиллаев.— Кўчага чиқсам, ҳамма халойиқ бири болта, иккинчиси тош кўтарган ҳолда тўпалон қилиб, маҳалла маъмурларини ўлдириш учун кўчама-кўча югуриб юрибдилар. Уйга кириб мен ҳам қўлимга бир калтак кўтариб, оломон орқасидан улар кетган томонга қараб чопдим. Шу кетишда биз тўғри Иса полвоннинг уйига бордик. Уни тополмагач, Абдураҳмонхўжани ўлдириб, кейин Чиганоқдаги Езёвон волости управителининг (волостнойнинг) идорасини куйдириб келдик. Ундан қайтиб келгандан кейин яна Иса полвонни топиб, уни ҳам ўлдирдик. Биз Иса полвонни ўлдириб келаётганимизда Мерганлар маҳалласи билан Жиннилар маҳалласи ўртасида бизга бир тўп аскарлар учради. У ерда қаттиқ тўполон бўлиб, ўлганлар ўлиб, қолганларимиз қочиб қутулдик...»³.

Марғилон кўзғолони билан ҳамоҳанг кўзғолонлардан бири эски Наманганда бўлди. 11 июль тонг пайти. Наманган аҳолиси Лаббайтога даҳасидаги Қурашхона майдонига тўплана бошлади. Шу даҳалик Ғафурхўжа саргарош отга миниб, уйма-уй бориб:

¹ Кўзғолонлар тўғрисидаги қисқа маълумотлар китобнинг «1916 йил кўзғолони хронологияси» да берилган.

² Бу хотира 1936 йилда, Ўзбекистон революция-тарих музейининг илмий ходими Холиса Йўлдошева томонидан Марғилонда ёзиб олинган бўлиб, ҳозир Республика тарих музейи архивида сақланади.

³ Тиллаев кўзғолонда актив қатнашганлиги учун полиция томонидан қамалиб, ҳарбий суд уни 15 йил каторга жазосига ҳукм қилади. Турмада 9 ой ётгач, Октябр революцияси арафасида озод бўлди.



Тожибой Мадалиев — Маргарон кўзғолонида иштирок этган (1956 йилда олинган фото)

— «Халойиқ! Курашхонага тўллангилар!» — деб чақириб юрилти. Бу аҳволдан хавотирга тушган Лаббайтоға даҳа қозиси даҳа пристави В. Домбровскийга халойиқнинг Курашхонага тўлана бошлаганлигини хабар қилди. Унинг кетидан полициячи Калонхўжа Тиллабоев полиция участкасига ҳовлиқиб келиб Курашхонага жуда кўл одамлар йиғилганини айтиб, шошилиш чора кўрилмаса аҳвол пачава бўлишини уқтирди. Пристав эса кўзғолоннинг бошлангани тўғрисида Наманган уезд бошлиғи вазифасини ижро этувчи капитан Румянцевга телефон қоқиб, ўзи 8 кишилик полиция отряди билан Курашхонага жўнади. Бу ерга бошқа даҳаларнинг приставлари ва полициячилари ҳам етиб келишди. «Мен Курашхонага борган пайтимда, — деб ёзган эди Лаббайтоға пристави Домбровский, — у ерга 1500 дан ортиқ одам тўлангани ва оломоннинг тобора кўпаяётганини кўрдим. Оломон мени кўриб қолиб, чақириб рўйхати иборат эди. Оломон мени кўриб қолиб, чақириб рўйхати (мардикорликка чақирилувчилар рўйхати.—Ҳ. Т.) тузини тўхтагишни талаб қилди. Орадан «Ур-ур!» деган товушлар эшитилди. Шу пайт капитан Румянцев пулемётлар ва милтиқлар билан қуролланган бир рога солдатлари билан етиб келди».

Кўзғолон 3,5 соат давом этди. Ҳарбий суд материалларига қараганда Наманган кўзғолонининг асосий ташибускорлари меҳнаткаш омманинг вакилларидан иборат эди. Улар нчида дурадгорлар — Абдурахмон Розиқбоев, Йўлдош Мирзаев, ҳунарманд-этикдўз ака-ука хонбой Йўлдош Мирзаев, Мулла Навшанқори Халфаевлар, Мулла Усмонқори, Мулла Навшанқори Халфаевлар, Маҳмуд Зокиров, Мамасодиқ Маҳмудбоев, қора илчи

Юнусбой Ёқуббоев, тўқувчи мулла Дадабой Орифбоев ва бошқалар бор эди.

Кўзғолоннинг тобора кўрчинчли тус олаётганини кўрган Румянцев «мардикор олинш бекор қилинди, рўйхат тузилмайди» деб халқни алдамоқчи бўлди. Халойиқ ундан бу ҳақда тилхат беришни талаб қилди. Лекин уезд бошлиғи газаб билан: «Агар тез тарқалиб кетмасаларинг, тартибонлиқни давом эттирсаларинг, солдатларга буюриб ўқ ёдириб сенларни отиб ташламаман», деб ўдагайлайди. Кўзғолончилар бу дўқдан ҳам ҳайиқмай солдатларга яқин келишди. «Отсанг от! Кўрқмаймиз! Жонимиздан тўйганмиз, амирларнингга кўнмаймиз!» деган тус олаётган майдонда янгради. Кўзғолон тобора кенг тус олаётган вақтда капитан Румянцев солдатларга кўзғолончиларни отиш тўғрисида буйруқ берди. Икки етанковой пулемёт ва милтиқлардан узлуксиз ўқлар ёғилла бошлади. Пристав Домбровскийнинг эътироф қилишига қараганда кўзғолончилар талафот беришларига қарамай, солдат ва полициячилар билан олишганлар. У, баъзи кўзғолончиларнинг полицияга ҳужум қилгани, пристав Федотовнинг тўппончасини тортиб олмоқчи бўлганини, Жалолддин Увайсов деган кўзғолончи бир полициячининг қиличини олгани ҳақида ҳарбий судда баён қилган эди¹.

Иккинчи даҳа қозиси Муҳаммадкарим Муҳаммадали-хўжаев кўзғолончиларни жавобгарликка тортиш учун тузилган махус ҳарбий суд терговиде гувоҳлик бериб, кўзғолончилар солдатлар томонидан отилишларига қарамай Курашхонадан тарқалмай: «Золимлардан дод! Майли, барибир ҳақ жойици топади!» деб қичқирганликларини эътироф этади. — Шундан сўнг, — деган эди у, — Румянцев ва приставлар ўз қуроли йиғитлари билан халойиқни майдондан калтаклаб чиқарди².

Наманган кўзғолони ваҳшиёна бостирилди. Қуролсиз халқдан қонли ўч олинди. 11 июль куни Курашхона майдониде кўзғолончилардан 14 киши ўлдирилди, 62 киши ярадор қилинди. Ярадорлардан яна 27 киши ўлди. Ҳарбий маъмурларнинг эътироф этишича, кўзғолон давомида бир қанча ўлган ва ярадор бўлганлар қавм-қариндошлари томонидан яширинча олиб кетилганидан расмий

¹ ЎзССР Давлат архиви, ф. 823, оп. 1, л. 373, 19-варақ.
² Уша жойда, 10—11-варақлар.

рўйхатга кирмай қолган, уларнинг номларини ҳам эъги-борга олинса, талафотнинг нақадар катта бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўзбекистон Давлат архивида ўша пайтдан қолган ҳужжатлар ичида Наманган қўзғолони қурбонлари ва ярадорларнинг рўйхати сақланган. Халқ озодлиги учун жон берган қаҳрамон қўзғолончилар орасида куйидаги наманганликлар бор: Абдужаббор Мухаммад Салимбоев, Юсуфбой Зойитбоев, Қосимбой Расулбоев, Ҳасанбой Йўлдошбоев, Мирали Абдуазизхўжаев, Мухаммадбек Юсуфбоев, Охунбой Давлатбоев, Абдукарим Мирзабоев, Қорабой Юсуп Суфиев, Фанимахсум Отабоев, Акромбой Иброҳимов, Абдуросиқхожи Расулбоев. Шу расмий рўйхатда ўлганлардан яна 2 кишининг номи аниқланмай — бири 35 ёшлар чамаси ва яна бирови 24—25 ёшли қора соқолли кишилар, деб кўрсатилган. Ярадор бўлиб бир неча кундан сўнг вафот этганлар орасида Хурматбиби Ниёзбоева, Боситхон Соқибоев, Исмоилжон Иброҳимбоев, Йўлдошбой Далабоев ва бошқаларни учрата-миз.

Наманган қўзғолонида қатнашиб ярадор бўлганлар орасида Қози Гузар маҳаллалик Умринисобити Алихонбоева, Давронтош маҳаллалик Раимбой Ёқуббоев, Суфи Қулбек маҳаллалик Абдураим Зокирбоев ва бошқалар бор.

Наманган қўзғолони актив қатнашчиларидан 84 киши ҳарбий суд жавобгарлигига тортилиб, «айбдорлар» турли жазоларга маҳкум этилди. Булар орасида қўзғолон пайтида ярадор бўлгани ҳолда қамоққа олинган баҳодирларни учратамиз. Уларнинг кўнчилиги шаҳар ва атроф қишлоқларнинг яланғоёқлари, камбағаллари; баъзи бирлари билан китобхонларимизни таништирамиз. Уларнинг бири Наманган шаҳар Абдурайизхон маҳаллалик дурадгор Абдурахмон Мухаммад Розикбоев. Шаҳар бош оқсоқоли Мулла Мухаммад Алихўжаев мустахлака маъмурлари номинга 1916 йил 11 июлда 743 рақамли ахборотида, шу Розикбоев қўзғолон ташаббусчиларидан бири эканлигини таъкидлаб, уни дарҳол қамаш кераклигини уқтирган эди. Розикбоев дарҳақиқат қўзғолонга бошчилик қилган халқ қаҳрамонларидан бири бўлиб, олинган сафда борди ва ярадор бўлишига қарамай чекинмади. Ярадор ҳолда у билан бирга қамоққа олинганлар орасида тўхувчи Мулла Дадабой Орифбоев, дурадгор

Акбарали Содиқбоев, хунармандлар Умарбой Отабоев, Парийбой Орифбоев, камбағал деҳқон Йўлдошбой Урдабоев, завод ишчиси Мухаммад Умар Далимбоев, нонвой Парлихўжа Тошхўжаев ва бошқалар ҳам бор эди.

Бошқа жойлардаги стихияли халқ ҳаракатлари сингари Наманган қўзғолони ҳам мустахлака қуролли кучлар томонидан босирилди. Лекин халқ ғазоби тобора оша борди. Бугун бу волость, эртага бошқаси бош кўтарди.

Наманган уездининг Капа волости қўзғолони ҳам 11 июлда бошланди. 300 дан ортиқ қўзғолончилар оломони волость бошқарувчиси маҳкамаси жойлашган Шўрқўрган қишлоғига тўланиб, волость бошқарувчиси Тожибойхўжа Жамолиддин Маъзумов, отлик полициячи Маннонов ва Бешкапа қишлоқ оқсоқоли Келдибой Эгамбергандхўжаев ва бошқаларга ҳужум қилиб, мардикорликка чақирув рўйхатларини беришни талаб қилди. Бу ерга қишлоқ ҳўжалиги рўйхатини олиш учун келган статистикларни мардикорликка олиш учун рўйхат тузувчилар, деб гумон қилиб, улардан ҳам чақирув рўйхатлари талаб этилди. Амалдорлар ҳар хил рўйхатларни халойиққа топширдилар. Лекин оломон тинчланмади ва қочиб кетиб яширинмоқчи бўлган волость бошқарувчисини тошбўрон қилиб ўлдириб юборди. Мустахлака маъмурлари томонидан қўзғолонни босириш учун юборилган ҳарбий қисмлар 11—16 июль мобайнида ҳаракатнинг актив ташаббусчиларидан 16 кишини қамоққа олди. Улар ичида Отамирза Бойбобохўжаев, Мухаммадали Маматқулов, Абдурахмон Мулла Мухаммадюсупов, Мухаммадонус уста Нурматов, Арслонбой Умурзоқов ва бошқалар бор эди.

Мустахлака маъмурларининг тўла бўлмаган маълумотларига қараганда, 11 июлда 22 жойда қўзғолон ва ғалаёнлар бўлиб ўтди. 12 июлда эса бундай воқеалар 41 жойда содир бўлди. Бу қўзғолонларнинг ҳаммасини бир китобда батафсил баён этиш қийин бўлганидан баъзи бир типик қўзғолонлар тўғрисида сўз юритамиз.

Қўқон уездининг Риштон волостида қўзғолончилар оломони уезд ҳокими К. Л. Мединский ва унинг соқчилари ҳамда волость бошқарувчиси Мулла Жамоловни қур-

1. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане, ҳужжатлар тўплами, 202—203-бетлар.



Абдуллахасан Хасанов — Андиджон уезд Олтинкўл волостъ, Дальварзин қишлоқ кўзғолони иштирокчиси (1956 йилда олинган фото)

шаб олиб хужум қилдилар. Соқчиларнинг узлуксиз отишлари натижасида оломон қурбонлар бериб орқага чекинишга мажбур бўлди.

Шу кунни Андиджон уездининг Олтинкўл, Балиқчи, Ербоши, Мойғир, Норин, Ҳаққулбод волостларида кўзғолонлар авж олди. Улардан мана бир мисол: Андиджон уездининг Избоскан участка пристави Орловскийнинг рапортига қараганда, Норин волостининг Хўжавот ва Полвонкўл қишлоқларидан тўдланган тахминан бир минг кишилик кўзғолончилар оломони Хўжавот жамоа оқсоқоли Мулла Сотиволди Абдуқодирхожиевнинг уйини ўраб олиб, ундан мардикорликка юборилувчилар рўйхатини беришни талаб қилди.

Ғалаён тобора зўрайиб бораётган вақтда Норин волостъ бошқарувчиси соқчилари билан етиб келиб, оломонни ўққа тутди ва ғалаённинг бош сабабчилари сифатида 8 кишини (Темирбой Абдусаматов, Жўланбой Мадраимқўрбоши, Муҳаммад Саид Мадаминов, Рашидберди Худойбердиев, Исмагулла Дийрбоев, Иброҳим Абдувалиев, Раимберди Бердиқулбоев ва Барот Одилбоевларни) қамоққа олди.

Скобелев уездининг кўзғолон кўтарган Шаҳрихон қишлоқ аҳолиси 50 казак-солдатдан иборат ҳарбий қисминини тошбўрон қилиб, бир неча солдатни ярадор қилди. Шиддатли тўқнашув натижасида кўзғолончилардан 16 киши ҳалок бўлди ва бир неча киши оғир яраланди.

Езёвон волостининг ҳамма қишлоқларида ялпи кўзғолон кўтарилди. Бу воқеалар муносабати билан Туркистон

¹ Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане*, хужжатлар гўллами, 199—200-бетлар.

тон генерал-губернаторининг махсус буйруғида Езёвон қишлоқларидаги халқ ҳаракатларининг сабабчилари ва унинг оқибатлари тасвир этилиб, «айбдорларга нисбатан оғир жазо чоралари белгиланган эди. Мана шу хужжатга кўра Езёвон аҳолиси мустамлака маъмурларига, волостъ бошқарувчиси, оқсоқоллар, соқчиларга қарши хужум қилиб, ҳамма ёқда тўс-тўполон чиқарган. Буйруқда кўрсатилишича, кўзғолон пайтида қамоққа олинган куйидаги 36 киши «давлатга хавфли жиний ғалаён» ташаббусчилари сифатида Туркистон ҳарбий-округ сўдига топширилган эди (бу рўйхат кўзғолон ташаббусчиларинигина эмас, балки халқ ҳаракатлари қайси қишлоқларда бўлганини ҳам кўрсатгани учун тўла берамиз).

Шаҳартепа қишлоғидан — Исҳоқали Мулла Отолиқов, Абдулатиф Маъзум Исҳоқалиев, Юсуфжон Муҳаммадаминов, Уста Тешабой Уста Муҳаммадризаев, Хайтбой Эрмуҳамедов, Тешабой Еркан Оқоев, Абдураззоқ Тошмуҳамедов, Муҳаммад Зайд Мамазоҳидов, Отажон Розикўв; *Чағаноқ* қишлоғидан — Султонали Юсуфалиев; *Хонобод* қишлоғидан — Ақбарали Исроилюев, Шермуҳаммад Холдорбоев; *Хамрон* қишлоғидан — Дадабобо Муҳаммадсўпов, Кўзи Орипов; *Езёвон* қишлоғидан — Саримсоқбой Ортиқбоев, Қирғизбой Қосимхўжаев, Ҳомидхўжа Мақсумхожиев, Азим қоровул Узоқбоев, Қодир Холмуҳамедов, Узоқ Муҳаммадсодиқов; *Каларик* қишлоғидан — Муҳаммадқобил Мулла Охунбоев; *Кўнриқбoши* қишлоғидан — Урмон Абдукаримов; *Ханузлар* қишлоғидан — Муҳаммад Исmoil Абдухошим Маъзумов, Муҳаммаджон Зоҳир Оқоев; *Хотинарик* қишлоғидан — Ҳайдарали қори Аҳмадалиходиев; *Жинчилар* қишлоғидан — Асмон Ази Акаев, Муҳаммаджон Булан Худойберди Хожиев, Қарим Турдибоев, Жўрабача Мирза Алибоев; *Кўргонча* қишлоғидан — Кенжа Абдукаримов, Мишополвон Ғойибназаров, Худойберган Соибназаров; *Лойсан* қишлоғидан — Абдуқосим Уста Қосимов, Мирзааҳмад Тиллабоев ва Марғилон шаҳридан — Маҳмудали Абдурахмоновлар¹.

Юқорида баён этилган кўзғолончиларнинг қайси жойлардан эканлиги маълум бўлса-да, уларнинг касблари тўғрисида хужжат тополмадик. Лекин бир волостда кўз-

¹ Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане*, хужжатлар гўллами, 242—244-бетлар.

голон туфайли бир йўла 36 кишининг жавобгарликка тортилиши (бунинг устига Туркистон генерал-губернаторининг буйруғида қўлга тушмаган, лекин ахтарилган яна кўп актив қўзғолончилар борлиги қайд қилинганини эътиборга олинса) қўзғолонларда кенг халқ оммаси иштирок этганлигини исботлайди.

Фарғона водийсида қўзғолонлар хануз давом этиб, 13—15 июлда кўп волость ва қишлоқларда халқ оломонларининг активлашгани аниқланади. Бу гал Андижон областининг Жалолқудуқ, Мойғир, Наманган уездининг Терговчи, Тўрақўрғон, Уйчи, Чадоқ волостлари, Қўқон уездининг Қудаш волости, Скобелев уездининг Оввал волостларидаги ҳаракатлар мингларча кишиларнинг иштирокида айниқса катта миқёсда бўлиб ўтди. Жалолқудуқдаги ғалаён вақтида халқ оломони Қизил-оёқ қишлоқ оқсоқоли Йўлдош Ҳасанбоев, Сўфи қишлоқ оқсоқоли Мулла Йўлдош Султонхожиев ва бу маъмурларни ҳимоя қилган Сафар Қосимхўжаев, Абдулқосим Содиқхожиев ва Носирхўжаларни ур-йиқит қилиб ўлдириб юборди. Қўзғолон ташаббусчилари қаторида айбланиб Туркистон ҳарбий-округ судига топширилганлар ичда Сўфи қишлоқлик Янгибой Мамарасулов, Қизилоёқ қишлоқлик Қўчқор Марам Ҳасанов ва Тўлан Каримсўфиевлар бор эди.

Туркистон генерал-губернаторининг буйруғига қараганда Терговчи волостидаги қўзғолонда Чиндовул, Терговчи, Қилич, Қорасув, Узуқишлоқ, Чумбиш, Озамтепа ва бошқа қишлоқлардан бир минг киши қатнашган. Улар приставга ва бошқа амалдорларга ҳужум қилганлар. Қўзғолоннинг актив қатнашчиларидан 50 киши (Қорабой Бойбобоев, Дадабой Юнусов, Аҳмад Дадабоев, Қўлмат Қурбонқўлов, Абдулла Юсуфбоев ва бошқалар) ҳарбий судга топширилган эди. Чадоқдаги қўзғолон кўтарган аҳолидан эса 90 киши волость бошқарувчиси Мулла Ғози Худойбердиевни ва бошқа 6 маъмурни тошбўрон қилганлари учун ҳарбий суд жавобгарлигига тортилган эди¹.

17—18 июлда 7 жойда (Наманган уездининг Ашт ва Олмазор волостларида ва бошқа жойларда) қўзғолонлар бўлиб ўтди.

¹ Терговчи ва Чадоқ волостлари қўзғолонларида актив қатнашиб, мустамлакачилар томонидан қамалгачиларнинг тўла рўйхати ҳужжатлар тўпламининг 245—247-бетларида босилган.

Мустамлака маъмурларининг расмий маълумотларига қараганда Фарғона водийсидаги 17 жойдаги қўзғолонларда ҳарбий қисмлар билан қонли тўқнашувлар бўлиб, натижада икки томон, айниқса аҳоли кўп талафотлар берган. Бу расмий маълумотлар қўзғолончилардан 56 киши ўлдирилган, 109 киши ярадор қилинган, ярадор бўлганлардан эса 28 киши ўлганини билдиради. Лекин бу рақамлар камайтириб кўрсатилганини мустамлака маъмурлари эътироф қилганлар. Масалан, Фарғона область ҳарбий губернатори, ғалаёнларда ўлган ва ярадор бўлганларнинг кўпчилиги аҳоли томонидан яшириб, тез фурсатда жанг майдонларидан олиб кетилганидан аслида қанча талафот берилганини билиш қийин, деб ёзган эди.

Қўзғолонлар давомида Фарғона водийсида маҳаллий маъмурлардан 34 киши ўлдирилди. Булардан 8 таси волость бошқарувчилари, 11 — қишлоқ оқсоқоллари, 5 — элликбоши, 8 таси қуролли соқчи ва қозилар эди. Маҳаллий амалдорлардан кўп киши ярадор қилинди. Бу ажалларни ҳол эмасди. Гап фақат маҳаллий маъмурларнинг подшонинг мардикорликка олиш тўғрисидаги фармони бажарувчилар сифатидаги айбларигагина эмас. Аввало улар бой табақаларнинг вакиллари — катта ер эгалари, судхўрлар эдилар. Меҳнаткаш халқ улардан кўпдан бери жафо чекарди. Мустамлака маъмурларининг содиқ малайлари бўлган волость бошқарувчилари, мингбоши, элликбоши, оқсоқол, қози ва бошқалар шаҳар ва қишлоқ меҳнат аҳлини ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий асоратда сақлаган шахслар эди. Шунинг учун ҳам қўзғолон кўтарган аҳоли бу разил муштумзўр кишиларга нафрат ва қаҳр-ғазаб билан қараганлари ва уларга қарши барча чоралар билан курашганларини кўрамиз.

Юқоридаги сабабларга мувофиқ қўзғолонларда маҳаллий маъмурларга қарши кураш деҳқонларнинг феодадаларга қарши синфий кураши билан боғланиб кетди.

Андижон уездининг Чекофтобачи, Донқайма, Миробод, Чоқан ва бошқа ерларида бўлиб ўтган қўзғолонларда феодааллик зулмига қарши ҳаракат характери айниқса аниқ кўринади. Масалан, Чуама қишлоғи қўзғолончилари фақат оқсоқол ва элликбошиларга қарши ҳужум қилиш билан чегараланмай, бойларнинг уйларига босиб кириб, уларнинг мол-мулкани тор-мор қилдилар. Чунончи, улар катта ер эгаси Каримбой Турақуловнинг

уйига бостириб кирганлар ва унда яшириб қўйилган қарздорлик ҳужжатлари — қарздор деҳқонлар билан тузилган векселлар ва васиқаларни толиб олиб, ёндириб юборганлар. У участка пристави Мельниковнинг 13 июлда Андижон уезд ҳокимига юборган рапортига қараганда, Чуама қўзғолончилари биргина Қаримбой Тўрақулов уйдан 200 минг сўмлик қарздорлик ҳужжатларини топиб ёндиришган.

Халқ ҳаракатлари феодалларга қарши кураш тусини ола бошлаганлигини Булоқбоши волость Чақар қишлоқ оқсоқоли Назарболги Маҳамад Аминовнинг Фарғона область ҳарбий губернаторига ёзган арзномасидан ҳам сезиш мумкин. Аминов Чақар аҳолиси қўзғолон қилиб, унинг уйига бостириб кирганини мана бундай тасвирлайди: «Менинг уйим ва ундаги мол-мулкларим бутунлай тор-мор қилинган, шунинг билан бирга 3 таноб узумзорим барбод этилган, уйимдаги 15 минг сўм нақд пул, 10 минг сўмлик ҳар хил қарз васиқалари ва 30 минг сўмлик ер ҳужжатлари ва бундан ташқари, 10 минг сўм миқдордаги уй жиҳозларим йўқ қилинган...». Халойиқ оқсоқолни ўлдирмоқчи бўлганида, у яширинча қочиб кетган, унинг юқориде келтирилган аризасида оқсоқоллик вазифасидан воз кечшга мажбур бўлгани баён этилади.

Фарғона область ҳарбий губернатори А. И. Гиппиус 18 июлда ҳарбий министрликка телеграмма юбориб, маҳаллий маъмурлар аҳолининг жазосига дучор бўлишдан қўрқиб ҳар томонга қочаётганликларини хабар қилди. «Содир бўлаётган воқеалар натижасида, деб ёзди А. И. Гиппиус, аҳволнинг янада кескинлашув хавфи турлиди... Фарғонада ўн йиллик хизматим тажрибаси асосида билишимча аҳолининг юқори табақаси бизга садоқатни сақламоқда, лекин унинг ғалаён кўтарган қора халққа таъсир кўрсагадиган кучи ва воситаси йўқ». Губернатор халққа қарата мурожаатнома чиқариб дарҳол тинчлашни, агар ҳаракат давом қилгудек бўлса жуда қаттиқ жазо чоралар кўрилишини таъкидлади. А. И. Гиппиус қўзғолон кўтарган қишлоқларни, шаҳарлардаги маҳалларини ер билан яқсон қилиб бузиш, деҳқонларнинг ерларини мусодара қилиш каби чоралар кўрилиши лозим бўлар, деб ҳисоблади¹.

¹ «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане», ҳужжатлар тўплами, 207-бет.

Андижон уезд ҳокими И. А. Бржезицкий область губернаторига 1916 йил 22 июлда юборган рапортида имтиёзли табақаларнинг халқ ўртасида таъсири бутунлай йўқолганини эътироф этади. «Маҳаллий маъмурият, деб ёзган эди у, Олтинкўл волость бошқарувчиси Ҳакимбек Мулла Рўзибеков, унинг икки соқчи йигити, Қизилоқ қишлоғи оқсоқоли Йўлдош Ҳасанбоев ва бир неча элликбошиларнинг ўлдирилганидан кейин шу қадар кўрқиб қолдики, аҳолини идора қилолмай ожиз бўлиб, халқ ғалаёнлари тўғрисида тамом беҳабар бўлди. Ҳозирги пайдада маъмурият ҳатто бу халқ ғалаёнларига қимлар раҳбарлик қилаётганини аниқлаш имкониятига ҳам эга эмас». Бу гаплардан қишлоқ ҳаёти бир қанча вақтгача халқ ҳаракати таъсирида бўлгани, маҳаллий маъмурият ҳукуматига катта путур етгани кўринади. Бунга яна бир неча исботлар келтирамиз. Учқўрғон қишлоқ оқсоқоли қўзғолончилар қувғинидан қўрқиб Избосканга қочган. У участка приставига келиб, ўз муҳрини тоширган ва Учқўрғонга қайта олмаслигини, агар қайтгудай бўлса уни халойиқ уриб ўлдирishi аниқ эканлигини билдирган!

Маҳаллий амалдорларнинг халқ қаҳр-ғазабидан саросимага тушганлигига яна бир қизиқ факт келтирамиз. 12 июлда Андижон уезд Норин волостининг Чуджа қишлоқ аҳолиси қўзғолон кўтарди. Қўзғолончилар қишлоқ оқсоқоли Комилбековни ўлдирмоқчи бўлиб ахтарганлар. Бундан бохабар бўлган оқсоқол бировнинг аравасида пахта қолига яшириниб олгани ҳолда қочган. У Норин дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб яширинмоқчи бўлганда яна қўзғолончиларга дуч келиб қолган. Эси чиқиб кетган М. Комилбеков дарров устки кийим-бошиларини ечиб, гўё подачи сифатида бировнинг ситирбузони ортидан кетган. Сўнгра пахта ғарамига яширишиб, кечаси Ҳаққулобод томон йўл олган. Бу ерда ҳам тинчлана олмаган оқсоқол эртаси яна бировнинг аравасида қолга тушиб яшириниб, Қойқи қишлоғига келган ва участка пристави паноҳида ўз жонини сақлашга эришган.

Мана шунга ўхшаш воқеалар ҳақида Избоскан участка пристави Орловский Андижон уезд ҳокимига

¹ «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане», ҳужжатлар тўплами, 197-бет.

юборган рапортида ҳамма қишлоқларда қўзғолон кенг қулоч ёйганлиги сабабли маъмурлар жуда қаттиқ саросимага тушганлигини эътироф қилиб ёзади. «Умуман, деб кўрсатган эди Ерловский, ҳамма қишлоқларда кайфият муҳиш. Амалдор шахслар аҳолидан шу қадар яшириниб олганларки, уларни энг яқин қариндошлари орқалигина қаерда яшаётганини билиш мумкин. Баъзи амалдорларнинг қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди».

Қўзғолонлар жуда кенг қулоч ёйиб, мустамлакачилик системасига катта зарба берганлигидан мустамлака маъмурлари саросимага тушди. Қўзғолонлар авжга чиққан пайтда Фарғона область губернатори генерал А. И. Гиппиус Ҳарбий министрликка телеграмма юбориб: «Жуда тез ривожланаётган воқеалар янада кескин тус олиши мумкин бўлган аҳвол рўй берди» деб хабар берганлиги бежиз эмас эди. А. И. Гиппиус қўзғолонларни бостириш учун Ҳарбий жазо чоралари билан бирга найранглар ишлатиб халқни алдади, омманинг диққатини бошқа ёққа буриш йўлига ўтди. У Фарғона аҳолисига қарата янги эълонома чиқариб, мардикорликка мажбурий қақриш ўтказилмайди, бу тўғрида ҳеч қандай нарядлар йўқ, аҳолидан фақат кўнгилдиларгина мардикорликка юборилади, деб билдирди. Бу эълонома аслида лодшо фармониини бузишдан иборат бўлса-да, лекнин халқ қўзғолонини бостириш учун ўзига хос бир маневр эди. Дарҳақиқат кўп содда кишилар эълономага ишондилар.

Халқ ҳаракатининг авж олишига қарши Фарғона губернатори яна бир ҳийла-найранг ишлатди. 23 июлда генерал Гиппиус Наманган бош мачитига келиб, бу ерга тўлланган аҳоли олдига «мусулмон» руҳоний ваъзчиси сифатида иш кўрди. У «ҳокимларга бўйсуниб кераклиги қўрьонда ҳам айтилган» деб тушунтирмоқчи бўлди. Бу тўғрида А. И. Гиппиус ўз хўжайинларига бундай деб изох берган эди: «Маҳаллий мусулмон олимлари билан 10 кун гаплашиб бирон натижа бўлмагандан кейин, ниҳоят мен уларга... муллаларсиз ҳам ўзим қўрьонда ҳозирги мардикор олишга қарши ҳеч гап йўқ деб аҳолига тушунтираман ва ҳокимларга бўйсуниб кераклиги

¹ Востание 1916 года в Средней Азии и Казахстане*, хужжатлар тўплами, 198-бет.

тўғрисидаги қўрьон оятларини ўқиб бераман, дедим»¹. Шу фикрни аманга ошириш учун Гиппиуснинг топшириги билан Наманган руҳонийлари қўрьондан бир неча оятларни унга танлаб бердилар. Наманган мачитида юзлаб кишилар йиғилди. Ваъзчи генерал учун баланд бир жой тайёрлаб қўйилган эди. Область Ҳарбий губернатори генерал Гиппиусга имомлар чопон кийгизишди, бошига салла ўрашди. Унинг олдига етолга қўрьон қўйилди. Ана шундай масхарабозлик билан «мусулмон руҳоний» тусини олган Гиппиус қўрьон оятларини аҳолига ўқиб, тушунтириб, ҳокимларнинг буйруғига итоат этиш «ҳам қарз, ҳам фарз» эканлигини ўқтирди.

Юқорида баён этилган ҳодиса халқ қўзғолони кескинлашиб, мустамлака маъмурлари катта ваҳимага тушгандан далолат беради.

А. И. Гиппиуснинг мардикорликка қақришнинг ихтиёр эканлиги тўғрисидаги эълонома ва мусулмон руҳонийси сифатида чиққиши лодшо ҳукуматига ёқмади. У ўзбошимчалик қилиб «давлатнинг обрўсини кетказиш»да айбланиб Фарғона область Ҳарбий губернаторлиги вазифасидан бўшатилди ва Петроградга қақриб олиниб, полковник П. П. Иванов вақтли Ҳарбий губернатор этиб тайинланди. Иванов қўзғолончиларга қарши жазо чораларини кучайтирди. Лекнин мардикорликка сафарбарлик ҳамон барбод бўлмақда эди. Августда Наманганнинг Чортоқ волостида, Андижон, Уш уездларида айниқса катта ғалаёлар бўлди.

Қўзғолонларнинг зўрлиги муносабати билан чор ҳукумати Туркистон ўлкасида мардикорликка олиш муддатини 1916 йил 15 сентябргача кечиктирди. Бу талбир халқ ҳаракатининг кучли таъсири натижаси эди. Шунинг учун ҳам Туркистон оҳранка бўлими бошлигининг 1916 йил 18 августдаги 3559-сонли махфий ахборотида қўйидагилар эътироф этилганди: «Ўлка маҳаллий аҳолиси мардикорликка сафарбар қилишни 15 сентябргача кечиктириш тўғрисида Олий фармойиш эълон қилингандан сўнг Фарғона область сартлари ўртасида: рус ҳукумати, сартлар томонидан чиққан тартибсизликлар — ғалаёнлардан қўрқиб ва ташишланиб, ён беришга мажбур бўлди, шунинг натижасида ушбу фармойиш келиб чиқди, аслида эса мардикорликка қақриш

¹ «Красный Архив», 2(75)-том, 1936, 190-бет.

фармони амалга оширилмайди; агар шунга қарамай мардикорликка олинган бўлса яна қаршилик кўрсатиш керак, ана шундагина улар сартларни тинч қўйишар, деган гап-сўзлар бошланди...» Охранка бўлимининг бошлиғи яна: «Ҳозирги пайтда аҳолининг кайфиятидаги исбий осойишталикдан аҳоли тинчиган деб хулоса қилиб бўлмайди, чунки халқ галаёнлари давом этмоқда» деб ёзган эди.

Шундай қилиб, июль-август ойларида бутун Фарғона водийсини ўз гирдобига олган қўзғолонлар меҳнаткаш аҳолининг тобора ўсиб борган революцион-озодлик кайфиятидан дарак берарди.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАГИ БАЪЗИ ҚЎЗҒОЛОНЛАРГА ДОИР

1916 йил қўзғолони Туркистон генерал-губернаторлиги маркази Тошкент ва Сирдарё областида ҳам июлда кескин формада бошланиб, сентябргача давом этди. Сирдарё области 1916 йилда Тошкент, Авлиёота, Казалинский, Перовский, Черняевский уездлари ва Амударё бўлиמידан иборат (ҳозирги Ўзбекистоннинг Тошкент, Сирдарё областлари, Қорақалпоғистоннинг кўп қисми, Жанубий Қозоғистонни ўз ичига олган) катта территорияни эгаллаган эди. Бу китобда биз асосан Сирдарё областининг Тошкент уезди ва Амударё бўлимида бўлиб ўтган халқ ҳаракатлари устида сўз юритамиз.

Мустамлака маъмуриятларининг 1916 йил қўзғолони давомида олиб борган ҳисоботларига қараганда, Тошкент уездининг 36 районида (Тошкент шаҳар, волостлар ва қишлоқларда), Амударё бўлимининг 6 волостида қўзғолонлар бўлиб ўтган (улар ҳақида қисқа маълумотлар китобнинг сўнгги қисмидаги қўзғолон хронологиясида берилган); Сирдарё областида халқ ҳаракати бошқа областлар сингари подшоҳнинг мардикорликка олиш тўғрисидаги 25 июль фармони эълон қилингандан кейинги дастлабки кунлардаюқ бошланди.

Тошкент эски шаҳарининг солиқ полицмейстери Сирдарё области бошқармаси маслаҳатчиси Н. Я. Колесниковнинг эътирофига кўра, мардикорликка олиш тўғрисида хабарни эшитган Тошкент эски шаҳар аҳолиси

: Ўзбекистон Тарих музейи архиви, д. II, 10—31.



Фулум Камолов — Тошкент қўзғолонида иштирок этган
(1916 йилда олинган фото)

фармонни бажармаслик ва мардикор бермасликка аҳд қилган.

7 июлда Тошкент шаҳар бошлиғи Кочан Шайхантовур мачити ҳовлисига маҳаллаларнинг элликбошилари-ни йиғиб, Тошкент эски шаҳардан 7 минг мардикор олиншини эълон қилган. Ваҳоланки, маъмурлар маҳаллаларга бўлиб берган нарядларида 12 минг кишини мардикорликка олишни мўлжаллаганлар. Бу хабарлар эски шаҳар меҳнаткаш аҳолисининг ғазабини қўзғатди. Мана шу шароитда аҳолини қўзғолонга ундовчи ташаббускорлар иш олиб борди. Юқориде айтилган Колесниковнинг гувоҳлигига қараганда Шайхантовур мачити ҳовлисига йиғилган аҳоли олдида кимдир сўзга чиқиб «мардикор бермаслик керак» деб ташвиқ қилганида халойиқ уни олқишлаб қарши олган¹. Яна шу полицмейстер Баланд мачит маҳалласида яшаган шаҳар дорихо-

¹ Восстане 1916 года в Средней Азии и Казахстане*, хуж-жатлар тўплами, 271-бет.

наси фармацевти Мусахон Мирзахонов ҳам аҳоли ўртасида мардикор бермаслик тўғрисида ташвиқот тургизганини ёзади.

Шу пайтда Тошкент аҳолисининг Самарқанд ва Фарғона областларида бошланган қатта қўзғолонлардан хабардор бўлиши бу ерда ҳам қўзғолонни тезлатди. Мустахлама маъмурулари бу хавфли вазиятни ўзгартириш учун элликбоши, қози ва бошқа мартабали бой табақаларни 11 июль эрталаб соат 11 га эски шаҳар полиция бошқармаси¹ ҳовлисига йиғилишга чақиради, унда Сярдарё область ҳарбий губернатори генерал-лейтенант А. С. Галкиннинг мардикорликка олиш ҳақидаги сўзини эшитиш мўлжалланган эди. Лекин тайинланган мажлис вақтидан бир соат чамаси илгари эски шаҳарнинг 4 даҳасидан (Бешөгоч, Шайхантовур, Кўчча ва Себзор) қўзғолон кўтарган оломон полиция бошқармаси ҳовлисига бостириб кира бошлади. Тез орада бу ерга 3 мингдан кўпроқ киши тўпланди. Оломоннинг биринчи сафларида аёллар турарди. Ҳар қаёқдан «Бо-ларимизни мардикорга юборгандан кўра, шу ерда ўлганимиз яхшироқ!», «Мардикорликка бормаймиз», «Ҳўмдорларга ўлим!» деган қичқиринқлар эшитилди. Полиция бошқармасидаги соқчи қоровуллар оломонни тинчлатмоқчи бўлганда қўзғолончилар томонидан топ-бўрон қилинди. Қўзғолончилар баъзи қоровулларнинг тўппончаларини тортиб олдилар. 4-даҳа пристави Мочалов, 3-даҳа пристави Харчев ва полиция бошқармаси секретари Трентовиуснинг оломонга дўқ қилишлари ҳам пучга чиқди. Оломон уларга қарши ҳужум бошлади.

Қўзғолон давомида халқ ичидан ҳақиқий ташаббускор раҳбарлар етишди. Булар орасида меҳнаткашлардан Йўлчи Иброҳимов, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, Ғулом Камолов, Раҳимберди Икромов, Мақсум Қурчибоев, Очил Бобононов, Ғулом Юсуфжонов, Абдурахмон Мулла Ҳақимов, Қобул Мирсолиҳов, Азиз Мусабоев ва бошқалар бор эди. Йўлчи Иброҳимов Тошкентдаги 1916 йил қўзғолони ҳақидаги хотираларида бир қанча маълумотлар берган. Шу жумладан, у 1936 йилда Ўзбекистон Марказий Ижрония Комитети Раиси Йўлдош Охун-

¹ Собиқ Тошкент эски шаҳар полиция бошқармасининг биносига ҳозирги Олмазор маҳалласидаги сил касалига қарши 2-диспансер жойлашган.

бобоев ҳузурида қўзғолоннинг йиғирма йиллиги муносабати билан ўтказилган маросимда сўзлаб қуйидагиларни эслаб ўтган эди! «Биз Жарариқдаги бойларнинг завод-ларига ишлар эдик. Мардикор олиш сўзини эшитиб, 9 заводнинг ишчилари қўзғолон қилмоқчи бўлиб тайёрлик кўрдик. Эрталаб Тошкентдаги ҳамма халқ Олмазордаги полиция идорасига тўплана бошлади. Мен вақтлироқ бориб аҳволни билмоқчи бўлдим. Эшикда Мочалов турарди. Туппа-тузук кийинган бир чол Мочаловга таъзим қилиб турибди. Мен панжара орқасида ҳеч нарса билмас бўлиб турдим. Ҳалиги чол Мочаловга халқ қўзғолон қилиб келаётганини айтди. Балсам бу чол машҳур Ғийёқори дўма — Иброҳимхोजилар томонидан юборилган жосус экан. Шу пайтда оломон ҳам келиб қолди».



Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев — Тошкент қўзғолонида иштирок этган (1916 йилда олинган фото)

¹ Қўзғолоннинг 1936 йил қўзғолони қатнашчилари ўртоқ Охунбобоев ҳузурида деган мақоласига қаралсин.

Сўнгра Иброҳимов бошқа кўзғолончилар билан бирга ҳалиги жосус чолни ўлдириб юборишгани ва полиция ходимларига қарши ҳужум бошлаганликларини айтади. Йўлчи Иброҳимов яна бошқа бир эсдалигида, элликбоши ва қозилар халқ ғазабидан қочиб кетаётганида уларнинг ҳам тошбўрон қилинганини ёзган¹.

Кўзғолончилар тошбўрони нагижасида Тренговиу-нинг боши ёрилди. Полиция ходимлари зўр қийинчиликлар билан бошқарма биносига яшириниб, эшик ва деразаларни маҳкам бекитиб олдилар. Шу йўсинда улар кўзғолончилар қамалида қолдилар. Бошқарманинг кечки соқчи қоровули Мираҳмадшо Мирақбаршоев полиция ходимларининг ёнини олгани учун оломон уни отиб ташлади.

Полиция ходимлари кўзғолоннинг бошидаёқ телефон орқали Сирдарё область бошқармасига хабар бериб ёрдам сўраган эди. Область бошқармасига Себзор даҳа қозиси Саидмахмудхон Саидмуҳитдинхўжаев келиб, эски шаҳарда халқ кўзғолон бошлаганини хабар қилган эди. Бу хабарни эшитган область бошқарма маслаҳатчиси Н. Е. Колесников шу қозининг фазтонини олиб бир неча солдатлар билан эски шаҳар полиция бошқармасига шопилниқ жўнади. Колесников ўқчи маҳалласидаги Иванов заводи² олдидан ўтаётиб кўп кишилар полиция бошқармаси томон кетаётганликларини кўрди. Бошқармага яқин жойда эса кишиларнинг дод-фарёдини эшитди. У тўппончасини яланғочлаб баланд кўтариб, ҳеч қимни аямаслигини кўрсатмоқчи бўлди. Колесников полиция бошқармасига етиб келганида бу ердаги панжалар батамом бузилгани, бошқарма саҳнида уч минг киши йиғилганини кўрди. «Мен, деб ёзган эди ана шу Колесников ўз гувоҳлик баёнотида, казак солдатлар билан бирга бошқарма биносига томон силжидим. Халойиқни тинчитмоқчи бўлсам, ҳеч ким менга қулоқ солишни истамади. Мен казакларга оломонни бошқарма биноси олдидан қамчилаб четлатишни буюрдим. Лекин тез орада оломон солдатларнинг қамчиларини тортиб

¹ 1916 йил кўзғолондан 20 йил ўтгандан сўнг бу хотиралар шубҳасиз тўла ва аниқ бўлмайди. Лекин шу камчиликларга қарамастан кўзғолон қатнашчиларининг эсдаликлари маълум тарихий қимматга эга.

² Собиқ Иванов заводи ўқчи маҳалласида бўлиб, ҳозир бу жойда 3-пиво заводи ишлайди.

олиб ҳужумга ўтди. Шу пайт қилч билан қуролланган бир сарт менга томон талпинганини кўрдим. Тўппончам билан дўқ урсам ҳам бўлмади ва сарт қилч яланғочлаб менга яқин келди. Менга икки қадам масофа қолганда уни отиб ўлдирдим¹. Колесниковнинг бу хагги-ҳарака-ти омманинг ғазабини янада оширди. Оломон «Ур-ўд-ғолончиларнинг олдиги сафидаги аёллар қўлларидаги таёқлари билан Колесников ва унинг солдатларини кал-таклаш учун уларга ҳужум қилдилар. Улардан бири Рузвонбиби Аҳмаджонова: «Сенларга ўлим берсин, ба-рибир болаларимизни мардикорликка бермаймиз, отсанг отақол!» деб кўрагини очиб, ташланди. Солдатлар ўқи-дан у оғир ярадор бўлди. (Рузвонбиби Аҳмаджонова эртаси куни касалхонада ўлди.) Кўзғолонда актив иш-тирок этган казак солдатларнинг ўқлари ҳимоясида Ко-лесников зўр-базўр бошқарма биносига кириб, жонини сақлаб қолди. У дарҳол область губернаторига телефон қоқиб, жуда ҳам хавфли аҳвол рўй бергани ва полиция бошқармасидаги қўшимча ҳарбий кучлар билангина кўзғолонни бостириш мумкин эмаслигидан, тезлик билан ҳарбий қисмлар юборилишини илтимос қилди. Худди шу пайт бошқарманинг телефон симлари кўзғолончилар то-монидан узиб ташланди. Бироқ бу энди кеч эди. Янги шаҳардан ҳарбий қисмлар юборилган эди. Ҳарбийлар етиб келганга қадар кўзғолончилар оломони полиция идорасини тошбўрон қилиб, ойналарни синдириб ичка-рига киришга ҳаракат қилди. Хоналарга беркиниб олган полиция ходимлари ва казак солдатлар оломонга ўқ узди. Кўзғолончилар сафидан Абдусаммад Абдусатор-хўжаев, Мулла Абдуқодир Солимуҳамедов, Хайтбой Ҳасанбоев, Шоноус Абдуқодиров ва Сайрамбой Неъма-тов ҳалок бўлди. Бир неча киши (Уста Одил Олимбоев, Шукуржон Зоқиржонов, Мулла Олим Файзиевлар) оғир яраланди². Шундай талафотларга қарамай кўзғо-лончилар тошбўронни тўхтатмадилар. Бу тўғрида поли-ция пристави А. Мочаловнинг 1916 йил 11 июлда ёзган рапортидан қуйидаги тафсилотларни ўқиш мумкин: «Полиция бошқармасига бостириб киришга уринган оло-

¹ «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане», ҳуж-жағлар тўплами, 269—270-бетлар.

² Уша жойда, 263—266, 267—272-бетлар.

мон бизни икки соат чамаси қамалда тутиб, уйларнинг ойналаридан гишт ва тошлар отишда давом этди. Оломонга қарата бир неча мартаба ўқ узишга тўғри келди».

Аҳвол жуда жиддийлашган пайтда Тошкент шаҳар бошлиғи С. О. Кочан 26 полициячи городовойни фазгонларга ўтказиб полиция бошқармасига етиб келди. «Полиция бошқармасига келганимда, — деб ёзган эди Кочан, — аёллар ва эркаклардан иборат улкан оломонни кўрдим. Полиция бошқармаси ҳовлиси ва атроф кўчалар халқ билан лиқ тўлган. Жуда катта оломон бир неча минг кишидан иборат бўлиб, улар орасида ўлган ва ярадорлар бор эди». Тошкент шаҳар бошлиғи ўзи бошлаб келган городовойлар билан бирга қанча уринсалар-да оломонни босолмади. «Ур-ур!», «Золимларга ўлим!» садолари узоқ-узоқларга эшиниларди.

Ниҳоят қамалдаги полиция маъмурларига мадалга подполковник Савицкий қўмондонлигида прапоршиклар ротаси шайланиб етиб келди. Лекин халқ оломони ҳарбий қисмдан кўрқмай, аксинча уни ҳам тошбўрон қила бошлади. Колесниковнинг гувоҳлигига қараганда, қўмончилар прапоршикларга тажовуз қилиб, қуролларини тортиб олишга уринган. Кейинчалик қўзғолон ташаббусчилари устидан ўтказилган ҳарбий суд (1916 йил 29 июль) айбномасига қўра Фулом Камолов, Олим Ёқубов, Маҳмуд Мирсоатов, Фулом Юсуфжонов, Йўлчи Иброҳимов, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев ва бошқалар оломонга бош бўлиб «Полициячиларни, солдатларни ури!» деб даъват қилган ва биринчи бўлиб тошбўронни бошлаб берган. Тошбўрон натижасида бир неча прапоршик (Черевичко, Преображенский, Кожанов ва бошқалар), шаҳар (городовой) полициячиларидан Соиб Исмоилжонов, Телов Мулла Эшмухамедов, Комил Магкаримов, Иноғом Рўзибоев ва Ашур Асановлар ярадор қилинди.

Бироқ ҳарбий қисмнинг ялли ўт очиши билан оломон талафотга учраб орқага чекинди. Лекин халқ тинчланмади. Сирдарё область бошқарма маслаҳатчиси Колесниковнинг гувоҳлик материалларига қараганда ҳарбий қисм ўт очиб оломонни тарқатаётган пайтда ҳам орқа

¹ Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане, Хужжатлар тўплами, 263—264-бетлар.



Тошкент қўзғолонида иштирок этган аёллардан бир гуруҳи (1936 йилда олинган фото)

томондан «Бари бир мардикор бермаймиз!» деган товушлар эшитилиб турди. Оломоннинг бир қисми эса, деб ёзган эди Колесников, полициячи «Миркомилнинг оиласини ўлдири!» дея Бешёоч дарвозаси томонга отилди.

Қўзғолонда ҳаммаси бўлиб халқ оломони сафидан 11 киши ўлди, 15 киши ярадор бўлди. Ярадор бўлганлардан қуйидагилар қўзғолонда актив иштирок этган, солдатлар ва полициячиларни тошбўрон қилганликда айбланиб қамоққа олинган ва суд жавобгарлигига тортилган эди: Уста Одил Олимбоев, Охунбобо Абдуллаазиз Муҳамедов, Мулла Олим Файзибоев, Пулат Мирисаев, Шокир Камолов, Эрназархўжа Икромбоев, Абдуғаффор Абдуқафоров, Пўлатхўжа Шоматунхўжаев, Эргашбой Махамадрасулов, Сайфитдин Шогнёсов, Мирсоат Уста Пайзисўфиев, Мулла Содик Сидиққориев ва Зухрабнби Мусамуҳамедовалар.

Лекин юқорида айтилган чор ҳарбий суди айбномасига қараганда, ярадор Мулла Содик Сидиққориев айбдор сифатида дастлабки тергов вақтида 1916 йил 19 июлда турмада вафот этган. Жавобгарликка тортилган ярадор Зухрабнби Мусамуҳамедова эса дастлабки

тергов бошлангунга қадар қочиб яширинган ва полиция уни тополмаган.

Ярадор бўлган кўп кўзғолончилар яширинганлари учун умуман полиция рўйхатига тушмаган. Бундай ярадорлар ўз уйларида махфий равишда даволанганлар. Буларнинг баъзиларини рус докторлари даволаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни биламиз. Шундай ажойиб докторлардан бири М. П. Стец эди. У кўп ярадорларни, шу жумладан юқорида айтилган ярадор кўзғолончи аёлни яширишда даволаган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1936 йил 23 июлдаги қарорига кўрсатилишича М. П. Стец Тошкентдаги 1916 йил июль кўзғолонининг актив қатнашчиларидан бири деб тасдиқланади. Қарорда мана бундай сўзлар ёзилган: «М. П. Стец—врач, 72 ёшда. 1916 йилда у ярадор бўлган кўзғолончиларга дастлабки ёрдам берган. Уртоқ Стец Зухрабининг ҳаётини сақлабгина қолмай, унинг қаерда эканини жандармлардан яширган. Ҳозир ўртоқ Стец меҳнат инвалиди. У Полторацкий кўчаси, 19-уйда яшайди»².

Тошкент кўзғолони кўшимча ҳарбий кучлар ёрдамида шафқатсиз бостирила бошлади. Кўплаб қамоққа олинган кўзғолончилар устидан фавқулодда ҳарбий суд ўтказилди. Суднинг ҳукми билан кўзғолоннинг актив ташаббусчиларидан этикдўз Абдурахмон Қайюмсуфиев ва қора ишчи Мирқосим Шомухамедов осиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Ишчилардан Тожибой Юнусхўжаев, Ғулом Қамолов, Йўлчи Иброҳимов, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, камбағал деҳқон Муродхўжа Маҳмудалихўжаев, шунингдек Еқуб Муроджабоев ва бошқалар узоқ муддатли каторга ёки турма жазосига ҳукм этилди.

Тошкентда 11 июль кўзғолони бостирилишига қарамай халқ тинчланмади. Мустамака маъмурлари ва уларнинг малайлари — маҳаллий элликбошиларнинг аҳолини подшо фармонига бўйсундириш учун уринишлари натижа бермади. Тошкент эски шаҳарининг 64 элликбошиси Туркистон генерал-губернаторига илтимоснома (прошение) ёзиб, шаҳар маҳаллий аҳолиси «биронга

¹ "Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане", ҳужжатлар тўплами, 281—286-бетлар.

² Ўзбекистон Компартияси МҚ ҳузуридаги Партия тарихи институту архиви, ф. 499, оп. 1, д. 147, 6-варақ.

ҳам мардикор бермаймиз»¹ деб бир оғиздан қатъий тўриб олганликларини хабар қилишганлиги бежиз эмас эди.

Туркистон генерал-губернаторлиги марказида бўлиб турган халқ ҳаракати Сирдарё областининг ҳамма уездлари — Тошкент, Авлиеота, Қазалинский, Чимкент, Перовский уездларига ва Амурдарё бўлимига катта тасир этиб, халқ кўзғолонларини тезлаштирди.

Мустамака маъмурлари мардикорга сафарбарлик тўғрисидаги подшо фармонининг бажарилиши мажбурий эканлигини ва ундан бош тортилса жуда қаттиқ жазо чоралари кўрилишини аҳолига тушунтириш учун волостларни изғиб юрдилар. Шунинг учун улар волостларда мажлислар чақириб, унга маҳаллий маъмурлардан ташқари қишлоқ аҳолиси вакилларини ҳам йиғдилар. Масалан, 12 июлда Хонобод участка пристави Янгибозор қишлоғига Жалолтепа, Хитойтепа, Қўшқўрган ва Еттикент волость аҳолисининг вакиллари ва элликбошиларни тўплади. Пристав подшо фармонини бажариш тўғрисида сўзлади. Бироқ халойиқ унинг гапини бўлиб, «Мардикор бермаймиз!» деб туриб олди. Келгуси куни пристав яна мажлис чақириб, фармоннинг сўзсиз бажарилишини элликбошилардан талаб қилди. Мен, деди у, учун мажлис мардикорликка бормаслигини эшитиш ришни халқдан талаб этингиз. Элликбошилар эса приставнинг талабини халққа етказишга ваъда бердилар.

14 июлда пристав Хонобод қишлоғида Кенжағали, Хурдон, Облик ва Телов волостлари вакилларининг кенгашларини чақирганда аҳвол аввалгидан ҳам мураккаб-лашди. Бу йиғинларга чақирилмаган кўп юзлаб олдий халқ тўпланиб «Мардикор бермаймиз!», «Амалдорларни ур!» дея галаён кўтарди. Приставнинг соқчиси Боймурот бошқа соқчиларни чақириб, волость бошқарувчисини кўзғолончилар ҳужумидан қутқазмоқчи бўлганда, оломон унинг ўзига ёпирилиб пичоқлади. Пристав ва Кенжағали волость бошқарувчилари соқчилар ёрдамида тўппонча ва қиличларини ишга солиб, оломонни ёриб ўта олдилар.

Юқорида баён этилган кўзғолонлар каби аҳвол

¹ "Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане", ҳужжатлар тўплами, 62—63-бетлар.

Тўйтепа, Оққўрғон, Бўка, Пскент, Майдонтол ва бошқа жойларда ҳам содир бўлди. Шундай қилиб, июlining биринчи ярмида Тошкент уездининг ҳамма ерида халқ ҳаракати кенг қулоч ёйди.

Умуман поль бошида барча областларда кўзғолонлар авж олиб, энг юқори чўққига чиққанлигини кўрамиз. Чор ҳукумати бу ҳолатдан жуда катта хавфга тушиб ва кўзғолонларни шафқатсиз бостириш учун бир қатор қўшимча чоралар кўрди. Подшо фармонида мувофиқ 17 июлда Туркистон ўлкасида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Фармонга мувофиқ чор ҳокимиятига қарши ҳар қандай ҳаракатга қатнашган киши «давлатга хиёнат қилишда айбланиб, ўлим жазосига маҳкум этилиб, мол-мулклари мусодара қилиниши» таъкидланди. Бу қабиҳ ҳужжатнинг мазмуни Сирдарё область ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Галкиннинг қуйидаги махсус эълонномасидан янада очиқ кўриниб турарди: «Сирдарё областининг тамомий фуқароларини огоҳлантирурманки, чунончи, очиқ жойларда ва кўчаларда фуқароларнинг бекор жам бўлиб тўпланиб юрмоқлари, очиқ жойларда ва усти ёпилган пана жойларда йнгин қилиб ўтирмоқлари ёки томларнинг устида жам бўлиб ўтирмоқлари қатъий ман қилинадир. Ушбу тариқа жам бўлиб юрган ва ўтирган жойлардан аскарлар кути (кучи) билан ҳайдалиб ва ҳамда жавобгар бўладилар».

Мустамака маъмурлари маҳаллий аҳолининг поездларда юришини тақиқлади. Ҳеч ким, ҳатто зарур шахсий иш билан ҳам бир жойдан иккинчи жойга бориши мумкин эмас эди.

Бунинг устига маҳаллий халқ ғазабини янада оширган яна бир разил фармойиш эълон қилинди. Туркистон генерал-губернаторининг буйруғига мувофиқ маҳаллий аҳоли мустамакачи маъмурларга бўйсунмишларини ифода этишлари учун барча мустамака идоралари чиновниклари ва офицерларини ўринларидан туриб, қўл қонуштириб, бўйин эгиб салом бериб олқишлашлари лозим эди.

Мустамака маъмурлари ва офицерлари бу фармонидан фойдаланиб, яна ҳам зўравонликларини оширдилар. Кишиларни арзимаган нарсани баҳона қилиб, яхши салом бермадинг деб калтаклаш, ҳақорат

¹ Туркистон вилоятининг газетаси, №43, 1916 йил 24 июль.

қилиш оммавий тус олди. Уша пайтда Давлат думасига тушган яширин ҳужжатларнинг бирида кўзғолон сабабларидан бири мана шу фармойиш деб эътироф қилинган. Бу ҳужжатда қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин:

«Маҳаллий маъмурлар ва офицерларни албатта салом бериб олқишлаш тўғрисидаги буйруқ барча чиновниклар қўлида даҳшатли қурол бўлди. Чиновниклар ҳукумат номидан маҳаллий аҳолини итоатсизликда айблаб ураверадилар. Уришга маҳкум қилинган киши фақат пул бериб қутулиши мумкин. Шунинг учун баъзи бир маъмурлар жўртга баҳона ахтариб, кишиларни уриш ва пул ундириш пайига тушишган. Шундай аҳволни ҳам кузатиш мумкин: бир мўйсафид чол отга миниб кетаётиб, яқиндаги бир идора тўрасини салом бериб кутиб туриш учун отдан тушишга уринади. Кўпгина маҳаллий зиёдилар бу ҳақоратга бардош беролмай, уйдан кўчага чиқишмайди. Отга миниб кетаётган бир сарт орқасида келаётган полицмейстерни пайқаманлиги ва унга салом бермаганлиги учун калтакланди...» ва ҳоказолар.

Мустамакачи тўраларнинг мана шундай разиллик ва зўравонликлари маҳаллий аҳоли ғазабини янада кучайтирди.

21—22 июлда кўзғолон яна авжга минди. Зангиота волостида ғалаён бошланиб, бу ерга мустамака маъмурлари томонидан чақирилган волость бошқарувчилари ва элдикбошилар мажлиси халқ ҳужумига дучор бўлди. Маъмурият кўзғолонни бостириш учун прапорщик Бернадский бошчилигида ҳарбий қисм юборди. Кўзғолончилар оломони маҳаллий амалдор ва солдатларни «Ур-ур!» дея тошбўрон қилдилар. Солдатлар ўқ отиб оломонни чекинишга мажбур қилдилар, 23 киши ўлдирилди ва ярадор қилинди.

Худди шу пайт Тошкент уездининг шимоли-шарқий томонида Тўйтепада катта кўзғолон рўй берди. Бу ҳодисанинг тафсиلى қуйидагича: 21 июлда Пскент участка пристави Ковдешев қуролли куч ёрдамида зўрлик билан мардикорликка сафарбарликни ўтказишни мўлжаллаб 25 солдат билан Тўйтепага келди. Мана шу шароитда волость съезди чақирилиб, қишлоқлардан мардикор олиш наряди тайинланди. Пристав волость бошлиғига 4 солдатни қолдириб, Пскентга қайтди. Лекин 22 июлда бир неча мингли халқ оломони отлик-яёв ҳолда Тўйтепага


тўлланди. Оломоннинг бошида Раҳимбой Эгамбердиев, Аъзамхўжа Шомаҳсумхўжаев, Искандар Мақсудбоев, Муллахон Турсун Утенбоев ва бошқалар бор эди. Қўзғолончилар волость бошқарувчиси бек Мухаммад Муллабоевнинг уйига ҳужум қилиб, уни ур-тўқмоқ қилиб ўлдирдилар, мол-мулкларини тор-мор қилдилар. Волость бошқарма идораси вайрон қилинди. Идора деворига осиб қўйилган подшо портретини оломон ёндириб юборди. Қўзғолон тобора зўрайиб, бошқа қишлоқ ва волостларга ёйилиб кетди.

«Тўйтепадаги тартибсизликлар,—деб ёзган эди Ташкент уезд ҳокими,—тезлик билан Пескент участкасидаги ҳамма ерларга таъсир қилиб, бошқа волостлар ҳам қўзғолон кўтарди». Усмонота волостлик қўзғолончилар тўйтепаликлар билан қўшилиш учун юриш қилдилар. Оққўрғон волостида ҳам оломон волость бошқарувчисининг уйига ҳужум қилди. Карис волость бошқарувчиси эса аёлча кўйлак кийиб, яшириниб оломондан қочиб кутўлди.

Қишлоқлардаги бу жиддий аҳвол мустахлак маъмуриятини жуда зўр ташвишга солди. Сирдарё область ҳарбий губернаторининг буйруғи билан Ташкент уезд ҳокими А. И. Афанасьев бошчилигида 100 солдатдан иборат махус ҳарбий отряд Тўйтепа ва Пескентга юборилди. Жазо отряди «Қўзғолонга қатнашган» деган баҳонада қишлоқ аҳолисининг уйларига ўт қўйди, 20 кишини ўлдирди ва яралдор қилди, 76 қўзғолончини қамади.

Афанасьев қурол ишлагиб, дўқ уриб мардикорликка сафарбарликни ўтказишга уринди. Халойиқ ҳеч нарсадан ҳайиқмай, сафарбарликдан бош тортди. Кўплар қамшзорларга қочиб яшириндилар. Шунда Афанасьевнинг фармойиши билан отлик солдатлар халойиқни қамчи ва милтиқ қўндоқлари билан ура-ура тўйлади. «Аҳолини қамчилаб 325 хонадондан 200 кишини волость бошқарувчисининг уйига тўллаш олдик» деб рапорт юборган эди уезд ҳокими. Ҳамма қишлоқларда ҳам шу аҳвол қайтарилди. Ана шу ҳоким фақат қурол ишлатишга чаклириқни ўтказиш мумкин бўлганини эътироф этди.

Тўйтепа қўзғолончилари устидан ҳарбий оқруғ суди кўп кишини ўлим жазосига маҳжум этди. Бу суд қалбақчилик ва адолатсизликлардан бошқа нарса эмаслигини чор судининг баъзи ходимлари ҳам тан олган эдилар.



Кўчқор Холмагомбетов — 1916 йил қўзғолони иштирокчиси
(1916 йили турмада олинган фото)

Масалан, 1916 йил 28 сентябрда тошкентлик адвокатлардан А. Д. Арсентьев, В. З. Вербер, П. П. Иванов, В. К. Косетко ва Л. Е. Шерманлар томонидан Туркистон генерал-губернатори номига ёзилган арзномада Тўйтепа қўзғолончилари устидан чиқарилган суд ҳукми нотўғри эканлиги баён этилади. Мазкур арзномада маъмурий идора вакиллари, волость бошқарувчилари ҳамда оқ-соқолларнинг порахўрлиги ва қаллоблиги қўзғолоннинг асосий сабабларидан бири деб кўрсатилади. Сўнгра бу ҳужжатда маҳаллий маъмурлар камбағал аҳолини жуда қийнаб, бойларга ён босишлари айниқса мардикорликка сафарбарлик вақтида зўрайганлиги эътироф қилинган эди¹.

Баъзи районларда, масалан, Қўшқўрғон волостининг қишлоқ ва овулларда қўзғолон очиқ аграр ҳаракат тусини олди. Деҳқонлар подшолик ер-мулкларини ва ўрмонзорларни ўзларига бўлиб олиб, ерларни ҳайдаб олди. Галасой овулида ўрмон қоровуллари билан деҳқонлар ўртасида катта ғалаён бўлиб, қўзғолончилар

¹ ЎзССР Давлат архиви, ф. 723, оп 1, д. 99, 154-аарақ.

подшони ҳақораглаб, ҳаммаёқда тўс-тўполон чиқариб юрдилар¹.

Тошкент уезидаги ҳаракат Амударё бўлими волостларига ҳам ўтди. Дастлаб Тўрткўл ва Чимбой кўзғолди, 24 июлда 200 га яқин аёллар оломони волость бошқарувчисини уриб, қалтаклади. Соқчилар оломонни тарқатдилар. Лекин аёллар эртаси кунни яна тўпланди ва бу гал участка приставига мардикор олинмишига қарши қатъий норозиликларини билдирдилар.

Чимбой волостидаги қорақалпоқ аҳолисининг кўзғолони бир неча кун давом этди. 24 июлда Чимбойга атрофдаги 6 волостдан тўпланган катта оломон Чимбой волость бошқарувчисини ур-йиқит қилиб ўлдириб юборди. Сўнгра чимбойликлар участка пристави Микельжанияга ҳужум қилдилар. Амударё бўлими ҳокими полковник Колосовский ўз рапортида қуйидагиларни хабар қилади: бир мингли қорақалпоқлар тўдасининг олдинги сафларида 200—300 қари камирлар «Ур-ур!» дея оломонни рағбатлантириб югуришган. Участка пристави полициячиларга оломонни тарқатиб юборишни буюрган. Аммо ғалаён яна зўрайиб, приставнинг уйига ҳужум бошлаган. Пристав халқни қўрқитиш учун тўппончасидан бир неча ўқ узган. Ана шунда оломон пристав ва унинг хотинини тошбўрон қилиб ўлдирди. Приставнинг уйини тормор этиб, қоғоз-ҳужжатлар ёндирилди². Амударё бўлими ҳокими яна «приставнинг идораси деворига осиб қўйилган подшо ва унинг ўғлининг портретларини оломон мажақлаб ёндириб ташлади» деб афсусланиб хабар қилган эди³.

Участка пристави уйи ва идорасига ҳужумни тамомлаган қорақалпоқлар ўз қўرғончаларини ташлаб, отулов, молларини олиб қум-саҳрога ва Амударё бўйидаги тўқайзорларга яшириндилар⁴.

Сарибий волостининг қорақалпоқ аҳолиси катта ғалаён кўтариб, волость бошқарувчиси ва учта овул оқсоқлини уриб ўлдирди. Кўзғолонни бостириш учун Амударё бўлим ҳокими Колосовский Урганчдан махсус

¹ «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане», ҳужжатлар тўплами, 300—301-бетлар.

² Уша жойда, 285—287-бетлар.

³ Уша жойда, 297-бет.

⁴ ЎзССР Давлат архиви, ф. 1, оп. 31, л. 1134, 173—174-варақлар.

дружино олиб, Сарибийга жўнади. Кўзғолон зўрлик билан бостирилиб, бир неча киши қамалди. Кўзғолон ташаббусчиларидан Юсуф Магочонов, Асмет Абдуллаев, Шеринбет Хожиев ва Қодир Аvezбойжиев ҳарбий округ суди ҳукми билан осиб ўлдиришга маҳкум этилди, шунингдек 6 киши ҳар бири 12 йил муддатга каторгага ва 3 киши турмага юборилди¹.

Бу оғир жазолар қорақалпоқ халқининг озодлик учун курашдаги иродасини сўндирилмади. Июлнинг охири ва августнинг бошида мўйноқликлар кўзғолон кўтарди. Ҳамма волостлардаги қорақалпоқ аҳолиси мардикорга бориш тўғрисидаги фармонни бажаришга кўнмасдан чўл-биёбонларга, қумликларга кетиб яшириндилар. Кўзғолоннинг сўнги кунлари мана шу хилда, мустамлака маъмуриятига қаршиликнинг ўзига хос формасида давом этди.

Шундай қилиб, биз Ўзбекистонда 1916 йил кўзғолонининг асосий районлари, халқ ҳаракатининг бошланиши ва давом этиши тўғрисида маълумотлар бердик. Кўзғолоннинг умумий характери, ҳаракатга келтирган кучлар, кўзғолоннинг бостирилиши, яқунлари, сабоқлари тарихий аҳамияти нималардан иборат — бу масалаларни китобнинг қуйидаги бобида тасвир этишга ҳаракат қиламиз.

ҚЎЗГОЛОННИНГ ХАРАКТЕРИ, ХАРАКАТГА КЕЛТИРГАН КУЧЛАРИ, ЯКУНЛАРИ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

ҚЎЗГОЛОННИНГ ХАРАКТЕРИ ВА ХАРАКАТГА КЕЛТИРГАН КУЧЛАРИ

Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони империализм давридаги катта революцион-озодлик ҳаракатларидан бири сифатида муҳим тарихий аҳамиятга моликдир. Қўзғолон даставвал чоризмининг ва Россия империализмининг миллий-мустамлака зулмига қарши кенг халқ озодлик курашидан иборат эди. Шу билан бирга у I жаҳон урушига қарши оммавий ҳаракат тусини олди.

Қўзғолон кўтарган халқ маҳаллий маъмурлар ва катта ер эгаларига ҳам қарши ҳужум олиб борди. Бир қатор районларда деҳқонларнинг феодализмга қарши аграр ҳаракати рўй берди.

Шундай қилиб, қўзғолон Россия ва ички маҳаллий эксплуататорларнинг узоқ вақтлардан буён олиб борган иқтисодий қулликларига қарши, ўзбеклар, тожиқлар ва бошқа эзилган мустамлака халқларининг сиёсий ҳуқуқсизлиги ва хўрланишларига қарши ҳамда империалистик манфаатлар учун урушда мардикор бўлиб ишлашга қарши қاراتилган кенг халқ озодлик ҳаракати сифатида кўтарилди.

Бу қўзғолон жаҳон империализмининг умумий кризисини бошланган, жуда кучли ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрайган даврда вужудга келиб, ана шу кризиснинг ва ижтимоий қарама-қаршиликларнинг белгиси ва кўринишидан иборат эди.

Урта Осиё ва Қозғоғистон (шу жумладан Ўзбекистон) - даги 1916 йил қўзғолони жаҳон пролетариати, айниқса унинг илғор отряди — Россия ишчилар синфи бошчилигидаги умумий революцион оқим билан бирлашиб бораётган миллий-озодлик ҳаракатининг узвий қисми эди. Мазкур қўзғолон революцион ҳаракатнинг маркази ҳи-

собланган Россияда I жаҳон уруши даврида намоён бўлган янги революцион кризиснинг яққол намуналаридан биридир.

Қўзғолон халқнинг кичик-кичик оломонлар тўдаларидан тортиб, 20—25 минг кишилик катта ғалаён сифатида ёйилди. Халқ оммаси ўша замондаги сиёсий маънавий, маданий савияси, қолоқлигига яраша содда усулда кураш олиб борди.

Чоризм, Россия ва ички маҳаллий эксплуататорлар зулмидан азоб чеккан, халқнинг кўпчилигини ташкил этган деҳқонлар қўзғолонни асосий ҳаракатга келтирган куч эди. Шу билан бирга шаҳар камбағал табақаси — ишчилар ва ҳунармандлар ҳам қўзғолоннинг актив кучларидан иборат эди.

1916 йил қўзғолони иштирокчилари турли миллатлардан — ўзбек, қozoқ, тожиқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа маҳаллий халқлардан иборат бўлиб, интернационал характерга эга бўлди.

Ҳаракат давомида халқ орасида уддабурун ташаббускор раҳбарлар чиқди. Тошкентда — Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, Йўлчи Иброҳимов, Ғулom Камолов; Жиззахда — Мавлон Кенжаев, Урдош Муқимов, Дамин Қулol, Қурбон Урунбоев, Машариф Хўсанов; Андижонда — Аҳмаджон Ҳолматов, Носир Абдурахмонов, Йўлдош Мирзаев, Усмонжон Раҳимов; Марғилонда — Мавлон Лайлаев, Йўлдош Охунбоев, Тожибой Мадалиев; Наманганда — Абдурахмон Розикўбоев, Мулла Усмонқори Халфиев, Бойхонбой Йўлдош Мирзаев ва бошқа жуда кўп ажойиб кишилар қўзғолонларда бош бўлдилар. Бундай қўзғолон ижтимоий состави жиҳатдан кенг халқ ҳаракати эканлиги аниқ кўриниб турибди.

1916 йил қўзғолони жамиятнинг ҳамма табақаларини ҳаракатга келтирди ва ўз гирдобига тортиди. Агар меҳнатқашлар оммаси — деҳқонлар, ишчилар ва ҳунармандлар қўзғолонни ҳақиқий ҳаракатга келтирган куч бўлса, аҳолининг бошқа қисми — миллий-буржуазия ва феодал элементлар ҳаракатда ўзгача роль ўйнадилар.

Умуман олганда маҳаллий эксплуататор синфлар қўзғолонга қарши позицияда турдилар. Чунки халқ қўзғолонининг тиғи уларга ҳам қарши қаратилган бўлганидан бошқача бўлиши мумкин эмасди. Лекин миллий буржуазия ва феодал-руҳоний элементларнинг қўзғолонга муносабатлари бир хил эмасди. Уларнинг бир қисми

Ўз синфий манфаатлари нўқтан назаридан қўзғолонга йўлдош (попутчик) бўлиб борди. Буни бир неча ҳужжатлар билан исботлашга уринамиз. Наманган уездининг Қўйиашт қишлоғида қўзғолонда иштирок этганиги учун Туркистон ҳарбий округ суди ҳукми билан турли жазоларга маҳкум этилган 45 кишининг ижтимоий составини (шу суд материаллари асосида) таҳлил қилинса, қуйидагилар аниқланади: улардан ерсиз ва кам (3 танобгача) ерга эга бўлган деҳқонлар 16 киши, 3—6 таноб ерли деҳқонлар — 3, қора ишчилар, батрақлар — 7, тақачи ва темирчилар — 7, чойхоначи — 1, савдогарлар ва катта ер эгалари — 8, имом 1 ва касби номаълум 1 кишидан иборат¹.

Наманган уездининг Ўйчи волость Ерқўрғон қишлоғидаги қўзғолонда иштирок этганликда айбланиб, чор суди томонидан турли муддатга қамоққа маҳкум этилган 15 киши орасида ерсиз деҳқонлар — 5, кам ерлилар — 5, ўрта ҳол деҳқонлар — 4, кўп ерли деҳқонлар — 1 кишидан иборат эканлигини кўрамыз².

Тошкент уездининг Кариз волость Қўштета қишлоғидаги қўзғолон вақтида қамалиб, жавобгарликка тортилган 34 кишининг суд-тергов варақаларини ўрганилганда уларнинг жуда кўпчилиги (32 таси) меҳнаткаш деҳқонлар ва батрақлардан иборат бўлгани ҳолда, улар орасида майда савдогар Усмонкул Рўзиев, савдогар ва 7 таноб ери бўлган Ортиқбой Умаров ҳам учратилди³.

Жиззах шаҳар қўзғолонида айбланиб оғир жазога маҳкум қилинганларнинг кўпчилиги меҳнаткашлардан иборат эди. Улар ичида қўзғолон ташаббусчиларидан камбағал ҳунарманд — Дамин Кулол лақабли Мухаммадин Мамадалиев (Жиззах шаҳар Қаландархона маҳаллалик), гишт қуловчи ишчи Қурбонбой Урунбоев (Қаландархона маҳалласидан), камбағал деҳқон Барлос Очлов (Галлаоролдан), Мусабек Тўрабеков (Шайбек қишлоғидан), камбағал деҳқон Эшонкул Бобомуродов (Шўртета қишлоғидан) ва бошқалар бор эди. (Улар дастлаб осиб ўлдирилишга маҳкум этилиб, кейинроқ бу ҳукм 15—18 йил муддатли каторга жазоси билан ал-

1 ЎзССР Давлат архиви, ф. 1, оп. 1, д. 110, 1088—1144-варақлар.
2 ша жойда, ф. 2, д. 149, 20-варақ, д. 149, 20—21-варақлар.
3 Ўша жойда, ф. 723 (Туркистон ҳарбий округ суди фонди), оп. 1, д. 342, 22—65-варақлар.

маштирилди. Октябрь революцияси натижасида бу ўртоқлар оғир қулфатдан озод бўдилар ва совет жамиятининг актив қурувчилари бўлиб етишдилар).

Жиззах уезд Зомин районидаги қўзғолонда актив иштирок этиб, узоқ муддатли каторга жазосига маҳкум қилинганлар ичида батрак Худойберди Мухаммадосупов (Гиштета қишлоғидан), извошчи Ҳайдар Йўлдошев (Обручево станциясидан), камбағал деҳқон Дони Солиқов (Бахмал қишлоғидан) бор эди. Камбағал Насиббай Уктамова Бахмалдаги қўзғолонда актив қатнашганлиги учун унинг бутун оиласи жазо отряди томонидан ўлдирилган эди.

Чор ҳарбий суди ҳукми билан айбланиб турли жазоларга дучор қилинган Жиззах шаҳри аҳолисининг 23 кишилик бир группасининг ичида ҳам ана шу аҳволни учратиш мумкин. Айбланганларнинг кўпчилиги деҳқонлар, косиб, тақачи ва ишчилар бўлиб, улар билан бирга имомлар, катта ер эгалари ва савдогарлар ҳам учрайди. Масалан, мол-мулксиз қора ишчи 34 ёшли Турсунбой Абдураимов, қора ишчи, ярим таноб ерли 33 ёшли Эшонкул Ҳошимов, кўнчи ишчи, бир таноб ерли 39 ёшли Аширмон Алимбоев, ўрта ҳол деҳқон 57 ёшли Уста Раҳмон Юсуфжоновлар осиб ўлдирилишга ҳукм қилинади (кейинчалик бу ҳукм 4 йил каторгага юбориш билан алмаштирилади). Шулар билан бирга суд ҳукми билан осиб ўлдирилганлар ичида 7 танобли ўрта деҳқон Раҳмат Жайноқ Абдурасулов, имом Мулла Раҳим Мулла Абдураҳимов, 100 танобли катта ер эгаси ва дўкондор катта савдогар Абдураҳмонхожи Абдужабборов, савдогар Нуриддинхожи Маъруфхўжаев, Мунисзиёқори Абдуллаев ва Назирхўжа Абдусаломлар бор эди¹.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳўш, бу материаллар нималарни ифодалайди, қандай хулосаларга олиб келади? Улар, даставвал, ҳамма жойдаги қўзғолонларда меҳнаткаш омма кўпчиликини ташкил этганлигини тасдиқлайди. Айни вақтда халқ ҳаракатларига маҳаллий феодал, руҳоний ва буржуа та-

1 Ўзбекистон Компартияси хузуридаги Партия тарихи институти, ф. 499, 6—7-варақлар.

2 ЎзССР Давлат архиви, ф. Туркистон ҳарбий округи штаби фонди, д. 109, 39—44-варақлар.

бақаларининг айрим вакиллари ҳам қатнашганлигидан далолат беради.

Буржуазия вақти келганда деҳқонлар озодлик ҳаракатидангина эмас, ҳатто ишчилар ҳаракатидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилгани тарихда учраганлиги маълум.

Россияда 1905 йилги буржуа-демократик революция халқ революцияси эди. Лекин бу кураш жараёнида ҳам халқ ҳаракатига баъзи ёт унсурлар аралашиб, йўлдош бўлди. В. И. Ленин шу аҳволни таҳлил қилиб, мана бундай деб ёзган: «1905 йилдаги рус революцияси буржуа-демократик революция эди. Бу революция аҳолининг барча норози синфлари, гуруҳлари, элементларининг бир қанча жанглиридан иборат бўлган эди. Буларнинг орасида энг ваҳшиёна таассубларга берилган, курашда жуда туманли ва ҳаёлий мақсадларни ўз олдига қўйган омма ҳам бор эди, японлардан пул олган гуруҳпачалар ҳам бор эди, спекулянтлар, авантюристар ҳам бор эди ва ҳоказо. *Объектив жиҳатдан*, омманинг ҳаракати чоризмни емирган ва демократия учун йўл очар эди, шунинг учун онгли ишчилар бу оммага раҳбарлик қилган эдилар»¹. В. И. Ленин бу тарихий фактдан маълум халқларнинг озодлик ҳаракатларида ҳам шу каби аҳвол рўй бериши муқаррарлигини кўрсатган.

Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони бу ҳолдан истисно бўлмаган ҳаракатдир. Бу халқ қўзғолонига йўлдош бўлган баъзи табақалар ўз таассублари, ўзларининг реакцияон ҳаёллари ва уринишлари билан қўзғолондан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилади. Ишчилар синфининг бевосита раҳбарлигисиз ўтган бу қўзғолон феодализм-руҳоний унсурларнинг реакцияон чўқийлари учун бир қадар қўлайлик туғдирганлиги бежиз эмас.

Қатта ер эгаларининг бир қисми ўз қарамогидаги арзон ишчи кучининг фронт орқасидаги мардикорликка кетиб қолишидан албатта норози эдилар. Мардикорликка борувчиларнинг кўпчилиги қатта ер эгаларининг қўл остидаги батраклар, уларнинг ерларини ижарага олиб ёки чорикор бўлиб ишловчи кам ерли деҳқонлар ва бу камбағал аҳолининг анчагина қисми (деярли кўпчилиги) бой-судхўрлардан қарздор кишилар эканлигини эста олинса, маҳаллий феодализм ва судхўрлар мардикор олин-

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 22-том, Ўздавнашр, 395-бет.

ши тўғрисидаги фармондан норози бўлганлари табиий ҳол эди.

Лекин подшо фармонига қарши норозиликнинг норозиликдан фарқи бор эди, албатта. Қишлоқ ва шаҳарнинг камбағал табақалари мардикор олинниши уларнинг иқтисодий аҳолини янада ёмонлаштиргани, «дард устига чипқон» бўлгани ва мардикорликка камбағаллар бориб, бойларнинг турли йўллар билан озод бўлганларидан га-забланганлари учун қатъий норозилик билдириб қўзғолон кўтарди. Феодализм ва буржуа элементларининг мардикор олиннишига қарши норозилиги ўз ҳамёнларига зарар етиши мумкинлигидан келиб чиқди, демак уларнинг бу норозилиги халқнинг манфаатини, ҳуқуқини ҳимоя қилиш эмас, балки ўз имтиёзларини асраш учун қаратилган эди.

Иккинчидан, халқ оммасининг подшо фармонидан норозилиги очикдан-очиқ қўзғолонларда ифода этилган бўлса, маҳаллий эксплуататорларнинг норозилиги эса кўпича зимдангина бўлди ва улар қўзғолонда актив иштирок этишдан бош тортдилар. Бунинг сабаби бу элементларнинг қўзғолон феодализмга, барча эксплуататорларга қарши социал синфий ҳаракатга айлана бориши ва чоризм жазосидан қўрққанлигида эди.

Ҳатто миллий буржуазиянинг жуда кўпчилиги ва уларнинг мафкурачилари — жадидлар қўзғолонга нисбатан соқинлик қилиб, чоризм ва Россия империалистик буржуазияси билан бирлашиб, халқ ҳаракатини бостиришга уриндилар.

Миллий буржуазия вакиллари А. Н. Куропаткинни Туркистон генерал-губернатори қилиб тайинлаш тўғрисида подшо фармонини мамнуният билан кутиб олдилар. Улар генерал Куропаткиндан халқ оммасининг озодлик ҳаракатини бостириб, буржуазиянинг манфаатларини ҳимоя қилади, деб умид қилдилар. Уша замоннинг хушомадўй мадҳиячиларидан бири Тўлаған Хўжаммиёров Куропаткинга атаб шеър ёзиб, унинг кўкларга кўтарди. Хўжаммиёров «Туркистон вилоятининг газетаси»да 1916 йил 21 августда босилган Куропаткинга бағишланган табрик шеърда: «Хуш келибсиз шаҳримизга улуг олий мақом; Сиз адолат тахти узра ўлтиринг, биздир ғулум, ...Подшо ҳазратларин фармонига биродармиз... Йўл адашган, боши қотқанларга раҳбар бўлдингиз; таърифингиз ўлгунча ёзсам агар бўлмас та-

мом», деб вайсайди. Тўлаган Хўжамёров «Туркистон вилоятининг газетаси»да «Илм натижалари» деган мақола нашр қилиб¹, мардикорликка олиш вақтидаги «тартибсизликлар» илмсизлик, тушунмасликдан келиб чиқди, натижада кўп қўзғолонли «фитна» деб ваъз қилди. Бу фикр халқ қўзғолонини «фитна» деб атовчилардан фарқ қилмас эди. Шу билан бирга, унинг халқ манфаатини кўзлаб ёзган шеърлари ҳам бор эди².

«Туркистон вилоятининг газетаси»да Мирбаҳром Мирҳайдархожи ўғлининг «Работчилик муносибатига» деган шеъри босилди. Шеърда:

«Биз аҳли мусулмон бўлди шод хур омон,
Берамиз ватан учун танда бўлса анча жон.
Яшасин давлат, яшасин подшоҳ,
Яшасин Россия императори, яшасин маков».

деб подшо ва унинг мардикорликка олиш тўғрисидаги фармони кўкларга кўтарилди³. Бу гапларнинг кателлар мавқеидан фарқи бўлмагани яққол кўриниб турарди.

Миллий буржуазия вакиллари мардикорликка сафарбарликни ўтказишда мустамлака маъмуриятига ёрдам бериш учун область ва уездларда ўзларининг

1. Туркистон вилоятининг газетаси¹, №56, 1916 йил 13 ноябрь
2. Туркистон вилоятининг газетаси², нинг мазкур 56-сонида Тўлаган Хўжамёровнинг қуйидаги шеъри босилиб чиқди.

¹ ... Камбало бечоралар ҳолни сурар, бир камса лўқ,
Торталур қийматликка кунда захматлар даринг,
Бонлар олди галла арзон чоғла, омбор тўлдириб,
Камбағаллардан чиқар қанг, қилса хасратлар даринг.

Удан бу қийматликдан камбағаллар ҳоли тани,

Иштифог этмас гирийлар, кўкми дилбатлар даринг.

Неча миссини уйларда йўқ улук, лекин аза,

Этди-кеч боиларда курсек айш-ишратлар даринг.

Аҳли деярмини ани, боқмас фақир аҳлини,

Шулкин илсоф дийнат бирла хийматлари даринг.

Ихтиёжга арз этиб борса тало толмай илож,

Бермадан бир бурда нон ҳам, шулкин хўрматлари даринг.

Холмииз бўлди забун, афронмииз ҳеч қамла йўқ,

Шула учун-му бошларга тушган мусибатлар даринг.

Ўйлангиз илсоф этиб ёлм-қарилар энди оз,

Ёмамен ҳаққонсини лўқ манда тоқатлар даринг.

Кен (Тавалло) сен ҳаққат суэни ёз ёшурмабинг,

Зонинг улмас миллатга ҳар қанча хизматлар даринг...

Бу шеърда шоир Тавалло (Тўлаган Хўжамёров) ҳақиқат сўзларни ёза билган, меҳнаткаш аҳолининг жуда қийин аҳволга тушганлигини айтиб, бу аҳволдан қутулишнинг йўлини топиш тўғрисида фикр юритади. Ушга замондаги тарихий шароит билан боғлиқ бўлган қарама-қаршиликлар шоир ижодида ҳам акс этганики, уни таҳлил қилиш махсус илмий масалалар.

3. Туркистон вилоятининг газетаси³, №56, 1916 йил 30 октябрь.

«ёрдам комитетлари»ни туздилар. 1916 йил 15 августда бундай комитет Тошкентда ҳам тузилди, унинг раиси адвокат Убайдулла Маъзум Абдурауҳўжаев эди. Комитет саставида жадиждларнинг намояндalarидан Мунаввар қори Абдурашидхонов, маҳаллий бойлар ва амалдорлар бор эди. Комитет мустамлака ҳокимияти учун ишончли ташкилот эканлиги Тошкент шаҳар ҳокимининг 1916 йил 17 августдаги рапортида баён этилди. «Маҳалдан аҳолини фронт орқасидаги ишларга чақириб юзасидан ташкил қилинган Тошкент шаҳар комитетининг аъзолари, деб айрилган эди рапортда, сиёсий жиҳатдан тўла ишончли кишилардир!».

Миллий буржуа табақалари шаҳарларда «ватанпарварлик намойишлари» уюштиришга ва гўё маҳаллий аҳолининг жон-дил билан фронт манфаатлари учун ишга тайёр эканликларини билдиришга кўп уриндилар. Лекин бу тадбирлар халқ оmmasининг нафратига дучор бўлди.

Бу аҳвол мустамлака маъмурияти томонида Андижон, Қўқон, Наманган ва Скобелев шаҳарларида 1916 йил август-сентябрь ойларида чақирилган хусусий банклар, саноат ва савдо корхоналарининг вакиллари кенгашларида эътироф этилди. Мазкур кенгашларнинг иш-тироқчилари маҳаллий аҳоли ўртасида мардикорликка бориш ёки чор ҳокимиятига ёрдам этадиган бошқа бирон масалада «ватанпарварлик ҳаракати» кўринмаганлигини қайд қилишга мажбур бўлдилар.

Ўзбек буржуазияси асосий қисмининг қўзғолонда сотқинлик йўлига ўтиб, чоризмини ва империализмни ёқлаб, халқ оmmasига қарши чиқишининг сабаблари нимада? Бунинг энг асосий сабабларидан бири ўзбек саноат, айниқса судхўрлик билан машғул бўлган компрадор буржуазиясининг иқтисодий жиҳатдан капиталистик Россия экономикаси билан боғланиб кетганлигида эди. Шунинг учун улар Россия империалистлари билан биргалликда ўз манфаатларини сақлаб қолиш учун уриндилар.

Файзулла Хўжаев 1916 йилги халқ қўзғолонининг йигирма йиллигига бағишланган оммавий митингга сўзлаган нутқида ўзбек миллий буржуазияси ўз халқидан кўра рус капитали билан кўпроқ боғланган эди, чунки

¹ ЎзССР Давлат архиви, ф. 1, оп. 31, д. 1128, 49-варақ.

бу буржуазия рус фабрикачилари, банкчилари ва заводчиларидан қолганини еб кун кўрар эди, деб тўғри баҳо берган эди. «Шунинг учун жадидлар ҳам халқ йўлбошчилари эмас эдилар, — деган эди Ф. Хўжаев, — улар халқ билан боғланмаган эдилар, улар халқдан кўрқар ва уни манфур кўрар эдилар. Бу жадидларнинг «Туркистон жадидлари 1916 йилги кўзғолоннинг раҳбарлари эдилар» деган гаплари қин-қизил ёлгон»¹.

Лекин гап ўзбек буржуазияси иқтисодий манфаатларининг Россия империализми билан боғланиб кетганидагина эмаслигини ҳам унутмаслик керак. Ўзбек буржуазиясининг «ўз» халқига нисбатан солқинлигининг сиёсий босси ҳам бор. Маълумки, 1916 йилги халқ-озодлик кўзғолони Россия революцион кризисининг узвий қисми эди. Россиядаги иккинчи буржуа революцияси ва бу революциянинг социалистик этапга ўтиши муқаррар бўлган даврда — муҳим тарихий шароитда ўрта Осиё ва Қозоғистонда улкан халқ кўзғолони кўтарилди. Миллионларча мазлум халқларнинг бу революцион-озодлик ҳаракати чоризмга зарба бериб, бутун Россияда революция ғалабаси учун шарт-шароитлар етилишига ёрдам берди. Шунинг учун Россия реакция кучларигина эмас, балки миллий буржуазия ҳам кўзғолоннинг мумкин қадар тезроқ бостирилишидан манфаатдор эдилар.

Халқ-озодлик ҳаракатидаги солқинлик фақат ўзбек буржуазиясигагина хос бўлмай, бошқа миллат буржуазияларида ҳам кўп учраган тарихий фактир. В. И. Лениннинг 1916 йилда кўп мамлакатлар, айниқса чор Россияси ва Австрияда мазлум миллатларнинг буржуазияси «миллий кўзғолон тўғрисида фақат оғиздагина вайсаб, амалда ўз халқидан яширқча ва ўз халқига қарши, золим миллат буржуазияси билан реакцияон битимлар тузиши каби ҳолларнинг кўп учраши»² тўғрисидаги сўзлари ўзбек миллий буржуазиясининг 1916 йил кўзғолонидаги марҳумни аниқлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Мустамлакаларнинг миллий буржуазияси маълум қулай тарихий шароитда миллий-озодлик ҳаракатида

¹ *Файзулла Хўжаев*. 1916 йилги халқ кўзғолони тўғрисида 1936 йил 1 августда Тошкентдаги халқ митингида сўзлаган нутқ. «Қизил Ўзбекистон», №177 (3654), 1936 йил 3 август.

² *В. И. Ленин*, Асарлар, 23-том, Ўздавнашр, 60-бет.

иштирок этиши, ҳатто раҳбар бўлиши мумкинлигини марксизм-ленинизм инкор этмайди. Осиё, Африканинг айрим энгилган мустамлакаларининг озодлик кураши тарихида бундай аҳволни ҳозирги замонда ҳам учратиш мумкин. Лекин меҳнаткашлар оммасининг синфий революцион кураши зўрайган сари, миллий буржуазия реакцияга кўпроқ ёндошиб, ўз халқига хиёнат қилиш йўлига ўтади. Бу ўринда В. И. Лениннинг 1921 йилда Коммунистик интернационалнинг II конгрессидаги докладыда айтилган қуйидаги хулосаларни эслаиб ўтамиз: «Эксплуатация қилувчи мамлакатлар буржуазияси билан мустамлака мамлакатларнинг буржуазияси ўртасида маълум даражада яқинлашув пайдо бўлди, натижада жуда кўп вақт — балки, ҳатто жуда кўп ҳолларда — эзилган мамлакатларнинг буржуазияси, гарчи у миллий ҳаракатларни қувватласа ҳам, шу билан бирга империалистик буржуазия билан келишиб, яъни у билан биргалашиб, барча революцион ҳаракатларга ва революцион синфларга қарши кураш олиб боради»¹.

Кенг халқ оммасининг иштирокида ўтган 1916 йил кўзғолони чоризм ва империализмнинг миллий-мустанлакачилик зулмига қарши қаратилган миллий-озодлик рамкасида ўсиб чиқиб, ҳар қандай социал зулмга ҳам қарши, империалистик урушга, Россия буржуазияси ҳамда миллий буржуазия зулмига қарши революцияон халқ-озодлик ҳаракатига айланди, мана шу конкрет-тарихий шароитда ўзбек буржуазиясининг Россия империалистик буржуазияси билан яқинлашуви, халқ оммасининг революцион ҳаракатига қарши туриши табиий ҳол эди.

Халқ оммаси миллий буржуазиянинг солқинлик ролини пайқаб, ундан юз ўгирди. Шунинг билан бирга халқ феодад сепаратив элементларнинг газавот байроғи остига ҳам тўпланмади.

Чоризм даврида қўлпина илгариги имтиёзларини йўқотган феодад-руҳонийларнинг бир қисми халқ кўзғолондан фойдаланиб, эски хон-беклар сиёсий тўзүмини тиклашга, халқ оммаси устидан яккаю ягона хўжайинлик қилишга умид боғлаб, реакцияон ҳаракатни уюштиришга уриндилар.

Феодад-руҳоний элементларнинг Жиззах уезида

¹ *В. И. Ленин*, Асарлар, 31-том, Ўздавнашр, 244-бет.

эски хонлик ва беклик тузумини тиклаш учун бўлган уринишлари халқ кўзғолонининг кенгайишига тўқинлик қилди. Бу масалага 1931 йилда Урта Осиёда 1916 йил кўзғолонининг 15 йиллиги муносабати билан ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюросининг маданий-тарғибот бўлими тезисларида қуйидагича баҳо берилган эди: «Фақат баъзи бир районлардагина, ўз манфаатлари мустамаккачилар томонидан юмдаланган маҳаллий эксплуататор синфлар эски Қўқон хонлигини тиклаш ва унда имтиёзли мавқе олиш умидида кўзғолончилар билан бирга бордилар. Жиззах уездида шундай бўлган эди. Бунда кўзғолонга эшонлар, қозилар ва феодал оқсуяклар (Абдураҳмон Жевачи ўтмиш Жиззах бегининг жияни эди) раҳбарлик қилдилар, булар мустамакка таланчилиги системасига ёмонроқ уйғунлашган ёки ҳеч бир уйғунлаша олмаган табақаларга мансуб руҳонийлар ва эски хонга яқин кишиларнинг вакиллари эдилар... Харақтерли бўлган нарса шундирки, эксплуататор синфлар раҳбарлик қилган жойларда кўзғолон ҳаракати мустамакка ҳокимияти ўрнига хонлик ҳукуматини тиклаш рамкаси ичида бўйлиб қолиш майлларини кўрсатди¹. Тезислардаги хулосалар феодал-руҳоний элементларнинг кирдикорларини очиб бера олган. Лекин тезислардан тўё Жиззах уездининг ҳамма ерида бўлган кўзғолон Абдураҳмон Жевачи ва унга ўхшаш феодал оқсуяклар раҳбарлиги остида ўтган, деган хато тушунча ҳам келиб чиқиши мумкин. Биз китобнинг Жиззах кўзғолони тўғрисидаги қисмида бу ерда ҳам халқ кўзғолони бошқа уездлардаги каби сгн-хияли равишда бошланганини, кейинчалик, кўзғолон давомида айрим волостларда феодал элементларнинг халқ ҳаракатидан ўз манфаатлари учун фойдаланиш мақсатидида ғазавот туғи остида «Жиззах беклиги» тузишини эълон қилганини, лекин бундан улар кутган натижа келиб чиқмаганлигини кўрсатдик.

Халқ-озодлик ҳаракатида ҳаракатга келтирувчи бош ролни ўйнаган деҳқонлар шу курашда ўзларининг оғир аҳволдан қутулиш йўлини ахтардилар. Айни замонда жамият ичидаги хукмдор феодал-клерикал

¹ Урта Осиёда 1916 йил кўзғолони. Кўзғолоннинг 15 йиллиги, ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюросининг маданий-тарғибот бўлими ва САНИИИРнинг тезислари, «Қизил Ўзбекистон», №171 (1991), 1931 йил 7 август.

группалар эса халқ оммасини ички синфий курашдан (деҳқонларнинг феодалларга қарши курашидан) четлатиб, курашни фақат ташқи душманга қарши йўналтириб юборишга интиларди. Бу эксплуататор группалар мустамлакачилик зулмига қарши кураш деҳқонларнинг феодализмга қарши урушига ўсиб етилишдан жуда қўрқар эдилар. Шунинг учун ҳам феодал-руҳоний группалар деҳқонларнинг стихияли ҳаракатини ўз қўлларига олиш учун ва меҳнаткаш омманинг ғазабини эксплуататорлар учун қўлай томонга — «ножинсларга» қарши ғазавотга айлантириш ҳамда чоризм устидан, галаба қозонилган тақдирда ўзларининг эски имтиёзларини тўла тиклашни мақсад қилиб олган эдилар.

Шунинг учун 1916 йил кўзғолонида бош ҳал қилувчи сабаблар, ҳаракатга келтирган кучларни, бошқа ёндошлаган реакцияон кучларнинг хагги-ҳаракагларидан тафовутини биллш лозим бўлади. Кўзғолон давомида айрим районларда феодал-руҳоний группаларнинг «ғазавот» уюштириш йўлидаги уринишлари, хонлик ва беклики эълон қилишлари умумхалқ-озодлик курашидан тубдан фарқ қилар эди.

Туркистонни Россиядан ажратиб учун интилган феодал-клерикал элементларнинг ҳар қандай уринишлари шубҳасиз реакцияон ҳаракат эди. Россия революция арасида ва халқаро революцион ҳаракатнинг маркази бўлиб турган бир пайтда Туркистонни Россиядан ажратиб эмас, балки ўлка меҳнаткаш оммасини илғор рус ишчилар синфи апрофига жипслаштириш халқ революциясининг галабасини таъминлар эди ва натижада шундай бўлиб чиқди ҳам.

Эски феодал элементлар бир вақтлар халқ ҳаракатлари, масалан, 1898 йилда Андижон халқ кўзғолонини ғазавот йўлига солишда кўпроқ воситаларга эга эдилар. У вақтда деҳқонларда диний фанатизмнинг кучлилиги, умумий маданий қолюқлик ғазавот ғояларининг тарқалиши учун анча қўлай шароит туғдирар эди. 1916 йилга келиб аҳвол тубдан ўзгарган эди. Россия революция арасида бўлган бу даврда Урта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқининг революцион миллий-озодлик ҳаракати Россия революцион ишчилар ҳаракати таъсири остида ривожланди. Феодал-клерикал элементларнинг халқ орасидаги таъсири XIX асрнинг охирига нисбатан пасайган эди. Мана шу тарихий ўзга-

ришлар натижасида феодал-руҳоний унсурлар томонидан тарғиб қилинган газавот кенг халқ оммасида замин тополмади ва шу тўғрисида олдиндан мағлубиятга учраши турган гап эди.

Қўзғолонда халқ мафсааларига ёт унсурларнинг эргашуви ҳаракатга салбий таъсир кўрсатиб, маълум даражада қарама-қаршиликларни тугдирди. Лекин феодал-руҳоний ва шунга ўхшаш элементларнинг тесқари ҳаракатлари 1916 йил халқ қўзғолонининг умумий прогрессив озоодлик характерини ўзгартирмади. Қўзғолонда асосий ҳаракатчи кўчлар қишлоқ ва шаҳарларнинг меҳнаткаш аҳолиси бўлиб, уларнинг ҳар қандай социал ва миллий зумларга қарши ялпи кўтарилган бу қўзғолоннинг чинакаш халқ-озодлик характерини яққол кўрсатади.

ҚЎЗҒОЛОННИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Чор ҳокимияти 1916 йил қўзғолонини шафқатсиз босқирди. Жуда кўп қишлоқ ва шаҳарлар вайрон этилди. Жазо отрядлари юзлаб кишиларни қарию ёш демай қириб ташладилар. Минглаб кишилар ўз жойларидан қувилди. Айниқса Жиззах шаҳар ва уезд аҳолиси бошига жуда оғир кулфатлар тушди.

Жиззахликлар бошига тушган чидаб бўлмайдиган оғир жафолар қўзғолончиларнинг хотираларида сақланган. Шу жумладан 1936 йилда ЎзССР Фанлар академиясининг филология фанлари кандидати (ҳозир филология фанлари доктори) Ходи Зарипов бошлиқ илмий экспедицияси 1916 йил қўзғолонини ўрганиш учун Жиззах шаҳри ва унинг атрофидаги районларда муҳим материаллар тўплади.

1. Экспедиция ишида академиянинг илмий ходимлари—филология фанлари кандидати Ғ. Каримов, Тарих институти янги замон ва совет даври тарихи бўлимининг муdiri С. Иброҳимов—ҳозир филология фанлари доктори; филология фанлари кандидати фольклорчи М. Афзалов, Тарих музейининг илмий ходими Максимова, аспирант Мухсинова, шунингдек Х. Муҳамедова ва Х. Шокирова ўроқлар қатнашди. Экспедиция халқ-озодлик қўзғолонининг тарихий аҳамиятини ва Жиззах халқи фожиясини характерлаб берадиган жуда кўп материаллар тўплади. Экспедиция аъзоларининг М. Афзалов бошлиқ гуруҳи 1916 йил қўзғолони тўғрисидаги фольклор материалларини тўпладилар.

Экспедиция аъзоларидан С. Иброҳимов тўплаган материалларда кўрсатилишича, Жиззах қўзғолони иштинроқиси Тўра Норбоев чор жазо отрядларининг ваҳшиётна ҳаракатини қуйидагича ҳикоя қилади: «Уликларни йиғиб кўмиш учун кечаси чакалак ва қамишзорни ахтардик. Бир хотин ўлиб ётибди. Унинг эмизикли боласи бор экан, йинглаб тирмашиб онасини эмиб ётибди. Болани олиб қарасак, ўнг билагига ўқ тегиб суягини мажақлаб юборибди. Болани кейин табиблар тузатди. Ҳозир тирик. Оти Қонимқул Норбой ўғли, Қизил Нишон колхозияда ишлайди». Биз шу Қонимқулни топиб гаплашдик,— деб ёзади С. Иброҳимов.— Қулоғи гаранг, тили чучук, ўнг қўли ишга яроқсиз, колхозда подаччилик қилар экан. Тўра Норбоев яна бир фожияни ҳикоя қилади:

«Жазо отрядлари тоғда қочиб юриб, оч қолиб, қишлоқдан овқат олиб келиш учун тушган Мавлон Ойमतовни ушладилар. У билан бирга 7 кишини ушлаб дарахларга боғладилар. Ун кунгача ҳар кун бир неча бор калтаклаб, устидан сув қуйдилар. Солдатлар қишлоқдан кетадиган бўлиб қолдилар. Шунда улар бу 7 кишини калтаклаб, уриб ўлдириб кетдилар».

Қўзғолоннинг актив қатнашчиси Муқим Урдушов Тошкентга қочади. У, тинчлик ўрнатилгандан сўнг қайтач, қуйидагиларни кўрганни айтади:

«Тошкентдан Жиззахга келдим. Кечаси станцияда ётиб, номоз вақтида шаҳарга тушиб кетдим. Йўлда кўп солдатларни кўрдим. Уларнинг ёнида халқдан талаб олинган қимматли рўзгор ашёлари тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Солдатлар энг қимматли ипак сўзаналарни, атлас ва шоҳи кўрпаларни отларга ёллаб қуйибдилар. Ипак гиламларни, атлас ва шоҳи кўрпаларни тупроққа ёзиб устида аганаб ётибдилар. Ҳовлига чиқсалар ҳам шоҳи ва атлас кўрпалар ёппириб чиқмоқдалар. Бунда халқдан талаб олинган мингларча от-моллар ва қўйлар турибди. Бунда оёқ остида босилиб ётган қимматли нарсаларни кўриб жуда ваҳмин келди. Эски шаҳар йўлида кетаётганимда эски шаҳардан городга (янги шаҳарга) қараб қатор-қатор келаётган хотин-қизларни кўрдим. Улар мендан «Солдатлар талаб кетган нарсаларни қайтариб бераётган эмиш», деб эшитдик, шу тўғрими? деб сўрадилар. Мен буни кўрмаганлигимни айтдим. Эски шаҳарга тушсам, энг яхши бинолар, маҳаллалар, шаҳар кўчаларидаги тимлар, дўконлар, ошхоналар ва чойхоналар

күйиб, йўл билан теп-текис бўлган. Бунда бойўгли сай-рамоқда. Халқ оч ва яланғоч, жуда оғир аҳволда. Бу аҳволни кўриб кўл ачиндим».

Генерал Иванов тинч аҳолидан яна кўпроқ ўч олиш учун: «Қимда-ким қўлига оқ ялов (байроқ) кўтариб келса тегмаймиз!» деб эълон қилади. Бу гап тоғ-тоғларда сарсон бўлиб юрган халққа тез эшитилади. Алданган халқ таёқларга бир парча оқ дока ёки сурупми илиб, шаҳарга кела бошлайди.

«Бир кунги, — дейди қўзғолон ишгирокчиси Мамашариф Хусайнов, — шаҳар атрофини солдатлар ўраб, ҳар ҳовлига беш-олтитадан бўлиб киравердилар. Одамларни уриб-сўкиб уйларидан қувиб чиқдилар. Бешикдаги болаларини ечиб олишга қўймадилар. Халқни бозор майдонига тўллаб, ёш ва жинсларига қараб тўдаларга ажратдилар. Атрофларига тўп ва пулемётлар ўрнатдилар. Солдатлар баъзи одамларнинг қўловидан бураб тўп оғизига эбориб кейин қўйиб юборадилар. Баъзилари одамларга қараб милтиқларни шарқ-шурўқ қилиб қўрқитадилар. Одамлар орасида оқ подшо Жиззах халқини отиб юборди, энди ҳаммамизни отар экан деган гап тарқалди. Халқни ваҳима босди. Хотинлар ва болалар йиғлайди. Солдатлар уларни милтиқ кўндоғи билан урадилар. Бир вақт янги шаҳардан бир отлиқ аскар чопиб келиб:

«Сиз маккор Жиззах халқи подшоҳи аъзамнинг олий фармонига итоат қилмаганларингиз учун подшоҳи аъзам сизларни отувга бузурган эди. Генерал-губернатор Куропаткин сизларнинг гуноҳларингизни оқ подшодан тилаб олибдир. Сизлар энди бу шаҳарда яшашдан маҳрум бўлдингиз. Сизларни шаҳардан 25 километр нарига сургун қиламиз!» деди.

Солдатлар, мингбоши ва полициячилар халқни уч томонга бўлиб ҳайлади. Бизларни Қилич чўлига ҳайдади. Кун бениҳоят иссиқ, ҳамма ёқни чап-тўзон қоплаган, эски шаҳарга келадиган сув йўлини янги шаҳардан бўғиб қўйганликлари учун ҳеч жойда сув йўқ. Бизларни солдатлар югуртирди. Бир жойга тўхташиб ҳаммамизнинг ёнини кавлаб, бор пулларини қожиб олди. Яна югуртирди. Чополмай йиқилганларни милтиқ қўндоқлари билан урдилар. У вақтдаги дод-вой оламни тутар эди. Ёш болалар сувсизликдан юраги күйиб, ўлиб қолаверди. Иккиқат хотинлар туғиб ётибди, солдатлар уларга қарашга йўл бермайди. Солдатлар югуришдан бош



Жиззах қўзғолонида иштирок этганлари учун қор жазо отрядлари томонидан осиб ўлдирилганлардан бир группаси (1916 йилда олинган фото)

торганларни отдилар. Югуриб кетаётган халқни яна тўхташиб, қўлларидagi узукларини, қўлоқларидаги исирагаларини юлиб олдилар. Шу равишда чўлга етиб боргунча неча жойда обиска қилиб, то яхши кийимларгача ечинтириб олдилар. Бизларни шундай азоб-уқубатлар билан шом пайтида Қилич чўлига эбориб ташлаб қайтдилар. Одамларда овқат ҳам, кўрпа-ястиқ ҳам йўқ эди, ҳамма оч ва сувсиз қолди. Кечаси биз қишлоқларга бориб овқат олиб келиб, ҳаммага оз-оз улашиб турдик. Бир тўп одамлар оч қолиб, касалликдан ўлдилар. Ун кундан сўнг бизга шаҳарга қайтишга рухсат этилди!»

Қўзғолонда қатнашганликда айбланиб қамалганларнинг ишларини дарҳол кўриб жаволаш учун Туркистон ҳарбий округ суди ва областлардаги расмий суд органларидан ташқари, кўшимча равишда бир неча шаҳарларда (Наманган, Қўқон, Скобелев ва ҳоказо) вақт-

ли ҳарбий судлар ташкил қилинди. 1916 йил 25 июлдан 15 сентябргача бўлган вақт ичида ҳарбий прокурор назорати Туркистондан 3 мингдан ортиқ қўзғолончиларнинг ишини кўрди. Суд жавобгарлигига тортилган 587 кишидан — 201 киши ўлдиришга, 104 таси каторга ишларига, қолганлари эса узоқ муддатли турма жазосига маҳкум этилди.

Ўзбекистонда қўзғолон кўтарганлардан ҳаммаси бўлиб 347 киши ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Шундай қилиб, 1916 йил қўзғолони мағлуб бўлди. Қўзғолоннинг энгилиш сабабларини аниқлаш учун даст-аввал унинг кучсиз томонларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Қўзғолон стихияли равишда вужудга келди. Уни ҳеч ким олдиндан онгли ва планли равишда тайёрламади. Оғир ижтимоий ва миллий зулм, жаҳон уруши вақтида авж олган қаҳатчилик, қишлоқ ва шаҳар камбағалларининг янада қашшоқлашуви, унинг устига юз минглаб кишиларнинг фронт орқасидаги мардикорлик ишларига тўсатдан сафарбарлик қилиниши халқ оммасининг чор ҳукуматига, мустамлакачи ва маҳаллий амалдорларга ва бойларга қарши норозилиги ва қаҳр-газабинини шу қадар ошириб юбордики, шунинг учун ҳам қўзғолон тайёрликсиз бошланиб, анча вақт давом этишига сабаб бўлди.

Қўзғолонда ишчилар синфи бевосита раҳбарлик қилмагани, илгаридан планли уюштирилмагани ҳаракатнинг мағлубиятга учрашининг бош сабабларидан бири эди.

Оз сонли ўзбек ишчилари революцион курашда ва халқ оммасига раҳбарлик қилишда етарли тажрибага эга эмас эдилар. Туркистонда революцион социал-демократик ташкилотларнинг аъзолари жуда кам бўлиб, улар чоризм томонидан қаттиқ таъқиб остида яшаб, халқ оммаси билан очик иш олиб боринишда кўп имкони-ятлардан маҳрум эдилар.

Мустамлака маъмурияти рус ишчилари билан маҳаллий меҳнаткаш аҳоли ўртасида низо туғдириш, айнақса қўзғолон вақтида уларни бир-бирларига яқинлаштирмадик учун кўп иввогарлик ишлари олиб борди. Бундай аҳволни Туркистонда революцион ҳаракат арбобларидан бири эски большевик Д. И. Манжаранинг хоҳираларида кўриш мумкин.

Д. И. Манжаранинг «Ўрта Осиёда 1905 — 1920 йилларда революцион ҳаракат (хоҳиралар)» деган 1934 йилда нашр этилган китобида 1916 йил қўзғолони ва унинг халқ ҳаракати сифатида аҳамияти кўрсатилган. Бу китобда у қўзғолоннинг бошланиши билан чор ҳокимияти ва ўлка мустамлака маъмурияти рус аҳолиси ўртасида шовинистик тарғиботни авж олдирилганларини фош қилади. Реакцион гуруҳлар гўё «муслмонлар русларни сўйиб ўлдиarmoқда, Германия ва Туркиядан агентлар келиб қўзғолонга раҳбарлик қилмоқда» деган уйдирма гапларни рус аҳолиси ўртасида тарқатган. Поплар ҳам бу разил ишда ўз ҳиссаларини қўшган. Улар темир йўл устахонасига ҳамма черковларда: «Муслмон дини ва унинг православ черковига муносабати» деган мавзуда қутба ўқилади, деб эълон қилган. Мустамлака маъмурулари ва поплар мана шундай ивволар билан халқ оммасининг онгини чалғитишга уринганлар.

Лекин реакция элементлар 1916 йил қўзғолонини миллий адоват ва ўзаро миллий тўқнашувга айлантира олмадилар. Чунки уларнинг ивволарини на маҳаллий аҳоли ва на рус аҳолиси қўлламади.

Реакцион элементларнинг шовинистик тарғиботига қарама-қарши рус аҳолисининг прогрессив доиралари қўзғолончиларга хайрихоҳлик билан қарадилар. Бу эски революцион ишчи ва большевиклар хоҳираларида қисқа акс этган. Китобда врач М. П. Стецнинг Тошкент қўзғолонида ярадор бўлганларни даволагани ва жандармлардан яширгани, бир неча рус адвокатининг Тўйтеле қўзғолончиларига нисбатан хайрихоҳлиги каби мисоллар келтирилди. Бу масалада материаллар ҳали етарли ўрганилмаган. Келгуси тадқиқотлар янги далилларни аниқлашга имкон берур.

«1916 йил қўзғолони, — деб ёзган эди Д. И. Манжара, — қирғиз, қozoқ, ўзбек ва туркман деҳқонлари, ўзларининг қолақликларига қарамай, Россия самодержавиясининг зулмига қарши, капиталистларнинг талон-торожига қарши курашни тўхтатмаганликларини рўй-рост исбот қилди. 1916 йил қўзғолони империалистик уруш

¹ Д. И. Манжара. Революционное движение в Средней Азии 1905 — 1920 г. (воспоминания), Средне-азиатский научно-исследовательский институт марксизма-ленинизма, Средазпартиздат, Ташкент, 1934, 32—33-бетлар.

даврида, февраль революцияси арафасида бўлгани учун ҳам муҳим эди...» Д. И. Манжара маҳаллий миллатлар меҳнаткаш аҳолисининг, айниқса деҳқонларнинг революцион ролига узоқ вақтлар давомида етарли баҳо бермаган айрим тарихчиларни адолатли равишда танқид қилди ва омманнинг революцион курашига етарли баҳо бермаслик каби ҳар қандай хатоларга қарши қатъий кураш олиб боришга чақирди.

Ўзбекистонда 1916 йил кўзғолони ҳамма районларда муайян бир муддатда ўтмасдан, турли жойда турли вақтларда рўй берди. Олдиндан тайёрланмаган, стихияли ҳаракатда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Кўзғолон жараёнидаги бу салбий аҳвол мустамака: маъмурларига халқ ҳаракатини оsonроқ ва тез бостириш имкониятини берди.

Кўзғолон кўтарган халқ оломони асосан сўйил, болта, кетмон ва ҳоказолар билан «қуролланганликлари» учун тиш-тирноғигача қуролланган чор ҳарбий қисмлари, жазо отрядларига қарши курашда узоқ бардош бера олмади. Кўзғолончилар ҳарбий стратегия ва тактикадан хабарсиз бўлиб, жуда содда кураш усуллари, тарқоқ, уюшмаган, кўпинча тасодифий ҳужумлар билан чекландилар. Бу эса ўз навбатида кўзғолонни мағлубиятга олиб келди.

Лехин кўзғолончиларнинг кучсиз томонлари, камчилик ва хатолари ҳаракатнинг муҳим тарихий аҳамиятини йўқотмади. Революцион-озодлик курашида халқ оммасининг тўқилган қони бекорга кетмади.

Кўзғолоннинг тарихий аҳамияти нималардан иборат?

1916 йил кўзғолони чор ҳокимиятига қарши халқ оммасининг кучли зарбаларидан бири эди. Кўзғолон чоризмни ларзага келтирди, унинг ҳалокатини яқинлаштирди. Чор ҳукумати кўзғолондан хавфга тушиб, уни бостириш учун ўз ҳарбий қисмларини Ўрта Осиёга юборишга мажбур бўлди. Ўрта Осиёда чоризмга қарши ҳақиқий халқ фронтининг очилиши Россияда революцион кризиснинг янада чуқурлашувида муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистонда ва бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил кўзғолони империалистик урушни гражданлар урушига айлантириш лозимлиги тўғрисидаги ленинча широннинг амалга оширилуви учун объектив шарт-шароитлар

яратишга, халқ оммасининг чоризмга қарши қатъий революцион курашларига ҳисса қўшди.

Унг социал-демократлар, меньшевиклар ва шунга ўхшаш гуруҳлар мазлум халқларнинг озодлик ҳаракатларини камситиб, унинг аҳамиятини йўққа чиқаришга уриниб келганлар. Масалан, 1916 йилги Ирландия кўзғолонини ҳам унг социал-демократлар ва буржуа либераллар катта шов-шувдан иборат, унинг социал таянчи бўлмаган бир «фитна» деб баҳолаганлар. В. И. Ленин мазлум халқларнинг Ирландия кўзғолони каби миллий-озодлик ҳаракатига «фитна», деб қаровчиларни фош қилиб, «Кимки бундай кўзғолонни фитна деб атаса, у одам ё энг ёвуз реакционер, ёки социал-революцияни жонли ҳодиса деб тасаввур қилишга асло қобил бўлмаган доктринердир» деб таърифлаган эди. «Чунки, — деб уқтирган эди Ленин, — мустамакалардаги ва Европадаги кичик миллатлар кўзғолон кўтармасалар ҳам, ҳамма таассубларидан қатъи назар, майда буржуазиянинг бир қисми революцион хуружлар қилмаса ҳам, онгсиз пролетарлар ва ярим пролетарлар оммаси помешчик, черков, монархия зулмига, миллий зулмга ва шу сингари зулмларга қарши ҳаракат қилмаса ҳам социал революция бўлиши мумкин, деб ўйлаш — социал революциядан воз кечиб демакдир!».

Ўзбекистонда 1916 йил кўзғолони ҳам тарқоқ стихияли оломонлар тариқасида ўтганлигига қарамай, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Оғир ва қонли жанглар жараёнида халқ оммаси революцион кураш сабоқларини ўтди. Қаҳрамонлик ва жасурлик традицияларини боийтди.

Кўзғолон давомида халқ оммаси ўз дўстлари ва душманларини аниқроқ билиб олди. Феодал-руҳоний ва миллий буржуазиянинг хиёнатини тушуниб олган меҳнаткаш омманнинг ҳамма эксплуататорларга қарши нафрати ва революцион синфий курашини кучайтирди. Халқ ўз кураши билан фахрланди, кўзғолонда мағлубиятга учрашига қарамай душманлар устидан галаба қозонгунча революцион курашни давом эттиришга аҳд қилди. Бу озодлик ҳисси халқ қўшиқлари ва достонларида ҳам ўз ифодасини топди.

1 В. И. Ленин, Асарлар, 22-том, Ўздавнашр, 395—396-бетлар.

Ўзбек деҳқонлари ва шахар меҳнаткашлари ўз кучлари ва мустақил революцион ҳаракатлари билангина озод бўлмасликларини тушундилар, улар Россия революцион ишчилар синфи раҳбарлигида, большевиклар партияси йўлбошчилигидагина ҳақиқий ва тўла социал-демократик эркинлик ва тенгликка эришишлари мумкинлигига ишондилар.

В. И. Ленин, 1916 йилда қўзғолон кўтарган ирландларнинг бахтсизлиги шундаки, улар бевақт, яъни пролетариатнинг Европадаги қўзғолони ҳали етилмаган вақтда қўзғолдилар, деб кўрсатган эди. Лекин у бу тарихий фактдан ирландлар чакки иш қилдилар, деган хулосага келмади. Ақсинча, капитализмга қарши халқ қўзғолонларининг турли вақтларда бўлиб туриши мумкинлиги ва унинг оқибатларидан халқ оммаси ўзига тегишли сабоқ олишини чуқур таҳлил қилди.

Марксизм-ленинизм маълум миллатларнинг озодлик ҳаракати ишчилар ҳаракатидан ажралган ҳолда мутлақо муваффақият қозона олмаслиги, ўзига мустақил равишда ҳал қилувчи революцион тарихий фактор бўлмаслиги ва шунинг учун бу ҳаракат революцион ишчиларнинг синфий кураши билан чамбарчас боғланиши зарурлиги ва тарихан муқаррарлигини ўргатади. «Тарих диалектикаси шундайки, — деган эди В. И. Ленин, — империализмга қарши курашда *мустақил* фактор сифатида кучсиз бўлган кичик миллатлар империализмга қарши *ҳақиқий* кучининг, чунончи социалистик пролетариатнинг майдонга чиқишига ёрдам берувчи ферментлардан бири, бациллардан бири ролини ўйнайдилар»¹.

Шунинг учун бизнинг партиямиз В. И. Ленин васиятлариغا амал қилиб, ҳамма вақт ишчилар синфининг социализм йўлидаги буюк озодлик курашида кризисни кескинлаштириш ва кенгайтириш мақсадида ҳар қандай халқ ҳаракатлари, шу жумладан маълум халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатларини қўллаб келди ва келмоқда. Партия Марказий Комитетининг КПСС XXII съездида ҳисобот докладада қуйидаги ажойиб сўзлар айтилган: «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқларнинг мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик зулмидан узил-кесил қутулиш йўлидаги курашини қўл-

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 22-том, Ўздавнашр, 397-бет.

лаб-қувватлаш учун бундан буён ҳам зарур бўлган ҳамма чораларни кўришни ўзининг ингерационал бурчи, деб биледи»¹.

КПСС ва қардош коммунистик партиялар миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб, ёрдамлашиб келганлари билан бирга, бу ҳаракатларни жаҳон социалистик ишчилар ҳаракатидан четлагишга қаратилган ҳар қандай уринишларга қарши кураш олиб борадилар.

Туркистонда 1916 йил қўзғолони Бухоро ва Хива хонлиқларида революцион-озодлик ҳаракатини кучайтирди. Кўп вилоятларда чоризмнинг ва хонларнинг зулмига қарши халқ галаёнлари кўтарилди.

Ўрта Осиёдаги 1916 йил қўзғолони Кавказ маҳаллий аҳолисига таъсир қилди. У ерда ҳам фронт орқасидаги ишларга сафарбарлик тўғрисидаги фармон аҳоли ўртасида газаб ва норозилик туғдирди. Шунинг учун императорнинг Кавказдаги ноиб Орлов 1916 йил 30 июлда Кавказ «бегона халқлар»ни мардикорликка чақирди чор ҳокимияти учун ноҳўя сиёсий оқибатларга олиб келишини назарда тутиб, бу тadbирни кечиктиришни илтимос қилди. Унинг таклифи чор ҳукумати томонидан қабул қилинди. Лекин тез орада генерал Орлов Кавказ маҳаллий аҳолисининг норозилиги Туркистондаги каби ошқ қўзғолонга айланиши мумкинлиги хавфини сезди. Шунинг учун у сафарбарликни бутунлай бекор қилишни илтимос қилди. Унинг бу илтимоси ҳам қабул қилинди².

Кавказда маҳаллий аҳолини мардикорликка олишни бекор қилиниши ҳарбий-министр Шуваев билан Туркистон генерал-губернатори Куропаткин ўртасидаги хатларда ҳам акс этди. Министр ўзининг 1916 йил 22 августда Куропаткинга юборган хатида қуйидагиларни ёзган эди:

«Император ҳазратлари 16 августда Кавказ мусулмонларини фронт орқасидаги ишларга сафарбарликдан озод қилиш тўғрисида улуғ князининг (Орловнинг. — Ҳ. Т.) фикри билан қўшилиб олий ҳиммат кўрсатдилар.

¹ Д. И. Бржежев, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съездида ҳисобот доклада, «Ўзбекистон» нашриёти, 1966, 29-бет.

² ЦИИЛ, ф. 1276, он. 1, д. 89; 56—57, 60—61-варақлар, ҳамда ЎзССР давлат архиви, ф. 1, д. 1128, 34, 76-варақлар.

Туркистоннинг Кавказга яқинлигини эътиборга олиб, Кавказ мусулмонларига ҳаё қилинган имтиёз сизнинг ўлкангиздаги маҳаллий аҳоли ўртасида ғалаёйлари кучайтириш хавфининг олдини олишда тегишли чоралар кўришигиз мумкинлиги учун бу ҳақда Сиз олий жанобларига хабар беришни ўз бурчим деб ҳисоблайман».

Шундай қилиб, Кавказда Туркистондаги сингари халқ кўзғолони бўлишдан ташвишланган чор ҳукумати Кавказ мусулмон аҳолисини мардикорликка олишни бекор қилиш билан бирга, ўз навбатида бу талбир Туркистонда озодлик кўзғолонларини янада кучайтиришидан хавфсиради.

Туркистон генерал-губернатори ҳарбий министр Шуваевга ёзган жавоб хатида: «Кавказдан мардикор олишнинг бекор қилиниши ва унинг сабабларини кўрсатмаслик ўз навбатида бундай сафарбарликни бекор қилиш учун курашаётган Туркистон маҳаллий аҳолисига ёмон таъсир қилади. Туркистонда кўзғолон бўлгани учун сафарбарлик бекор қилинган тақдирда эса маҳаллий аҳоли фикрида Россия ҳукумати кучсиз экан, деган тушунчани туддиради ва ўрта Осиёда Россия (чор) ҳокимиятининг мавқени бузади, шунинг учун бунга йўл қўйиш мумкин эмас». Куропаткин халқ ғазабининг олдини олиш учун Туркистондан мардикорликка сафарбарликни тезлатмасликни илтимос қилди.

1916 йил кўзғолони натижасида лодшонинг мардикорликка сафарбарлик тўғрисидаги фармони деярли бекор бўлди. Мустамлака маъмурияти зўр қийинчиликлар билан ҳарбий куч тазйиқида илгари мўлжалланган планинг ярмисидан камроқ миқдорда мардикор олишга эришдилар.

Туркистондан 1916 йил 1 мартгача пландаги 250 миң киши ўрнига 123 миң мардикор сафарбар қилинди.

Лекин Россиянинг фронт орқасидаги кўпгина районларига ўн миңглаб мардикор-тиловикларнинг бориши эса чоризм кутмаган ва меҳнаткаш омманинг озодлиги учун зерур муҳим ижобий натижаларга олиб келди.

Мардикор-тиловиклар Россия, Украина, Белоруссиянинг Ғарбий ва Ғарби-жанубий районларидаги саннат корхоналари, ҳарбий истеҳком қурилишларида, ўрмонзорларда рус, украин белорус ва бошқа халқларнинг меҳнаткашлари ва солдавлари билан ишладилар. Улар жуда оғир мусибатларни бошдан кечирдилар.

Мардикорлардан очликдан ва иқлим ўзгаришидан касал бўлиб ўлганлар ва инвалид бўлганлар ҳам кўп бўлди. Масалан, Харьков саннат корхоналарига ишга юборилган ўзбеклардан 13 киши касал бўлиб ўлди. Буларнинг ичиде жиззахлик Қаршибой Қулматов, наманганлик Жўрабой Хусанбоев, Собиржон Юнусбоев, Ақарали Шомирзаев, Жўрабой Аваз Муҳамедов ва бошқалар бор эди¹. Одесса фабрикалар инспекцияси ҳужжатларида ҳам шаҳарга келтирилган юзлаб мардикор-ўзбекларнинг қийин шaroитлар натижасида хаста бўлиб ишлай олмаганликлари эътироф этилган эди².

Мардикорлар тўғрисидаги халқ достонлари ва қўшиқларида мардикорлик қисмати ҳаддан ташқари оғир бўлганининг тасвирланиши бежиз эмас эди. Шу билан бирга мардикорлар рус, украин, белорус ва бошқа халқларнинг ишчилари ва деҳқонларининг аҳоли оғир эканлигини, ҳамма меҳнаткашлар чоризм ва империализм зулми остида, талончилик уруши исканжасида харобалик, очлик ва қашшоқликда яшаётганларини кўрдилар.

Мардикорлар Россия меҳнаткашларининг ҳар қандай зулмга қарши, чоризмга ва империалистик урушга қарши революцион курашида бевосита иштирок этиб, сиёсий савиялари ва революцион фаолиятлари ўсди. Бу масалалар тарихий тадқиқотнинг ўзига хос муҳим, лекин ҳалигача пухта ўрганилмаган темаларидан бўлиб, тарихчиларимиздан шу масалалар юзасидан бир қатор илмий асарлар яратишни тақозо этади. Биз бу қисқа якуналаримизда мардикор-тиловиклар революцион ҳаракатидан бир неча фактларни келтирамиз:

Одесса шаҳар Петропавловский полиция участка приставининг жандарма бошқармасига 1916 йил 22 декабрда юборган рапортида «Александр ширкатининг қанд-рафинад заводида ишловчи сартлар 22 декабрь кенаси иш ташлаб, бир сменада 8 соатли иш куни тайинлашни ва иш ҳақини 1 сўм 50 тийингача кўпайтиришни ташлаб қилдилар», деб ахборот берди. Приставнинг текширишига қараганда, 21 декабрда ишчиларга иш ҳақи берилмаётган пайтда, заводга Мирза Абдулла Қобилов деган киши келиб, иш ҳақлари оширилганига қадар

¹ ЎзССР Давлат архиви, ф. 1, д. 1172, 1917 йил, 330-варақ.

² Бу ҳужжат копияси Ўзбекистон Тарих музейи фондида сақланган.

ишни тўхтатиш лозимлигини ишчиларга уқдира олган. Наржада заводдаги 145 ўзбек ишчилари ялли иш ташлаган¹.

Умуман Одессадаги қанд заводларида 1916 йили 6 мингдан кўп ишчи етишмаганлиги учун 1100 ўзбек мардикор-тиловиклар шу заводларга ишга юборилган эди. Уларнинг кўпчилиги Одесса рус ва украин ишчилари билан бирга революцион ҳаракатда иштирок этдилар.

Кўп мардикорлар бошқа жойларда ҳам иш ташлаганлар. 1917 йил 13—28 март ва апрелнинг бошларида Украинада Харьков паровоз қуриш заводи, Гутя қанд заводи ва бошқа корхоналарга юборилган наманганлик мардикор ишчилардан 78 таси маъмуриятнинг ахборотида «бошқаларга ёмон таъсир қилиб, иш ташлаганлар», деб таъриф қилинади². Иш ташловчилар ичида наманганлик Сулаймон Боймуродов, Жўрабой Мираҳмедов, Абдусаттор Кучоқбоев, Йўлдошбой Маллабоев, Абдуллажон Маллабоев, Отабой Мусабоев, Дадабой Ёқуббоев, Мирзабой Йўлдошбоев, Баҳодир Дадабоев ва бошқалар бор эди.

Украинада Гонцевич корхонаси қурилишида 1917 йил мартда тошкентлик мардикорлардан 49 киши иш ташлаган эди. Булар ичида Тошкент шаҳар I Тахтапул маҳаллалик Тўлаган Солибоев, II Тахтапул маҳаллалик Раҳматхўжа Шоталинов, IV Тахтапул маҳаллалик Усмон Хусан Шайхов, V Тахтапулдан Абдулла Султон Шайхов, VI Тахтапулдан Исоқбой Абдукаримов, қозиллик Пўлатхўжа Раҳматхўжаев, Шокин гузарлик Зафарбой Абдуқаҳҳоров ва Расулмуҳаммад Турсунов, табибкўчалик Миртолиб Комилов, Осим Уста Қобилов, Пўлат Дониёров, Мирсолиҳ Асқаров ва бошқаларни учратамиз³.

Февраль революцияси ғалабасидан сўнг мардикор-тиловиклар муваққат буржуа ҳукуматининг маң қилишга қарамасдан ўз ватанларига қайтиб кела бошладилар. Улар Туркистонга қайтган заҳотиёқ революцион ҳаракатнинг энг актив ташаббусчилари бўлиб чиқдилар.

¹ Одесса область тарих архиви. Одесса охраника бўлими фонди, 1916 йил, д. 15, 173-бет. Бу ҳужжатнинг копияси Ўзбекистон тарих музейи фондида сақланади.

² ЎзССР Давлат архиви, ф. 1, д. 1172, 337—338-парақлар. Бу ҳужжатнинг копияси Ўзбекистон Тарих музейида сақланади.

³ Уша жойда.

Улар Тошкентда мусулмон ишчи депутатлари Советини, Андижон, Қўқон, Наманган ва бошқа шаҳарларда шушнинг сингари мусулмон меҳнаткашлари Советларини, Самарқанд меҳнаткашлар жамияти—«Иттифоқ»ни туздилар. Бу ташкилотлар ишчи ва солдат депутатлари Советлари билан биргаликда революцияни ривожландиришида катта тарихий роль ўйнадилар.

Мардикор-тиловикларнинг илгор вакиллари большевиклар партиясига сафига кириб, меҳнаткаш аҳолининг революцион курашига раҳбарлик қилдилар. Кейинчалик улар орасдан ўзбек халқининг кўзга кўринган партия, совет ва жамоат аربоблари, минглаб раҳбар-кадрлар вояга етди.

* * *

Ўзбекистонда 1916 йил революцион-озодлик ҳаракати халқимиз қалбида сақланиб, жасорат ва қаҳрамонлик тимсоли бўлиб қолди. Қўзғолончилар образлари фольклор адабиётида катта ўринни эгаллади. Халқ ўз озодлик ҳаракатини тасвирлаб кўшиқлар yaratди. Уларнинг бир қисми намуна тариқасида китобга илова қилинди. Бу кўшиқлар халқ оммасининг синфий онги ошганидан, унинг мустамлакачи ва ички зolimларга қарши нафрат ва ғазabi кучайганидан гувоҳлик беради. Қўзғолон тарихини ўрганишда халқ шoirлари yaratган асарлар алоҳида диққатга сазовордир. Фозил Йўлдош ўғлининг «Жиззах қўзғолони» дostonида халқ ҳаракати ва унинг ҳақиқий қаҳрамонлари бадий тасвирланади.

Халқ шoirи Муҳаммадқул Жомурод ўғли—Пўлкан шoir (1874—1941)нинг «Мардикор» дostonи ҳам муҳим асарлардандир. Пўлкан шoirнинг ўзи камбағаллардан бўлиб, бойнинг ўғли ўрнига мардикорликка юборилган эди. Унинг ажойиб дostonида бойларнинг, мустамлака маъмурларининг зулми, мардикорларнинг аҳволи, 1917 йил Февраль революцияси ва унинг мардикорларга кўрсатган таъсири баён этилган.

1916 йил халқ қўзғолони ёш шoir Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижодига ижобий таъсир қилди. У ўзининг 1916 ва ундan кейинги йиллардаги асарларида бойлар, жадидалар, волость бошқарувчилари, қозилар ва шунга ўхшаш шахсларнинг кирдикорларини фoш қилади, меҳнаткаш омманинг озодлигини куйлайди. Шундай қилиб, 1916 йил қўзғолони давомида ўзбек интеллигенцияси, шу

жумладан шоирлари ўртасида икки бир-бирига қарама-қарши элементларни кўрамыз. Бир томонда мустамакларни мактаб халқ кўзголига қарши бўлган Тўлаган Хўжамияров, Мирбаҳро Мирҳайдар Хожиде каби шоирлар турар эди. Иккинчи томонда Ҳамза, Айний, Фозил Йўлдош, Пўлкан шоирлар ва уларга ўхшаш халқ манфаати ва озодлигини куйловчи ҳақиқий халқ шоирлари етишди.

Халқ революцион-озодлик кураши совет адабиётининг атоқли арбоби Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг ижодида кенг ўрин эгаллади. Айниқса унинг «Қутлуғ қон» романи ўзбек халқининг революцион-озодлик кўзголини кенг экс эттиради. Ойбек яратган қаҳрамон йўли образи мингларча халқ баҳодир революционерларнинг ёрқин қиёфасини ифодалайди. Шунинг учун ҳам совет ва чет эл китобхонлари Ойбекнинг тарихий романини зўр қизиқиш билан ўқишлари табиий ҳолдир.

Таниқли ўзбек совет ёзувчиси Назир Сафаровнинг 1931 йилда «Унутилмас кунлар» деб аталган очерки босилди. Бу очерк адибнинг болалик чоғида 1916 йил Жиззах кўзголи вақтида кўрганлари ва кейинчалик эшитиб билганлари асосидаги хопиралардан иборат. Очеркда кўзголининг сабаблари ва чор ҳукумати томонидан халқ ҳаракатининг ваҳшиёна бостирилиши айниқса яхши тасвирланган.

Совет ёзувчиларининг бир қатор пьесаларида ҳам кўзголининг бошланиши, давоми ва халқ қаҳрамонлари яхши кўрсатиб берилган. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ва Назир Сафаровнинг «Уйғониш» драмалари ёш авлодни революцион традициялар руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Кўзголи тарихи ва кўзголичилар образи «Ўзбек фильм» студияси ишлаган «Тонг олдида», «Қутлуғ қон» ва «Ер ўғли» фильмларида ҳам акс эттирилади.

1916 йил кўзголи катта илҳомбахш тарихий воқеалардан бири бўлиб, у яна кўн янги илмий ва бадиий асарлар, фильмлар, спектакллар яратиш учун кенг майдондир. Зеро халқнинг революцион-озодлик курашлари ҳеч қачон унутилмайди ва ёш авлод учун қаҳрамонлик ва жасурлик намунаси бўлиб қолади. Ўзбекистонда ва бутун Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистонда кенг қулоч ёйган, чоризмни ва барча эксплуататорларни ваҳимага солган, эски зузумни ларзага келтирган халқ озодлик кўзголи

буржуа реакция тарихчиларининг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари революцияга тийёр эмас эдилар, уларга революция четдан — Россиядан экспорт қилинган» деган қалбаки, уйдирма иволарига зарба берадиган муҳим тарихий воқеалардандир.

* * *

Ўзбекистонда 1916 йил халқ революцион кўзголидан буён 50 йил ўтди. Бу давр ичида халқимиз ҳаётида жуда катта тарихий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбеклар ва мамлакатимиздаги барча қардош халқлар ҳаётида ҳамда жаҳон тарихида буюк бурилиш Улуғ Октябрь социалистик революциясидан бошланди.

Октябрь революцияси ва социалистик тузум галабаси социал ва миллий зулмни парчалаб ташлади ва халқимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожини учун кенг йўл очди. Октябрь ва социалистик тузум совет ватанларварлигининг манбаи бўлди.

Ватан ҳисси фақат ўзбек тупроғи билан чекланмасдан, бутун Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи — бирлашган кўп миллатли буюк социалистик ватанни ифодалайдиган бўлди.

1916 йилда империалистлар манфаати учун олиб берилган I жаҳон урушида ҳаракатдаги чор армияси орқасидаги қора ишларда, ҳарбий истеҳком ва корхоналарда мардикор бўлиб ишлашни истамаган халқимиз, Октябрь революцияси натижасида ўз Совет социалистик ватанини меҳнаткашлари Совет давлатининг дастлабки кунлариданоқ Қизил Гвардия ва Қизил Армия сафларига кўнгилли бўлиб ўтдилар, қуролларини маҳкам ушлаб, бошқа қардош халқлар билан бирга душманга қақшатқич зарба бердилар. Бу ўринда 1916 йил кўзголининг 10 йиллиги муносабати билан 1926 йилда М. Ҳасаннинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиққан «Нима учун?» деган очеркини эсга олиш мумкин. Автор чет эл буржуазия пролагандасининг «болшевиклар Ўрта Осиёни мустама-лакага айлантирганлар, ўзбек, қозоқ, тожик ва Совет Шарқининг бошқа халқлари гўё Совет ҳукуматининг душманлари, улар революциядан илгариги эски зузумни қўмсайдилар, деган уйдирмаларини фош қилиб, 1916 ва 1926 йиллардаги тарихий тафовутни ва воқеликни қуйи-

дагича тасвирлаган эди: «16 йил лошмонликка (марди-корликка.—Х.Т.) бормаслик учун қанча қурбонлар берган йигитларимиз Қизил Армия сафида аскарий хизматга ўрғаниш учун жон-диллари билан интилдилар.

«Бизнинг имонимиз комил: агар эртага бирор қора куч Шўролар Иттифоқига юриб кела бошласа, бугун ўрта Осиёнинг кучли йигитлари чақирқиқни кутмасдан, ҳаммаси бир бўлиб, қўлларига қурол олгусидир!».

Ҳа, 1916 йилда фронт орқасидаги ишларда ҳатто курак кўтариб ишлашни истамеган халқимиз, Октябрдан сўнг ўз социалистик ватанини мудофаа қилишга бор куч ва ғайратини сарфлади. Бу ажойиб тарихий факт совет ватанпарварлигининг ва социалистик интернационализмнинг порлоқ натижасидир.

Революция арафасида, шу жумладан 1916 йил кўзғолони пайтида Урта Осиё қолақ мамлакат эди. Улуғ Октябр социалистик революцияси ғалабасидан кейин Коммунистик партия Туркистон ва бошқа шунинг сингари, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолақ миллий ўлкаларда социализм қуришга раҳбарлик қилиб, улуғвор тарихий вазифани бажаришга киришди. Партияимизнинг бу оламшумул миллий сиёсатининг аҳамияти В. И. Лениннинг Коммунистик интернационал II конгрессида миллий ва мустамакта масалалари юзасидан 1920 йил 26 июлдаги докладыда қуйдагича таърифланган эди: «Илгари чоризмга қарашли бўлган мустамакатларда, Туркистон ва бошқа шу каби қолақ мамлакатларда, рус коммунистларининг амалий ишлари бизнинг олдимизга, коммунистик тактикани ва сиёсатни капитализмдан илгарий шароитларга қай тарихқа татбиқ қилмоқ керак, деган масалани қўйган эди, чунки бу мамлакатларнинг энг муҳим характерли хусусияти шундан иборатки, уларда ҳали ҳам капитализмдан илгарий муносабатлар ҳукм суради, шунинг учун ҳам бу мамлакатларда соф пролетар ҳаракати тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу мамлакатларда саноят пролетариати деярли йўқ. Шундай бўлишга қарамай, биз бу мамлакатларда ҳам раҳбарлик ролини ўз зиммамизга олдик ва олмоғимиз лозим»².

В. И. Ленин Туркистон ва илгари қолақ бўлган бошқа миллий ўлкаларнинг нокапиталистик йўл билан социа-

¹ «Қизил Ўзбекистон», №159 (574), 1936 йил 16 июль.

² В. И. Ленин, Асарлар, 31-том, Ўзавнашр, 245-бет.

лизмга ўтиш назарияси ила партияни қуролаштирди. Агар ғолиб революцион пролетариат қолақ халқлар орасида системали равишда пропаганда юргизса,— деган эди Ленин,— совет ҳукуматлари эса ўз ихтиёрларида бўлган ҳамма воситалар билан уларга ёрдам берсалар, у вақтда қолақ халқлар, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин.

Коммунистик партия В. И. Ленин васыятларига амал қилиб, ўтмишда қолақ халқларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан жуда тез суръатлар билан ривожланишлари ва ҳар тарафлама ҳақиқий тенгликка эришишлари учун барча имкониятларни ҳосил қилди.

Мана шундай улуғ тарихий шарт-шароит натижасида ўтмишда қолақ халқлар, шу жумладан ўзбек халқи Россия ишчилар синфининг ёрдами, Коммунистик партиянинг раҳбарлигида социал ва миллий зулмлардан озод бўлибгина қолмай, янада илгарилаб, тараққиётнинг юқори босқичига — социализм қурилишига ўтди. Ўтмишдаги қолақликдан асар қолмади. Совет халқларининг буюқ қардошлик оиласида ўзбек халқи қисқа тарихий давр ичида ҳозирги замон тараққиётига эришди, феодализмдан, капитализмни четлаб, социализмга ўтди ва эндиликда коммунизм томон ишонч билан бормоқда.

Ўзбек халқининг ғалабаси — партияимизнинг ленинча сиёсатининг, Совет Иттифоқи халқлари дўстлигининг ғалабасидир. Бу тарихий ғалаба жуда катта халқаро аҳамиятга молик эканлиги маълум. Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг империализмга қарши, мустама-лакачилик ва янги мустамакачиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши миллий-озодлик ҳаракатларида нокапиталистик йўл билан социализм томон тараққиёт учун курашларида Совет Ўзбекистонининг ва барча қардош республикаларнинг порлоқ тарихий тажрибаси дарҳақиқат муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, ўзбек халқининг бошқа дўстона халқлар билан бирга миллий зулмга қарши революцион озодлик ҳаракати, социализм ва коммунизм қуриш учун баҳодирона кураши ажойиб тарихий оқибатларга олиб келди. Ўзбек социалистик миллатининг моддий ва маънавий ҳаёти гуллаб-яшнади. Унинг коммунизм келажаги бундан ҳам кўркам ва янада сермазмун бўлади.

ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони жаҳон тарихий тараққиётининг янги даврида — империализм даврида, социалистик революциялар арафасида рўй берди. Россияда буржуа-демократик революцияси арафаси ва унинг социалистик революцияга айланиши учун барча шарт-шароитлар ҳозирланган тарихий даврда Ўзбекистон ва бутун Урта Осиё ҳамда Қозоғистонда 1916 йил қўзғолони бўлиб ўтди.

1916 йил қўзғолони чуқур иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар натижасида вужудга келди. Узоқ вақтлардан буён давом этган ва I жаҳон уруши пайтида янада зўрайган социал ва миллий мустамлакачилик зулми халқ оммасининг революцион-озодлик курашига асос бўлди.

Урта Осиё халқлари Россиядаги 1905 йил революциясининг ижобий таъсири остида кенг революцион ҳаракат йўлига ўтганилиги 1916 йил қўзғолони учун ҳам катта тарихий роль ўйнади. Шу билан бирга подшонинг «мардикорликка олиш» тўғрисидаги фармони ва ундан келиб чиққан кулфатлар қўзғолон учун баҳона ва бевоқифа сабаблардан бири эди.

Бутун Урта Осиё ва Қозоғистон, шу жумладан Ўзбекистон территориясига кенг ёйилган бу қўзғолон халқ революцион-озодлик кураши характерида эди. Уни ҳаракатга келтирган асосий куч деҳқонлар ва шаҳар камбағал аҳолиси бўлди. Қўзғолонга қисман ёндошиб қатнашган феодал-руҳоний ва бойларнинг айрим элементлари халқ ҳаракатидан ўз синфий манфаати учун фойдаланишга уриндилар. Халқ оммасининг озодлик кураши — чоризмга, империалистик урушга, ҳар қандай ижтимоий ва миллий зулмга қарши қаратилган муҳим революцион ҳаракат эди.

Қўзғолон чор ҳукумати томонидан шифқатсиз бос-тирилди. Стихийли ва раҳбарликсиз бошланган халқ ҳаракати ишчиларнинг революцион кураши билан ҳали бевоқифа боғланмагани учун мағлубиятга учради. Аммо қўзғолон муҳим тарихий роль ўйнади. У чоризмга, эксплуататорларга зарба берди, чоризмнинг ҳалокатини тезлаштига ҳисса қўшди. 1916 йил қўзғолони Россияда I жаҳон уруши пайтида содир бўлган умумий революцион кризиснинг ифодаси ва айнаи замонда шу кризиснинг яна-

да кучайиши учун ёрдам берган муҳим тарихий воқеа бўлди.

Қўзғолон сабоқлари ўзбек меҳнаткашларини ўз дўст ва душманларини янада пухтароқ билиб олишга ўргатди, фақат Россия ишчилар синфи раҳбарлигида, революцион курашда бирга бўлиб, ҳақиқий озодликка эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Дарҳақиқат Ленин партияси бошчилигида Россия ишчилар синфи барча маълум халқларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг озодлик курашига раҳбарлик қилди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек халқини ҳар қандай социал ва миллий зулмдан озод қилди, социализм ва коммунизм қурилишининг кенг чароғон йўлига олиб чиқди.

Ўтмишда эксплуататорлар томонидан авж олдирилган миллий қарама-қаршиликларни социализм бутунлай тугатиб, ҳақиқий тенглик ва эркинликни барпо қилди. Социалистик интернационализм байроғи остида мамлакатимиз халқларининг чинакам дўстлиги ва бирдамлиги тузилди ва мустаҳкамланди.

КПСС Программаси ва партия XXIII съездининг тарихий қарорлари билан қуролланган ўзбек халқи барча қардош халқлар билан бирга коммунизм ғалабаларига эришади.

ЎЗБЕКИСТОНДА 1916 ЙИЛ ҚЎЗГОЛОННИНГ ХРОНОЛОГИЯСИ

Ўзбекистонда 1916 йилда содир бўлган барча қўзғололларни бир асарда тўла ақс эттириш қийин бўлганидан, мана шу хронология қисмини қўшни мақсадга мувофиқ бўлур, деб ўйлаймиз.

Хронология 1916 йил қўзғололларни юзасидан расмий маълумотларга асосланиб тузилди. Лекин мазкур маълумотлар тўла эмас. Қўп волость ва қишлоқлардаги халқ ҳаракатлари мустамака маъмуриятнинг докладлари ва ахборотларида ақс этмаган. Бунга ўша пайтда маҳаллий маъмуриятнинг қўзғолон туфайли саросимага тушиб, айрим районлардаги халқ ҳаракатларидан хабарсиз қолганлари асосен сабаблардан бири бўлса керак. Мана шу камчиликларга қарамай, расмий ҳужжатлар билан тасдиқланган қўзғололлар рўйхати халқ ҳаракатининг нақадар кенг қўлуч ёйганини кўрсатади.

Қўзғололлар хронологияси Самарқанд, Фарғона ва Сардарё об-ластлардан асосан ҳозирги Ўзбекистон территориясига кирган уезд ва волостларнигина ўз ичига олади. Ҳар бир қўзғолон тўғрисида қисқа маълумот сўғида қавс ичиде шу маълумотнинг манбаи кўрсатилган.

Қўзғололлар тўғрисида маълумотлар асосан 1916 йил қўзғолони тўғрисида 1960 йилда чиққан Ҳужжатлар тўпламидан олинган¹. Ҳар бир қўзғолон ҳақидаги маълумот манбаи сифатида қавс ичиде ана шу академик Ҳужжатлар тўпламининг бети кўрсатилган. Айрим қўзғололлар тўғрисидаги манбалар бошқа ердан олинган қисмларда, қавс ичиде ўша манба (архив, Тарих музейи фонди ва Ҳоказолар) кўрсатилган.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

Хўжанд шаҳри

3—4 июль Эски шаҳар аҳолиси қўзғолон бошлаб, подшоҳнинг мардикорликка сафарбарлик қилиш тўғрисидаги фармонига қарши қатъий норозилик билдирди, маҳаллий маъмурларга қарши ҳужум қилди. Ҳарбий қисм ўт очиб қўзғолонни бостирди. Қўзғолончилардан бир неча киши ўлди ва ярадор бўлди.

¹ Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане*, Сб. документов. М., изд. АН СССР, 1960.

Самарқанд

Самарқанд ҳарбий губернатори Н. С. Ликошин мардикорликка чақириниш ўтказиш тadbирлари тўғрисида маҳаллий маъмурият вакиллари билан кенгаш ўтказди (107).

Ангор волости (Самарқанд уезди)

5 июль Қўзғолон кўтарган аҳоли оломони уч оқсоқолни тошбўрон қилди (104).

Ургут (Самарқанд уезди)

5 июль Қишлоқ аҳолисининг икки минг кишилик оломони волость бошқарувчисининг идорасига ҳужум қилиб, аҳоли рўйхатларини йиртиб ташлади, бир неча элликбошларни қатлақлади (110).

Смёб, Хўжааҳрор, Маҳалла волостлари
(Самарқанд уезди)

5 июль Бу волостларнинг аҳолиси мардикор олиншига қарши норозилик билдириб, ғалаёңлар кўтарди (104).

Куропаткин станцияси

5 июль Станция олдидан бозорга тўплаган маҳаллий аҳоли билан тўп батареяси солдағларни ўртасида тўқнашув бўлди (161).

Самарқанд шаҳри

7 июль Самарқанд областа ҳарбий губернатори Туркистон ҳарбий округи штабидан мардикорликка сафарбарликни тинчлик билан амалга ошириш мумкин бўлмаганидан уни зўрлик билан ўтказиш учун Самарқанд шаҳри ва областа уездларига махсус ҳарбий қисмлар юбориш зарур, деб хабар қилди (108—109).

Даҳбед қишлоғи (Самарқанд уезди)

7 июль Даҳбедга тўплаган қўзғолончилар оломони маҳаллий маъмурларга ҳужум қилиб, волость бошқарувчисининг миразасни ўлдирди. Қўзғолонни бостирш учун юборилган ҳарбий қисм 30 кишини қамлади (105—106).

Даҳбед волости (Самарқанд уезди)

7 июль Волостнинг Даҳбед, Хонақо қишлоқ аҳолиси мардикорликка боришдан бош тортиб қишлоқларни ташлаб кетди (112).

Эшим-оқсоқ волости (Самарқанд уезди)

8 июль Қишлоқлар аҳолиси мардикор олиншига қарши норозилик чиқишларини уюштирди (113).

Жума бозор (Самарқанд уезди)

11 июль

4 минга яқин киши Самарқанд шаҳрига бориб, губернатордан сафарбарликни кечкиртиришни талаб қилишга, агар бу талаб бажарилмаса қатъий чоралар кўришга аҳд қилган (113).

Самарқанд шаҳри

11 июль

Самарқанд эски шаҳар аҳолиси мардикорликка олиниш тўғрисидаги фармонга қарши норозилик билдириш учун Регистон майдонида тўпланди. Ҳарбий полиция оломонга қарши ўт очди (113).

Сангзор волостининг Усмак қишлоғи (Самарқанд уезди)

11 июль

Қишлоқ аҳолиси мардикорликка боришга қарши норозилик билдириб ғалаён қилди (157).

Довул ва Чашмаоб волостлари (Самарқанд уезди)

12 июль

Аҳолининг бир гуруҳи мардикорликка боришдан бош тортди, Жом йўли орқали Бухоро томон жўнади (111).

Ем ва Зомин волостлари (Жиззах уезди)

12 июль

Қишлоқларда ялли қўзғолонлар бошланди. Қўзғолончилар оломони Ем волость бошқарувчиси ва бир неча қишлоқ оқсоқолларини ур-йиқит қилиб ўлдирди. (УзССР Давлат архиви, ф. 1, оп. 31, д. 1100, 243-варақ).

Янгиқўрғон волости (Жиззах уезди)

12 июль

Аҳоли мардикор олинишга қарши норозилик билдириб қўзғолон кўтарди ва амалдорларни дўппослади.

Самарқанд шаҳри

12 июль

Самарқанд область ҳарбий губернатори шаҳарнинг бадавлат кишилари қўзғолончилар тажовузидан қўрқиб, қимматли мол-мулкларини бошқа жойларга яшираётганлари тўғрисида Туркистон генерал-губернаторига хабар қилди (111).

Жиззах шаҳри

13 июль

Эски Жиззах шаҳар аҳолиси қўзғолон кўтарди. Қўзғолончилар оломони эски шаҳар оқсоқоли Мирзаер Худоберхановни, сўнгра уезд ҳокими Рукинини, пристав, соҳчи йиғит ва таржимонни ур-йиқит қилиб ўлдирди (122, 165).

Чимбой волости (Каттақўрғон уезди)

15 июль

Қўзғолон кўтарган 800 кишилик оломон Каттақўрғон шаҳри томон юриш қилди, волость бошқарувчиси ва Имояхши қишлоқ оқсоқолини тошбўрон қилди (168).

Калқўрғон волости (Каттақўрғон уезди)

15 июль

Қўзғолончилар оломони қози Мулла Тошғойиб Назаровни уриб ўлдирди, бир қишлоқ оқсоқолини ярадор қилди. (УзССР Давлат архиви, ф. ТВОС, д. 166, в. 3—5, 13—62, 147—150; ф. 3, д. 1289, 68-варақ).

Мингариқ волости (Каттақўрғон уезди)

18 июль

Икки минг кишилик қўзғолончилар оломони мардикор олинишга қарши қатъий норозилик билдириб, маҳаллий маъмурларни уриб-дўппослади. Кечқурун бу ерга юборилган ярам рота солдатлар билан қўзғолончилар ўртасида тўқнашув бўлди (117).

Гадейгопмас қишлоғи (Каттақўрғон уезди)

19 июль

Қишлоққа борадиган катта Митон йўлида 1500 кишилик оломон ҳарбий отрядга хужум қилди. Бу отряд қўшимча мадад олгандан сўнг оломонни тарқатди (120).

Мингариқ волостининг Нурдум қишлоғи (Каттақўрғон уезди)

19 июль

Қишлоқ аҳолиси ғалаён қилиб, оқсоқолнинг кўлобегани бошлаб қўйди, мардикорликка бормасликка аҳд қилди (169).

Мингариқ волостининг Пайшанба, Боғриқ, Жумабозор ва Оқ-Чироғос қишлоқлари (Каттақўрғон уезди)

19 июль

Қўзғолон кўтарган аҳоли мардикор олишга қарши қатъий норозилик билдириб, волость бошқарувчиси ва қишлоқ оқсоқолларини қувегин қилди (124—126).

Каттақўрғон шаҳри

20 июль

Қўзғолон кўтарган эски шаҳар ва атроф қишлоқлар аҳолисининг катта оломонлари подшо фармони бекор қилишни талаб қилиб чиқди. Маҳаллий ҳарбий команда оломонларни ўққа тутиб, 5 кишини ўлдирди, кўп кишини ярадор қилди (123—124).

Сергом волости (Каттақўрғон уезди)

21 июль

Қишлоқ аҳолиси мардикорликка боришдан бош тортди ғалаёнлар кўтарди (124).

Митон (Каттақўрғон уезди)

21 июль

Митон бозорига йиғилган 3—4 мингли оломон Каттақўрғон шаҳри томон юришга тайёрланди (170).

22 июль

Каттақўрғон

Каттақўрғон уезд ҳокими Н. М. Росс область ҳарбий губернаторига рапорт юбориб, Каттақўрғон волости Узбекент ва Арабхона қишлоқларининг аҳолиси қўзғолон кўтарганини хабар қилди (121).

27 июль

Жиззах, Зомин волостлари (Жиззах уезди)

Фарғона область ҳарбий губернатори ҳарбий министрликка телеграмма юбориб, Жиззах, Зомин ва шаҳристонлик қўзғолончиларнинг тўдалари тоғ ошиб, Фарғона областига томон ҳаракат қилиб, йўл-йўлакай аҳолини мардикорликка бормасликка даъват қилмоқда, деб хабар қилди (126).

28 июль

Маҳалла волостининг Оқмачт қишлоғи (Самарқанд уезди)

Қишлоқ аҳолиси мардикор олинмишига қарши яна қайта галаён кўтарди, волость бошқарувчиси ва қозига қарши ҳужум этиб, уларни қувғин қилди (127).

5 август

Жиззах уезди

Туркистон генерал-губернатори буйруғи билан тўзилган махсус комиссия Жиззах уездида Эски Жиззах шаҳри ва қуйидаги волостлар аҳолисини қўзғолонда иштирок этган, деб ҳисоблади: Узбек, Ровот, Қоратош, Сангзор, Совруқ, Боғдод, Фориш, Янгиариқ, Синтоб, Ем, Усман-Қоратол, Чашмаоб, Ота кўрғонча, Қизилқум, Чордарё, Қўктепа, Қўрғонтепа волостлари (136—137).

14 август

Оқтепа волости (Каттақўрғон уезди)

Каттақўрғон уездининг Челек участка пристави «Оқтепа волостининг аҳолиси мардикор бермаймаиз», деб қаршилик кўрсатгани тўғрисида хабар юборди (148).

8—9 июль

**ФАРҒОНА ОБЛАСТИ
Қўқон шаҳри ва Аравон волости (Қўқон уезди)**

Ғозиёрлик, Минглаш, Аравон, Қалигар, Туркман, Чамашби қишлоқлари ва Қўқон шаҳар Хўжанд даҳа аҳолисининг қўзғолончилар тўдалари волость бошқарувчиси, унинг мираваси ва соқчи йиғитини ўлдирди. Уезд ҳокимининг буйруғи билан қўзғолончилардан 316 киши қамалди (60, 176—177, 223).

1 Уш уездидан мустасно.

Қайнар волостининг Найманча қишлоғи (Қўқон уезди)

8—9 июль

Қўзғолон кўтарган аҳоли подшо фармонига қарши чиқди. Қўзғолонни бостириш учун бу ерга келган уезд ҳокимининг муовини Кингаев ва участка пристави Қлассовскийга тошлар отиб, уларни қувлади. Эртаси куни ҳам қўзғолон давом этди (185).

8—9 июль

Қайнар волостининг Катта Авғон қишлоғи (Қўқон уезди)

Қишлоқ аҳолиси оломони мардикорликка борувчилар рўйхатини тузувчи бир неча кишини қалтаглади (176—253).

9 июль

Янгиқўрғон волостининг Шайхлар қишлоғи (Қўқон уезди)

Аҳоли оломони II Боққар жамоа қишлоқ оқсоқолининг уйига бостириб кириб, мардикорликка сарфарбар қилинувчилар рўйхатини йиртиб ташлади, оқсоқолнинг уйига ўт қўйди (253).

9—10 июль

Янгиқўрғон волостининг Файзобод қишлоғи (Қўқон уезди)

Қишлоқ аҳолиси мардикор олинмишига қарши норозилик билдириб галаён қилди (186—237).

9 июль

Янгиқўрғон волостининг Хазратшо қишлоғи (Қўқон уезди)

Қўзғолон кўтарган аҳоли мардикор олинмишига қарши қатъий норозилик билдирди. 1000 кишига яқин оломон оқсоқолни ушламоқчи бўлиб, Файзобод қишлоғи томон йўналди (186).

9 июль

Анджион шаҳри

Шаҳарда қўзғолон бошланди. Жомий маҷити майдонига тўпланган 500 кишидан кўпроқ оломон подшо фармонига қарши чиқиб, мардикорликка бормаслигини қатъий равишда назор қилди. Полиция ва ҳарбий команда билан тўқнашувда қўзғолончилардан 13 киши ўлди ва ярадор бўлди (173, 177, 208).

10 июль

Олтинкўл волости Дальварэни қишлоғи (Анджион уезди)

Қўзғолончилар оломони волость бошқарувчиси ва унинг икки соқчи йиғитини тошбўрон қилиб ўлдирди. Ҳарбий команда қўзғолонни зурлик билан бостириб, 32 кишини қамоди (178, 182).

Бочқир қишлоғи (Қўқон уезди)

10 июль Кўзғолончилар тўдаси Иккинчи Бочқир қишлоқ оқсоқолига ҳужум қилиб, унинг уйига ўт қўйди. Приставнинг буйруғи билан полиция кўзғолон ташаббусчиларини қамади (174).

Ганжиравон волостининг Ганжиравон қишлоғи (Қўқон уезди)

10 июль Кўзғолон кўтарган аҳоли оломони волость бошқарувчисининг идораси олдига тўлганиб, волость бошқарувчиси ва мардикорликка сафарбар қилнувчилар рўяхати берилишини талаб қилди. Тезлик билан қишлоққа етиб келган ҳарбий команда кўзғолонни бостириб, 139 кишини қамоққа олди (186).

Янгикўрғон қишлоғи (Қўқон уезди)

10 июль Халқ оломони Серово темир йўл станицясига яқин жойда қишлоқ оқсоқолига қарши ҳужум қилди (182).

Марғилон шаҳри (Скобелев уезди)

10 июль Эски Марғилон шаҳрида катта халқ кўзғолони бўлиб, 25 минг киши иштирок этди. Кўзғолончилар 2 оқсоқолини, бош полициячини, туртта соқчи қоровулни ураб ўлдирди. Полиция ва ҳарбий қисмлар кўзғолонни бостириш учун уриниб, 63 кишини қамади (174—175).

Олтинкўл волостининг Олтинкўл қишлоғи (Анджон уезди)

11 июль Кўзғолон кўтарган аҳоли оломони волость бошқарувчисини ва унинг иккита соқчи йигитини ўлдирди (208—209).

Пойтоқ қишлоғи (Анджон уезди)

11 июль Избоскан участка пристави Орловский рапортида айтилишича, Пойтоқда кўзғолон кўтаришга ва сабабли қишлоқ оқсоқоли ва унинг соқчиси Ҳаққулбодага қочиб, чуқки аҳоли ҳамма амалдорларни душман деб ҳисоблаган (196).

Учқўрғон қишлоғи (Анджон уезди)

11 июль Кўзғолон кўтарган аҳолининг ҳужумидан қўрққан қишлоқ оқсоқоли, унинг ёрдамчиси, қоровул ва қотиби қочиб яширидилар. Қишлоқ оқсоқоли Избосканга келиб участка приставига ўз муҳриин тоншириб, Учқўрғонга қайта бормаслигини, агар бурса уни халойиқ ўлдириб юбориши мумкинлигини айтди (196—197).

Қўқон шаҳри (Қўқон уезди)

11 июль 500 кишилик оломон полицияга ҳужум қилиб, мардикорликка сафарбар бўлишдан воз келди. Бу ерга етиб келган ҳарбий команда оломонни қуршаб олиб, кўзғолонни бостирди (62—63).

Қўқон шаҳри

11 июль Фарғона области ҳарбий губернатори А. И. Гиппиус шаҳардаги маҳалли йитиёзди табақа (бадавлат) кишиларни йигиб, подшо фармонини тунгирди. Йигилганлар фармонни яндро этишда ёрдам беришга ҳар тарафлама қўмақлашувга ваъда бердилар (183).

Езёвон волостининг Қалмоқ қишлоғи (Қўқон уезди)

11 июль Қишлоқ аҳолиси мардикор олинишига қарши нозилик билдириб галаён қилди (254—255).

Риштон волость Тўда қишлоғи (Қўқон уезди)

11 июль 400—500 кишилик оломон Тўда қишлоқ оқсоқолидан дарҳол чакхурув рўйхатларини беришни талаб қилди. Оқсоқолдан тортиб олинган бу рўйхатлар дарҳол йиртиб ташланди (187).

Серово станицяси (Қўқон уезди)

11 июль Қишлоқ аҳолиси мардикор олинишига қарши нозилик билдириб галаён кўтарди (61).

Эски Наманган шаҳри

11 июль Эски шаҳарда кўзғолончиларнинг кўпмигли тўдаси подшо фармонига қарши қатъий нозилик билдирди. Мардикорлик рўйхати тузишда айбдорларнинг ҳаммасини — оқсоқоллар, қозилар, полициячилар ва бошқа амалдорларни ўлдирамин, деб қўқиритди. Кўзғолончилар тўплаган Курашхона майдонига уезд ҳокими муовини капитан Румянцев бир рота солдат ва пулемёт командаси билан етиб келиб, кўзғолончиларни ўққа тутди. Натижанда кўзғолончилардан 12 киши ўлдди, 64 киши яралор бўлди (булардан кейинроқ 27 киши ўлди) (180, 183, 255—257).

Қапа волостининг Шўрқўрғон қишлоғи (Наманган уезди)

11 июль 300 кишилик кўзғолончилар оломони волость бошқарувчиси, элликбошиларга ҳамда қишлоқ хужалик рўйхатларини олиш учун келган статистикларга (мардикорликка рўйхат олувчилар деб ҳисоблаб) қарши ҳужум қилди. Волость бошқарувчиси Тожибой хўжа Жамолиддин Маъмуров тошбўрон қилиб ўлдирилди. Муस्ताмака маъмурлари 5 кун давомда кўзғолонда актив қатнашганлардан 16 кишини қамади (201—202).

**Қала волостининг Илётон қишлоғи
(Наманган уезди)**

11 июль

Оломон қишлоқ оқсоқолини уриб, калтаклаб, ундан хизмат муҳри, пуллари, векселлар ва бошқа ҳужжатларни торғиб олди (255).

Чуст қишлоғи (Наманган уезди)

11 июль

Участка пристави Чустдаси халқ ғалаёнини бос-тириш учун дарҳол ярим рота солдатларни офицер билан бирга юбориш кераклиги тўғрисида уезд бошлиғига телеграмма юборди (202 — 203).

Асака волости (Скобелев уезди)

11 июль

Волость аҳолиси мардикор олиншига қарши но-розилик билдириб, ғалаён кўтарди (61).

**Горчаково станциясига яқин қишлоқлар
(Скобелев уезди)**

11 июль

Ўрта Осиё темир йўли жангарм-полиция бошқар-маси Қўқон бўлимининг бошлиғи Фридман Фар-ғона областаъ ҳарбий губернаторига Горчаково станциясига яқин қишлоқларнинг аҳолиси маж-лислар қилиб, қўзғолонга тайёрлик кўраётгани-ли тўғрисида телеграмма юборди (182).

Файзиобод волости (Скобелев уезди)

11 июль

Эшонгузар қишлоғида бир миңг кишилик қўзғо-лончилар тўдаси қози Мулла Соҳибазар Муҳам-мадмусаевни тошбўрон қилиб ўлдирди. Қишлоқ-қа етиб келган уезд ҳокими Е. М. Гюштовот ва 11 казак солдати қўзғолончилар томонидан тошбў-рон қилинди. Ўртадаги тўқнашув натижасида аҳолидан 3 киши ўлди, 1 киши ярадор бўлди (179).

Езёвон волости (Скобелев уезди)

11 июль

Эрталабдан қўзғолончилар катта оломони эски Марғилондан Наманганга кетадиган йўлни ағал-лади. Участка пристави аҳолидан тинчлангани ва уйларига қайтиб кетишни талаб қилди. Ле-кин оломонлар тўдаси унинг йўлини тўсди. Бу ҳодисанинг устига шовилинч равишда етиб кел-ган ярим рота солдатларни ҳам халобийқ тошбў-рон қилди. Офицер шикаст еди. Солдатларнинг қўзғолончиларга қарата ўт очишлари натижаси-да аҳолидан камидан 12 киши ўлди ва ярадор бўлди (255).

**Езёвон волостининг Езёвон қишлоғи
(Скобелев уезди)**

11 июль

Аҳоли оломони волость бошқарувчисининг уйи ва идорасига ўт қўйиб ёндирди (255).

146

Яккатут волости (Скобелев уезди)

11 июль

Яккатут қишлоғида қўзғолончиларнинг катта тў-даси волость бошқарувчисининг уйига бостириб кириб, унинг хотинини ўлдирди ва мол-мулкни тор-мор қилди. Оломон бу ерга етиб келган участка пристави Яхъин ва унинг 10 казак сол-датини ва волостнойнинг соқчи йигитларини тош-бўрон қилди. Солдатларнинг ўқидан 5 киши ўлди. Қўзғолончилар эса 6 йигитни, оқсоқол ва элликбошини уриб ярадор қилишди (180).

**Яккатут волостининг Ахшак қишлоғи
(Скобелев уезди)**

11 июль

Қишлоқ аҳолиси волость марказида бошланган қўзғолонга қўшилди. (Тарих музейи фонди.)

**Яккатут волостининг Заркент қишлоғи
(Скобелев уезди)**

11 июль

Қишлоқ аҳолиси волость марказида бошланган қўзғолонга актив қўшилди. (Тарих музейи фон-ди.)

**Яккатут волостининг Тожи қишлоғи
(Скобелев уезди)**

11 июль

Қишлоқ аҳолиси волость марказида бошланган қўзғолонда актив қатнашди. (Тарих музейи фон-ди.)

**Яккатут волостининг Хўжа қишлоғи
(Скобелев уезди)**

11 июль

Қишлоқ аҳолиси волостнинг бошқа жойларидаги қўзғолонларга қўшилиб, мардикор олиншига қарши кўтарилди. (Тарих музейи фонди.)

**Ербоши волость Бобогозий қишлоғи
(Анджон уезди)**

12 июль

Қўзғолончилар оломони қишлоқ элликбошини Бо-тирқул Абдукаримбоевни ўлдиршига уринди. Ле-кин элликбоши қочиб кетди. Қўзғолон ташаббус-чилари қамоққа олинди (236).

**Ербоши волость Бехобод қишлоғи
(Анджон уезди)**

12 июль

Қўзғолон кўтарган оломон қишлоқ оқсоқоли Бо-тирқул Абдукаримбоевни ўлдирмоқчи бўлди, ле-кин у қочиб кетди. Соқчилар қўзғолон ташаббус-чиларидан бир қисмини қамоди (257).

147

Олтинкўл волость Донқайма қишлоғи
(Анджон уезди)

12—13 июль

200 кишилик оломон (Мулла Қарюмўжа Масамдор, Эгамберди Сирожбоев ва Раҳмонберди Раимбердиевлар кўзғолон ташаббусчилари) қишлоқ оқсоқоли ва элликбошларнинг уйларига бостириб кириб, чақирув рўйхатларини тортиб олдилар ва бу рўйхатларни йиртиб ташладилар. Полиция бир неча кишини қамоққа олди (189).

Балиқчи волостининг Қўштепасарой қишлоғи
(Анджон уезди)

12 июль

Кўзғолончилар Балиқчи волость бошқарувчисининг соқчи йигити Мамажон Ражаббоевни калтакладилар. Полиция кўзғолон ташаббусчиларидан 3 кишини қамоққа олди.

Миробод қишлоғи (Анджон уезди)

12—13 июль

Сув Юлдуз жамоасидати Миробод қишлоғидан тулланган 200 кишилик оломон элликбошлардан мардикорликка олиш учун олинган рўйхатларини дарҳол беришни талаб қилди. Қуролли соқчилар бу оломон ташаббусчиларидан бир неча кишини қамади (189—190).

Избоскан ва Ҳақулобод волостлари
(Анджон уезди)

12 июль

Қишлоқларда кўзғолон кўтарилиб, маҳаллий маъмурларга қарши ҳужумлар бўлиб ўтди (196—197).

Норин волости (Анджон уезди)

12 июль

Ҳўжавот ва Полвонкўл қишлоқларининг тахминан 1000 кишилик оломони тош ва калтаклар билан Ҳўжавот жамоа оқсоқоли Мулла Сотинолди Абдуқодирхожиевнинг уйини қуршаб олиб, ундан мардикорликка борувчилар рўйхатини беришни талаб қилди. Волость бошқарувчиси соқчилари ўқ узиб оломонни қайтарди ва 8 кишини қамади (199—200).

Олтинкўл волостининг Гафурчек қишлоғи
(Анджон уезди)

12—13 июль

Аҳоли оломони (300 киши) қишлоқ оқсоқолини ўлдирмоқчи бўлиб, уни ахтарди (189).

Олтинкўл волостининг Чекофтобачи ва Гафурчек қишлоқлари (Анджон уезди)

12—13 июль

Иккала қишлоқнинг кўзғолон кўтарган аҳолиси оқсоқол Утамбойнинг уйига ҳужум қилди. Оломон оқсоқолни ундан тополмай, унинг ўғли Рўдлош Утамбоев ва қариндоши Мулла Саидқулнинг қўл-оёғини боғлаб қўйди ва оқсоқол топиб берилмаса қўлга олинганлар ўлдирилиб юборилади деб огоҳлантирди. Кўзғолончилардан Усмонхўжа Пармонқулов ва Муҳаммад қассоб Аҳмадуҳжаев соқчилар томонидан қамоққа олинди (189).

Балиқчи волостининг Холимурад-Қўргонча қишлоғи (Анджон уезди)

12 июль

Кўзғолончилар тўдаси қишлоқ элликбошиси Эсонали Раимқуловни тошбўрон қилиб ўлдирди. Кўзғолон ташаббусчилари қамоққа олинди (285—286).

Чангитма қишлоғи (Анджон уезди)

12 июль

Кўзғолончилар қувғинига дучор бўлган қишлоқ оқсоқоли Тўда қишлоғига қочиб бориб, волость бошқарувчисининг уйига яширинган (197).

Мойғир волостининг Чуама қишлоғи
(Анджон уезди)

12 июль

Кўзғолон кўтарган аҳоли элликбошлардан Қипчоқбой Мирзаевни уриб ўлдирди, қишлоқ оқсоқолининг уйини тор-мор қилди; катта ер эгаси Каримбой Турақуловнинг уйига бостириб кириб, 200 минг сўмлик қарз мажбуриятлари ҳужжатлари — вексель ва васиқаларни топиб олиб ендирди. Кўзғолонни бостиришда полиция 16 кишини қамади (184, 191—194, 255).

Чуджа қишлоғи (Анджон уезди)

12 июль

Кўзғолон кўтарган аҳоли қишлоқ оқсоқоли Миҳроб Комилбоевга ҳужум қилди, лекин у қочиб ўлтурди. Қишлоққа Избоскан участка пристави, волость бошқарувчиси қуролли йигитлари ва соқчилари билан келиб, кўзғолонни бостиришга уринди. Уртада бўлиб ўтган тўқнашув натижа-сида аҳолидан Маламин Маҳмудбоев ва Шариф Қорабевлар ҳалок бўлди (197, 236).

Қудаш волости (Қўқон уезди)

12—13 июль

Қирқетмон, Бешқала-Баён ва Бешқалабола қишлоқларининг аҳолиси ғалаён қилди. Қирқетмон элликбошиси Мавлонқул дўппосланиб, уйига ўт қўйилди. 13 июль эрталаб 500—600 кишилик оломон волость бошқарувчисининг уйига ҳужум қилди. Тез арада бу ерга етиб келган уезд ҳокимининг ёрдамчиси бошчилигида солдатлар қомандаси кўзғолонни бостириб, 18 кишини қамоққа олди (188).

Риштон қишлоғи (Қўқон уезди)

12 июль

Волость бошлиғи Қўқон уезд ҳоқимига Риштон қишлоқ аҳолиси 3 кундан буюн ғалаён қилмоқда деб хабар қилди. Бу ерга ўз соқчилари химоясизда етиб келган уезд хоқими К. В. Мединский қўзғолон ташибуусчиларини ушлаганга уринади. Лекин оломон ушлангандарни кутқаришга ва соқчиларни қуршаб олишга ҳаракат қилади. Соқчилар оломонга қарши ўт очади. Қишлоққа етиб келган Ҳарбий қисм қўзғолончилардан 12 кишини қўлга тушириб, Қўқон турмасига жўнатади (187—188).

Олмос волостининг Қуйнолмос қишлоғи (Наманган уезди)

12 июль

500 кишидан иборат эркак ва хотинлар тўдаси қишлоқ оқсоқоли Нейматбой Мирза Албоев, унинг мирзаси (соқретари) Музаффар Мирабду-рўйхат уриб ярадор қилди ва мардикорликка шабуусчилари соқчилар томонидан қамоққа олинди (188).

Қирғизқўрғон волостининг Қирғизқўрғон қишлоғи (Наманган уезди)

12 июль

Аҳоли тўдаси мардикорликка олинувчилар рўйхатини ёндириб ташлади. (Тарих музейи фонди.)

Пашқарон қишлоғи (Наманган уезди)

12 июль

Қишлоқ аҳолиси мардикорликка олинувчилар рўйхати тузилишига қарши норозилик билан чиқ-та уринди (256).

Оввал волости (Скобелев уезди)

12 июль

Халқ оломони волость бошқарувчисини ўлдир-моқчи бўлиб, уни қидирди. Қўзғолонни бостириш учун бу ерга участка пристави, пулемёт билан қур-ролланган ярим рота пиеда аскар келди ва оло-мон зўрлик билан тарқатилди (256).

Эски Маргилон ва шаҳар агрофидаги қишлоқлар (Скобелев уезди)

12 июль

Шаҳарда ва унинг агрофидаги Езёвон волости-нинг қишлоқларида, айниқса Пенникан, Жўйбозор, Калманларда халқ ҳаракати давом этди. Қўзго-лончилар билан казак солдатлари ўртасида тўқ-нашув бўлди (205—206).

Қува қишлоғи (Скобелев уезди)

12 июль

Қишлоқ аҳолиси уезддаги қўзғолонларга қўшилди ди (188).

Езёвон волостининг Кўприкбоши қишлоғи (Скобелев уезди)

12 июль

Қўзғолончилар оломони Пенникан жамоа оқсоқо-ли Муҳаммадқосим Даминхўжаев ва унинг укаси Отабекнинг уйларига бостириб кириб, уларнинг 2 та икки стволли миттиқларини олиб кетди (243).

Езёвон волостининг Хунузлар қишлоғи (Скобелев уезди)

12 июль

Қўзғолончилар элиқбоши Абдурахмон Ербоев-нинг уйига бостириб кириб, унинг миттиғини ва бошқа молларини тортиб олдилар (243).

Шаҳрихон қишлоғи (Скобелев уезди)

12 июль

Қишлоқда қўзғолон кўтарилди. Уни бостириш учун юборилган ярим соғия казак солдатларини қўзғолончилар тошбўрон қилди. Казаклар аҳоли-ни ўққа тутди. Натижанда қўзғолончилардан 16 киши ўлдирилди ва бир неча киши ярадор бўл-ди. Бир оз вақтдан сўнг аҳолининг яна бир гу-руҳи тўпланди. Казаклар уларни ҳам ўққа тутиб, бир кишини ўлдирди, бир неча кишини ярадор қилди (200).

Езёвон волости (Скобелев уезди)

12 июль

Волостинг қўзғолон кўтарган Чоғоноқ, Хонобод, Ҳамрон, Қўрғонча, Лайсан, Янгиарик, Бақир, Калалак, Каларик, Шаҳартела, Кўприкбоши ва бошқа қишлоқларнинг аҳолиси подшо фармонига қарши чиқиб, мардикорликка бормасликка аҳд қилди; участка пристави Яхъинни тошбўрон қи-либ қувлади. Қўзғолон ҳарбий отряд кучи билан бостирилди. Қўзғолонда актив қатнашган 36 ки-ши Туркистон Ҳарбий округ судига топширилди (241—244).

Езёвон волостининг Жинилар қишлоғи (Скобелев уезди)

12 июль

Аҳоли мардикорликка олиншига қарши чиқиб ғалаён кўтарди. Қишлоққа етиб келган казак сол-датлар командаси қўзғолончиларни ўққа тутди ва бир неча кишини қамади (248).

Езёвон волостининг Қўшкўприк қишлоғи (Скобелев уезди)

12 июль

Қўзғолончилар мироб Абдурахмон Хожимуҳам-мад Сарқаровнинг уйига бостириб кириб, уни тошбўрон қилиб ўлдирдилар (243).

Езёвон волостининг Хотинарих қишлоғи
(Скобелев уезди)

12 июль Қўзғолончилар оломони элликбоши Иса Саидали-боевнинг уйига бостириб кириб, уни уриб ўлдирди (243).

Езёвон волостининг Чоғоноқ қишлоғи
(Скобелев уезди)

12 июль Қишлоқ аҳолиси волость бошқармаси идорасига бостириб кириб, ундаги китоб ва қоғозларни ёндирди (243).

Балиқчи волости (Андижон уезди)

13 июль Волостининг Қалаидархўрғонча, Холмуродхўрғонча ва бошқа қишлоқларидан тўпланган қўзғолончилар оломони Қалаидархўрғонча қишлоқ элликбоши Эсонали Раимқуловнинг уйига бостириб кириб, уни калтаклаб ўлдирди. Кейинчалик ўлка генерал-губернаторининг 1916 йил 19 сентябрдаги буйруғига мувофиқ қўзғолон ташаббусчиларидан 7 киши Туркистон ҳарбий округ судига топширилди (234).

Ёрбоши волостининг Ёрбоши қишлоғи
(Андижон уезди)

13 июль Аҳоли мардикор олиншига қарши норозилик билдирди. (Тарих музейи фонди.)

Норян волостининг Илётон қишлоғи
(Андижон уезди)

13 июль 300 кишилик оломон қишлоқ оқсоқолни ўлдирмоқчи бўлиб, уни ахтарди. Оқсоқол яшириниб, қочди. Қишлоққа етиб келган соқчилар оломонни тарқатди (194).

Жалакудуқ волостининг Қала қишлоғи
(Андижон уезди)

13 июль Қўзғолон кўтарган аҳоли қишлоқ оқсоқолни оломон қилиб ўлдирди. Полиция қўзғолончилардан бир неча кишини қамоққа олди (124, 232).

Жалакудуқ волостининг Кўтарма қишлоғи
(Андижон уезди)

13 июль Қўзғолончилар оломони қишлоқ оқсоқолни уриб ўлдирмоқчи бўлди, лекин оқсоқол қочиб кетишга улгурди. Қўзғолон ташаббусчилари қамоққа олинди (236).

Майғир волости (Андижон уезди)

13 июль Қишлоқ аҳолиси мардикорликка юборил тўғрисидаги Фармонга қарши қатъий норозилик билдириб, ғалаён қилди (64).

Жалакудуқ волость Сўфи қишлоғи
(Андижон уезди)

13 июль Қўзғолон кўтарган оломон Қизилбёк қишлоқ оқсоқоли Йўлдош Ҳасанбоевни ва Сўфи қишлоқ оқсоқоли секретари Мулла Йўлдош Султонхожневни ўлдирди. Қўзғолонни бостириш пайтида аҳолидан 3 киши ўлди. Қўзғолон раҳбарлари қамоққа олинди (235).

Ҳаққулбод волости (Андижон уезди)

13 июль Волость аҳолиси мардикорликка олиншига қарши норозилик билдириб ғалаён қилди. Избоскан участка пристави Орловский халойиқни тинчлатишга уринди (196—197).

Ҳинди мазор қишлоғи (Андижон уезди)

13 июль Ғалаён кўтарган аҳоли қишлоқ оқсоқоли Утамбой Норматбоевнинг уйига бостириб кириб уни ахтарди. Лекин тополмай, унинг ўғлининг қўл-оёғини боғлаб қўлди ва оқсоқолни топиб беришни талаб қилди. Бу ерга етиб келган соқчилар ғалаёни бостириб, 10 кишини қамади (238).

Олтинкўл волость Чекофтобачи қишлоғи
(Андижон уезди)

13 июль Қишлоқ аҳолиси Ҳинди мазор қишлоқ оқсоқоли Утамбой Норматбоевдан мардикорликка олиш учун тузилган рўйхатларни тортиб олиб, йиртиб ташлади (188).

Олтинкўл волость Чоқон қишлоғи
(Андижон уезди)

13 июль Участка пристави Мельников Чоқон қишлоғидagi аҳоли ғалаёни ташаббусчиларидан Мирза Рўзиматов ушлади, деб ахборот берди (190).

Қудаш волости (Қўқон уезди)

13 июль Қирқетмон, Бешкапа, Паён, Бешкапа-бола ва бошқа қишлоқларда халқ қўзғолонлари давом этди (188).

Воранқ қишлоғи (Наманган уезди)

13 июль Ғалаён кўтарган тўда волость бошқарувчисини тутиб бўғиб ўлдирмоқчи бўлди. Уни отлик қоро-бул химоя қилимоқчи эди, лекин оломон қоровулни ҳам калтаклади (258).

- 13 июль**
Машад-Тошқўрғон қишлоғи (Наманган уезди)
 Намангандан 50 қақирим наридаги аҳоли ғалаён қилиб, шу қишлоқ оқсоқолидан аҳоли рўйхати ва пулларни тортиб олди ва элликбошининг уйини босиб, уни калтаклади (257—258).
- 13 июль**
Хўжаобод қишлоғи (Наманган уезди)
 Ғалаён кўтарган аҳоли тўдаси қишлоқ котибидан мардикорликка қақирилувчилар рўйхатини тортиб олиб, ёндириб ташлади (257).
- 13 июль**
Уйғур қишлоғи (Наманган уезди)
 Ғалаён кўтарган аҳоли мардикорликка қақирилувчилар рўйхатини йиртиб, ёндириб ташлади (257).
- 13 июль**
Уйчи волость Уйчи қишлоғи (Наманган уезди)
 Қўзғолон кўтарган аҳоли группаси 1500 киши чамасида оқсоқол Мулла Тиллабой Абдуғафурбоевни тошбурун қилиб ўлдирди. Соқчи отряди қўзғолон ташаббусчиларини қамоққа олди (236, 238—239).
- 13 июль**
Чоркесар волости (Наманган уезди)
 Қўзғолончилар Чоркесар қишлоқ оқсоқолини калтакладилар (344).
- 13 июль**
Оввал волость Лаган қишлоғи (Скобелев уезди)
 Халойиқ мардикорликка олишга қарши норозилик билдириб, маҳаллий маъмурлардан ўч олишга ҳаракат қилди (257).
- 14 июль**
Балиқчи волость Хўжаобод қишлоғи (Андижон уезди)
 Қўзғолон кўтарган аҳоли элликбоши Эрали Хўжамқуловнинг уйига ҳужум қилди, соқчи йигит Тожибой Абдурахмоновни уриб калтаклади ва қишлоқ оқсоқоли Тўйчибоевни ўлдиришқичи бўлди. Қўзғолон ташаббусчилари қамоққа олинди (235).
- 14 июль**
Балиқчи волость Урмонбёк қишлоғи (Андижон уезди)
 Қўзғолончилар тўдаси қишлоқ элликбошини Доугул Ерчибоевни ўлдиришга интиди, лекин у қочиб кетди. Қўзғолон ташаббусчилари қамалди (236).

Норин волость Тўда қишлоғи (Андижон уезди)

14 июль

Тўда, Илётон, Яшиқ ва бошқа қишлоқлардан тўп-ланган 500 кишилик қўзғолончилар оломони Яшиқ қишлоқ оқсоқоли Мулла Абдужамил Мулла Абдурахмоновни уриб ярадор қилди. Улка генерал-губернаторининг 1916 йил 19 сентябрдаги буй-руғига мувофиқ қўзғолон ташаббусчиларидан 4 киши Туркистон ҳарбий округ судига топширилди (234—235).

Чинобод қишлоғи (Андижон уезди)

14—15 июль

Избоскан участка пристави Орловскийнинг рапортига кўра қўзғолончилар ҳужумидан қочиб ултурган маҳаллий амалдорлар бошқа қишлоқ ва волостларда яширинган (198).

Қорасув станицяси (Андижон уезди)

14 июль

Ротмистр Фридман қўзғолончилар Қорасув станицясига ҳужум қилганликларини хабар қилиб, Фарғона темир йўлига жазо поездини юборишни таклиф қилди (198).

Терговчи волости (Наманган уезди)

14 июль

Чандовул, Терговчи, Қилчи, Булоқбоши, Қирғиз-қишлоқ, Қорасув, Узумқишлоқ, Чумбиш, Одаммон Чандовул қишлоғига келган участка приставини тошбурун қилиб қувлади. Полиция қўзғолончиларини ўққа тутиб, 4 кишини (шундан 2 таси аёл) ўлдирди ва 15 кишини (1 аёлни) ярадор қилди. Қўзғолончилардан 97 киши қамоққа олинди (236, 247—248).

Тўрақўрғон волости (Наманган уезди)

14 июль

Аҳоли мардикор олишга қарши норозилик билдириб, темир йўл станицясига ҳужумга тайёрланди. (Тарих музейи фонди.)

Ерқўрғон қишлоғи (Наманган уезди)

15 июль

Қўзғолончилар оломони қишлоқ оқсоқолларини уриб калтаклаб, аҳоли рўйхатларини беришни талаб қилди. Қўзғолонни бостириш пайтида қамоққа олинганлардан 22 кишининг иши Туркистон ҳарбий округ судига топширилди (240—241).

- 17 июль** **Жарбулоқ қишлоғи (Наманган уезди)**
Қишлоқ аҳолиси волость бошқарувиисига қарашли уй ва дўконларни тор-мор қилди (239).
- 17 июль** **Мойғир волостининг Тошкесар қишлоғи (Андижон уезди)**
Қишлоқ аҳолиси мардикор олиншига қарши норозилик билдириб талаб қилди.
- 18 июль** **Олмос волость Олмос қишлоғи (Наманган уезди)**
Қўзғолончилар оломони мардикорликка олинувчиларнинг янгидан тузилган рўйхатини ёндириб ташлади (259).
- 18 июль** **Скобелев шаҳри**
Фарғона область ҳарбий губернатори А. И. Гипшус ҳарбий министр ёрдамчиси П. А. Фроловга юборган телеграммасида қўзғолончилар томонидан маҳаллий ҳокимларнинг жазоланиши ҳамда қўзғолонни бостирish учун кескин чоралар кўриш зарурлигини билдирди (207).
- 31 июль** **Қўқон шаҳри**
Қўқон уезд маъмурияти банклар, савдо-саноат вакилларининг йиғилишич ўтказди. Йиғилиш иштирокчилари подшонинг 25 июнь Фармони маҳаллий аҳоли томонидан газаб билан қарши олинди ва аҳоли чор ҳукуматиға қарши қўзғолон кўтаришиға ва фармонни бажармасликка аҳд қилди, деб ҳисоблади. Кенгаш маҳаллий аҳоли ўртасидаги исбий осойишталик жазо отрядлари, найзалари олдидаги ташқи ҳолатдан иборат деб эътироф қилди (217—219).
- 2 август** **Скобелев шаҳри**
Уезд маъмурияти, савдо-саноат фирмалари вакилларининг йиғилиши 1916 йил қўзғолони сабабларини муҳокама қилди ва подшо фармонини халқнинг ихтиёрий равишда бажаришиға ишониб бўлмайдн, деб ҳисоблади (219—221).
- 4 август** **Наманган шаҳри**
Наманган уезд маъмурияти ва турли идоралар вакилларининг мажлиси подшо фармонининг эълон қилинишининг ўзинига эмас, балки бошқа чукўр сабаблар қўзғолонни вужудга келтирди, деб эътироф қилди (223).

- 15 июль** **Чадоқ волости (Наманган уезди)**
Чодоқ, Гурумсарой, Хошават қишлоқларидан тўплаган қўзғолончиларнинг катта оломони маҳаллий амалдорларға Хужум қилиб, волость бошқарувчиси Мулла Фози Худойбердиевни тошбўрон қилиб ўлдирди, элликбоши ва унга яқин яна 6 кишини уриб қалтақлади. Қўзғолонни бостирishда 90 киши қамалиб, Туркистон ҳарбий округ судига топширилди (245—246).
- 15 июль** **Уйчи волость Қизилровот қишлоғи (Наманган уезди)**
Қўзғолончилар оломони қишлоқ оқсоқолигига қандадот Тўхтаназар Бозорқўлбоевнинг уйини тор-мор қилиб, қарз китоблари, векселларни олиб кетди (236).
- 15 июль** **Поп (Наманган уезди)**
Бир тўда оломон қишлоқ оқсоқолидан аҳоли рўйхатини тортиб олиб, ёндириб ташлади (259).
- 15 июль** **Хоновот қишлоғи (Наманган уезди)**
Аҳоли мардикорликка олиншиға қарши, норозилик билдирди. (Тарих музейи фонди.)
- 17 июль** **Юқори Ашт қишлоғи (Наманган уезди)**
Қўзғолончилар тўдаси Ашт волость бошқарувчиси Раҳмон Назар Саидбоевнинг уйига ҳужум қилиб, тор-мор келтирди, Саидбоевни эса тошбўрон қилиб ўлдирди. Кейинчалик Туркистон генерал-губернаторининг буйруғига мувофиқ қўзғолончилардан 27 киши ўлка ҳарбий округ судига топширилди (232—233).
- 17 июль** **Ашт волостининг Пнук қишлоғи (Наманган уезди)**
Қўзғолон кўтарган аҳоли Мелибой элликбошини уриб ўлдирди, қишлоқ оқсоқоли Абдуназар Норматов ва унинг хотини Мулла Абдумўминни уриб қалтақлади, уларнинг уйига ўт қўйди. Ҳарбий қисмлар қўзғолонни бостариб, 21 кишини қамоққа олди (238, 242).
- 17 июль** **Ашт волостининг Қуйномос қишлоғи (Наманган уезди)**
Қўзғолон кўтарган халқ оломони томонидан Ашт волость бошқарувчисининг акаси Маҳаммад Муса Тошматов, унинг амакиси Уста Мирза Шариф Одибоев ва Юқори Ашт қишлоқ оқсоқоли Раҳмон Назар Антбоев тошбўрон қилиб ўлдирди, уларнинг уйлари тор-мор қилинди. 1916 йил солийи хужжатлари йиртиб ташланди. Ҳарбий қисм қўзғолонни бостариб, 46 кишини қаматди (238).

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

Тошкент уездк Тошкент шаҳри

Тошкент эски шаҳар тўрт даҳасидан йиғилган 3 миң кишилик оломон полицмейстер бошқармасига ҳужум қилиб, полицийчилар ва ҳарбий қисмлар билан тўқнашди. Қўзғолончилардан 11 киши ўлди, 15 киши ярдор бўлди (263—266, 269—272, 281—286, 317—320).

11 июль

Тошкент шаҳри

Эски шаҳар ва агроф қишлоқларда халқ га-лаєлари давом этди (312—313).

12 июль

Хитойтепа волость Янгйбозор қишлоғи

Хонобод участка пристави чақирган маслаҳат мажлисига йиғилган Хитойтепа, Қўшқўрғон ва Еттикент волостлари аҳолисининг вакиллари мардикор бера олмасликларини билдирди (313).

12—13 июль

Тўйтепа волости

Волость қишлоқ аҳолиси ғалаён қилиб, мардикорликка боришга қарши қатъий норозилик билдирди (314).

13 июль

Ғишт кўприк

Тошкент—Чимкент тош йўли 18-чақиримидаги Ғишт кўприк олдига 7—8 миң кишилик халқ оломони тўпланди (275).

13 июль

Хонобод

Хонобод қишлоғига чақирилган Кежалик, Хурдан, Облик ва Телов волостлари аҳолилари вакиллариининг мажлисларида оломон мардикорликка боришга қарши чиқиб, амалдорларга ҳужум қилди (294—295).

14 июль

Пскент

Пскент бозорага Оққўрғон, Бўка ва Майдонгол волостларидан тўпланган бир неча миң кишилик қўзғолончилар оломони мардикор олинйишига қарши норозилик билдирди (314).

14 июль

Троицкий қишлоғи

Қишлоққа тўпланган 300 киша приставга «Мардикорликка одам бермаймиз» деб араз қилди (313).

14 июль

1 1916 йилдаги Сирдарё области уездларидан—ҳозирги Ўзбекистон терри-ториясига таълуқли Тошкент уезди ва Амударё бўлими волостидаги қўзго-лонлар қўрсатилади.

Скобелев уезди

Уезд ҳокими Е. М. Голтовнинг рапортида кўрсатилишича, Езёвон, Файзобод ва Яккатут волостларидаги қўзғолонлар вақтида маҳаллий маъмурлардан 9 киши ўлдирилган. Солдатлар эса қўзғолончилардан 44 кишини ўлдирган ва ярдор қилган. Лекин қўзғолончилардан қанча киши ўлгани ва ярдор бўлганини аниқ айтиш мумкин эмас, чунки уларни қўзғолончилар яширганлар (224).

4 август

Скобелев шаҳри

Фаргона область ҳарбий губернатори вазифасини бажарувчи П. П. Ивановнинг Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткинга юборган маълумотига кўра қўзғолончилар томонидан маҳаллий амалдорлардан 41 киши ўлдирилган ва ярдор қилинган. Тўла бўлмаган ахборотларга кўра қўзғолончилардан 167 киши ўлган ва ярдор бўлган. Ивановнинг эътироф этишича, қўзғолончилардан ҳалок бўлганлар бу рақамдан кўп, лекин ҳалобик ўлганларни яширганлиги учун аниқлаш қийин (225).

6 август

Чортоқ волости (Наманган уезди)

Аҳолининг мардикор олинйишига қарши норози-лиги давом этди. Аҳоли мардикорликка боришдан бош тортиб, тоғларга кетиб қолди. (Тарих музейи фонди.)

13—14 август

Андижон уезди

Андижонга яқин 4 чақирим йўлда қўзғолончилар тўдаси отлиқ дозорга ҳужум қилди. Дозор ўт очиб, оломонни тарқатди (228).

14 август

Қўштепа қишлоғи

Қишлоқ аҳолиси ҳарбий командата ҳужум қилди. Уртада тўқнашув бўлиб, қишлоқ аҳолисида бир киши ўлди (228).

15 август

Скобелев шаҳри

Фаргона область ҳарбий губернаторлик вазифасини бажарувчи П. П. Иванов «Фронт орқасидаги ишларга мардикор ишчилар юбориш тўғрисидаги олий ҳазратларининг 1916 йил 25 июндаги фармони муносабати билан Фаргона областида бўлиб ўтган тартибсизликлар тўғрисида ҳисобот» тузди. Ҳисоботда айтилишича, қўзғолончилар мустамлака маъмурларидан бир кишини, маҳаллий («туземный») маъмурлардан 34 кишини ўлдирилганлар. Қўзғолонларин бостиришда аҳолидан 56 киши ўлдирилган, 109 киши ярдор бўлган. (Булардан 28 киши ўлган.) Лекин бу рақамлар тўла эмаслигини бошқа ҳужжатлардан аниқлаш осон (253—260).

17 декабрь

14—15 июль

Кауфман станцияси

Кўзғолончилар тўдаси Кауфман темир йўл станциясига хужумга ҳозирланди (266).

15 июль

Вревский станцияси агрофидаги қишлоқлар
Темир йўл станцияси агрофидаги қишлоқларда халқ ғалаёнлари кўтарилди (266).

16 июль

84-темир йўл разъезди
Разъездга атроф қишлоқлардан 5 минг кишилик оломон тўпланди (268).

16 июль

Келес станцияси
Келес станциясига кўзғолончилар оломонининг хужуми хавфи туғилди (267).

17 июль

123-темир йўл разъезди
Разъезд начальниги кўзғолончилар хужуми хавфи борлигидан қўшимча соқчилар юборилишини сўради (273).

20 июль

Буют волости

Туркистон ўлдаси контрааведка начальниги Келес яқинида «Сартилар (Ўзбеклар — Х. Т.) нинг 50 минг кишилик тўдаси» йиғилгани ҳақида хабар юборди (275).

20 июль

Қибрай қишлоғи

Қишлоқда 6 минг кишилик кўзғолончилар оломони тўпланди (275).

21 июль

Бўка волости

Волость аҳолиси мардикор олиншига қарши кўзғолон кўтариб норозилик билдирди. Мустама-ка маъмурлари кўзғолонни бостириш учун ҳарбий отряд юборди (291, 299).

18 июль

Оқдўрғон волости

Волость аҳолиси мардикор олиншига қарши кўзғолон кўтарди (299).

21 июль

Пискент

Волость аҳолиси кўзғолон кўтариб, маҳаллий амалдорларга қарши хужум қилди ва мардикор олишга қатъий норозилик билдирди. Кўзғолон ҳарбий отряд кучи билан бостирилди (291, 299).

Занги ота волости

Қишлоқ аҳолиси кўзғолон кўтарди. Ҳарбий отряд билан тўқнашувда кўзғолончилардан 2 киши ўлдди (276).

21 июль

Кауфман станцияси

Кауфман станциясига атрофдаги қишлоқлардан бир неча юз киши хужум қилди. Ҳарбий қисмлар ўт очиб 3 кишини ўлдирди, 20 кишини қамади (275).

21 июль

Олтинов ва Жаскўм волости

Қишлоқ ва овул аҳолиси кўзғолон кўтариб, мардикор олиншига қарши қатъий норозилик билдирди.

22 июль

Муротали қишлоғи

Қариз волостидан Муротали қишлоғига тўпланган 600 кишилик оломон мардикор олиншига қатъий қаршилиқ кўрсатди (316).

22 июль

Усмон ота волости

Кўзғолон кўтарган Усмон ота волости аҳоли оломони тўйтапалликлар билан қўшилишга йўналди (291).

22 июль

Оқдўрғон қишлоғи

Кўзғолон кўтарган аҳоли оломони волость бошқармасининг уйига хужум қилди (291).

22 июль

Пискент волость Ровотон қишлоғи

Қишлоқ аҳолиси мардикор олиншига қарши чиқиб ғалаён кўтарди (291).

22 июль

Тўйгепа

Аҳолининг катта кўзғолони бўлиб, оломон волость бошқарувчисини ўлдирди. Кўзғолон ҳарбий қисм томонидан зўрлик билан бостирилди, қишлоққа ўт қўйилди (278, 290 — 294).

22—26 июль

Чиноз

Қишлоқ аҳолиси мардикор олиншига қарши норозилик билдириб, кўзғолди (279).

23 июль

Амударё бўлими (ҳозирги Қорақалпоғистон территорияси)

Чимбой

Олти волостдан тўпланган қорақалпоқ кўзғолончилари участка пристави ва унинг хотинини ўлдирди. Мардикор олиншига қарши қатъий норозилик билдирди (299).

24 июль

28 июль

Сарийий волости

Қўзғолон кўтарган қорақалпоқлар оломони во-
лость бошқарувчиси ва уч қиллоқ оқсоқolini
тошбўрон қилиб ўлдирди (288, 299).

28—29 июль

Чимбой волости

Халқ ғалаёнлари давом этди (295 — 297).

Июльнинг
охир

Мўйноқ посёлкаси

Қорақалпоқ аҳолиси қўзғолон кўтариб, мардикор
олинишига қарши норозилик билдирди (298).

29 июль

Тошкент уезди, 124-темир йўл разъезди
Кауфман ва Вревский темир йўл станциялари ўр-
тасидаги 124-разъездда қўзғолон кўтарган оло-
мон жазо отряди томонидан ўққа тутилди (287).

7 сентябрь

Амударё бўлимининг Чимбой волости

Қорақалпоқ аҳолиси мардикорликка боришдан
бош тортиб қум-саҳроларга яширинишида давом
этди (305).

16 сентябрь

Тошкент уездининг Оқдўрғон волости

Қиллоқ аҳолиси мардикорликка боришдан бош
тортиб, қум-саҳроларга группа бўлиб чекинди-
лар (305 — 306).

ИЛОВА /
1916 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛОНИГА БАҒИШЛАНГАН
ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ
МАРДИКОРЛАР АШУЛАСИ
(1916)

Поездингни жилдирган,
Ўтхонаси билан дўнғалаги,
Двинискага кетишди,
Март йигитнинг бир бўлаги.

Двинискага кетмас эди
Мард йигитнинг бир бўлаги,
Двинискага кеткизган,
Николай солим замбараги.

Двинискага йўл бўлсин,
Қарағайзорнинг кул бўлсин,
Йигитларни қийнаган,
Николайнинг йўқ бўлсин...

Сўк ошини ичмайман,
Ўтигимни ечмайман,
Қорда қарагай кестанман.
Ҳеч ҳақимдан кечмайман ...

ЖИЗЗАХ ҚЎЗҒОЛОНИ ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН
ҚЎШИҚЛАРДАН

Тахта кўприк битдим?
Николай подшо ўтдим?
Жиззах шаҳрини вайрон қиб,
Муродига етдим?

Ош қади, палов қади,
Томга чиқиб дод айлади,
Номозгоҳни саллот босиб,
Жиззахни вайрон айлади.

(Айтувчи: Қурбоний Очқолов,
ёзиб олувчи: М. Афзалов.
1946 йил. Жиззах шаҳри)

ЖИЗЗАХ ҚЎЗҒОЛОНИДА ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИДАН АЖРАЛГАН
ОТА-ОНАЛАР ҲАЛОК БУЛГАН БОЛАЛАРИГА БАҒИШЛАБ
ҚЎШИҚ АЙТГАН ШЕЪРЛАРДАН МИСОЛЛАР:

Ой чиқса ойдин бўлур,
Қув чиқса қундуз бўлур,
Азимжоннинг қошлари,
Телпака қундуз бўлур.

Сандиқ устида қалит,
Очолмаган Адолатхон,
Жиззахга ўт тушганда,
Қочолмаган Адолатхон.

Қизил гул гунаси гулча,
Қўнгулда дарду ғам алча,
Келиб ёнма ўтиринглар,
Менинг кўнглим очилгучча.

(Айлувчи: *Мўғабархон Ҳакимова*,
ёзиб олувчи: *Музайяна Алавиа*
1946 йил, Тошкент.)

НЕТАЙ МАН?

Нетай ман кетди оламдан,
Азимжон отли фарзандим,
Тўрт ой юзли чилвир соч,
Адолатхон жигар бандим.

.....
Хазон боди уриб кетди,
Менинг гулча баҳоримни,
Кима айтиб, кима йилмай,
Бу Жиззах ичра ҳолимни.

Қамшидай қанот эгилди,
Букилли бари кулфатлан,
Қози, кузат, мингбоши,
Бўшалмас эрди ишратдан..:

Сикқилди танда сўнглақлар,
Бўрилганди нафас ҳар он,
Бу дунё камбағалларга
Туолди бир қафас ҳар он.
— Мардикорга беринг албат!
Деган сўзлар тўлиб тошди,
Чидан кетди, тугаб тоқат,
Фигонлар хадидан ошди.
Подшопикдан келиб отряд,
Қаторлаб қўйди тўйларни,
Шаҳарнинг чанги осмонга,
Чиқиб йўқ қилди қўйларни...

.....
Деворнинг остида қолди,
Жисми жоним Адолатхон,
Уч тўрт кунли келин эрди,
Йиғитлар ақлини олган...

.....
Йиқилди отнинг устидан,
Ариқда қолди ёш ўғлон,

Улигин ахтариб топдик,
Жаҳон бўлди, қора зиндон.

Ғазаблар-ла ёнди кўзлар,
Йиғилди ўч билан ғайрат,
Насихат бўлмади сўзлар,
Ана журъат, ана ҳиммат.

(Шеър автори номъялум. Жиззахда 1946
йилда *Музайяна Алавиа* ва *М. Афзаловлар*
ёзиб олганлар.)

КУРИНГ

Бир минг қирқ тўрт кишини
Бул ҳикоятин кўринг,
Неча сири воқиа билан
Аломатин кўринг.

Мардикор кетган кишиларнинг —
Жамоатин кўринг.
Баъзлар бир-бирига қилган
Далолатин кўринг.

Қаттақўрғон билан Жиззахдан
Чиқиб сонсиз киши
Сувираенинг авволига
Бошланиб эрди иши.

Дабъатан ҳоким буюрди
Мингбошларга қараб,
Олингилар ҳар қилмоқдан
Саксон одамдан санаб.

Боғлондан бирла Жиззахдан
Кетиб беш минг киши
Нони билан старшина
Олиб ҳам эллиқбоши.

Мардикорга бош бўлиб
Наманганлик ғалчаси
Шам кийиб, шапка кийиб,
Ул кунда ғайратин кўринг.

Мираз Мавлон бек сифатин
Мингбош либосин кийиб
Йўрға отга миниб
Кеча-кундуз ғайрат айлаб
Кўп мардикорларни йиғиб
Мулла борки элга старши қилиб,
Мардикорнинг ярмиси
Пул бериб қилгон ҳашаматин
Қайда бўлса бесоқол

Пул бериб қилгон хушоматини кўринг.
Бош-бошига тиктириб чодир уй
Хар қайси ўз ёнидан
Суйдиради битта қўй,
Го қовурма, го палов
Барча меҳмон олдига
Қилган зиёфатини кўринг.
Мардикор катта-кичик йиғдириб,
Мардикорга қари хўкиз суйдириб
Қари хўкиз гўштига
Қориларни тўйдириб.
Қари хўкиз гўштига
Учурма бўлди барчаси,
Кўп ҳоллар бўлди кенаси
Мардикорларнинг нечаси
Қари хўкиз гўштидан
Бўлган аломатини кўринг.
Утмас қоғоз пул бердингиз
Лаянат сизга элликбоши
Заём қоғоз пул бердингиз
Раҳмат сизга элликбоши.

Унди бордик, шунда келдик
Пенза деган шаҳрига
Ярминиз Чор патида қолдик
Ярминиз мис қонида.

Оёқларимиздан совуқлар ўтди,
Тўхтамас кўздан ёши
Шўрпа деб лойқа сув берди
Бир киши ичолмадик,
Қора пон аччиқ экан
Уч қунгача йиелмадик.

(Бу байтни Қурбон Али Мўминов оғзидан
ЎзССР революция-тарих музейи илмий ходи-
ми Ф. Л. Рубинштейн 1936 йилда ёзиб ол-
ган бўлиб, биринчи марта «Қизил Ўзбеки-
стон» газетасининг 1936 йил 24 июлда чиқ-
қан 169 (3646) сонда баҳшнинг расми
билан босилган).

МАРДИКОРЛАР ҚЎШИГИ

I

Тахта кўлрик битдими
Николай подшо ўтдими
Жиззах шаҳрин куйдириб
Муродига етдими.

Ассалому алайкум хурсандмисиз элликбоши,
Мардикорни берай деб,
Қўл қўйдингиз элликбоши.

Қизил қоғоз пул бердингиз,
«Раҳмат» сизга элликбоши,
Бизларни олиб пулларга сотдинг
Хотини талоқ элликбоши.

Шаҳари Ташкентга бориб шону шалонни ослдилар.
Тўрт оёқли қора йўрға поиз
Станцияларни босдилар.

Олти соат йўл юриб,
Қақшади сойнинг суви,
Оёқларимиздан совуқлар ўтди,
Тўхтамас кўзининг ёши.

(Назир Сафаровнинг
«Унутилмас кунлар» очеркидан.)

II

Унда бордик, мунда келдик,
Пенза деган шаҳрига
Ярминиз муз қонга кетдик
Ярминиз туз қонига

Ярминиз фронтга кетдик
Қолганимиз больницатага...

Бизларни олди —
Бешоғар берди
Қозоқ ўрчисинг¹ радлига,
Аҳай ёронлар ким чидайди,
Бешоғарнинг зарбига.

ИЛОВА 2

КИТОВАДАГИ ФОТОСУРАТЛАРНИНГ ИЗОҲИ

1. Машариф Хусановнинг сурати 1936 йилда ЎзССР Фанлар академияси илмий экспедицияси томонидан олинган. Фотонинг асли нусхаси Тарих ва археология институти фондида сақланган.
2. Мусабек Турабековнинг сурати 1916 йилда чор ҳарбий суди тергов вақтида турмада олинган. Фотонинг асли нусхаси Ўзбекистон Тарих музейи фондида сақланган.
3. Абдуқодир Абдукаримовнинг сурати 1916 йилда чор ҳарбий суди тергов вақтида турмада олинган. Фотонинг асли нусхаси Ўзбекистон Тарих музейида сақланган.
4. Рўзибой Давлат Сўфиевнинг сурати 1916 йилда чор ҳарбий суди тергов вақтида турмада олинган. Фотонинг асли нусхаси Ўзбекистон Тарих музейида сақланган.
5. Маҳаммад Дарришев, 6. Усмонжон Муҳаммад Раҳим Хожиев, 7. Охунбува Холдобоев, 8. Марғилон кўзғолонида иштирок эт-

¹ Қозоқ ўрис солдати.

танларнинг бир гуруҳи, 9. Мавлон Лайлаев, 10. Тожибой Мадалаев, Франлар академияси Хасановларнинг суратлари 1956 йилда УЗССР Х. Зияев раҳбарлигида ўтказилган илмий экспедиция томонидан олинган. Фотоларнинг асли нусхалари шу институт қўлёма фондидан да 1916 йилда бўлиб ўтган халқ кўзғолонига доир материаллар тўплами». Марғилон — Андижон. Март-апрель 1956).

12. Гулом Камолов, 13. Низомиддинхужа Зайниддин Хужаев, ҳарбий суди тертови вақтида турмада олинган. Бу фотоларнинг асли нусхалари Ўзбекистон Тарих музейи фондида сақланади.

16. Жиззах кўзғолонига нистирок этганлари учун чор жазо отрядлари томонидан осиб ўлдирилганлардан бир гуруҳининг сурати 1916 йилда олинган бўлиб, биринчи мартаба мағбуотда 1936 йилда кўзғолоннинг XX йиллиги муносабати билан босиб чиқарилган эди. Фотонинг копияси музейларда ва Х. Зияевнинг юқорида кўрсатилган тўпламида бор.

На узбекском языке

Хабиб Турсунович Турсунов

НАРОДНОЕ ВОССТАНИЕ 1916 ГОДА В УЗБЕКИСТАНЕ

Издательство „Ўзбекистан“ — Ташкент, — 1966

Редактор У. Муҳамедова
Техн. редактор А. Салахутдинова
Корректор Х. Мангурова

Термига берилди 28/VI 1966. Босишга рухсат этилди 15/X 1966. Формати 84×1081/32.
Бос. л. 8,25. Шарт. бос. л. 8,82. Нашр. л. 9,49. Тиражи 5000. Р. 16117. Ўзбекистонда нашриёти Ташкент, Навоий кўчаси, 30, Шартнома № 188 — 66.

ЎзССР Министрлар Совети Мағбуот Давлат комитетининг 1-босмихонаси, Ташкент, Хамза кўчаси, 21. Заказ № 197. Баҳоси 72 т.

Telegram address:

@turkiston_kutubxonasi

Telegram address:

@turkiston_kutubxonasi

72 т.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

«ЎЗБЕКИСТОН»
НАШРИЁТИ

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi